

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИИ ВА УРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

“СИЁСИЙ МЕНЕЖМЕНТ ВА ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА”

КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Сайдуллаева Ойдиннинг

**СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ УРГАНИШ
ВА ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

МАВЗУИДА 5320400 - ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА МУТАХАССИСЛИГИ

БЎЙИЧА МАГИСТРЛИК ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН

Магистрлик диссертацияси

Илмий рахбар: проф. Ф.Муминов

ТОШКЕНТ-2010

Магистрлик диссертацияси

**МАВЗУ: СИЁСІЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ
УРГАНИШ ВА ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

**ДАК қарори: магистратура бўлим талабаси
Сайдуллаева Ойдиннинг магистрлик
Диссертацияси “90”га баҳолансин.**

“14” июн 2010 йил

ДАК раиси:



Ш.Ғуломов

ДАК котибаси:



Д.Жуматова

Режа

I.Кириш.

Сиёсий партияларнинг жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришдаги аҳамияти.

II.Асосий қисм.

1-боб. ПР – жамоатчиликнинг фикрини шакллантиришнинг энг муҳим омили.

1.1. Фуқаролик жамияти куришда жамоатчилик билан алоқаларнинг роли.

1.2. ПР – мафкура манбаларидан бири.

2-боб. Сиёсий партияларининг жамоатчилик билан алоқаларининг мазмун-моҳияти.

2.1. Жаҳон сиёсий партияларининг жамоатчилик билан алоқалари бўйича тажрибаси.

2.2. Эркинлашаётган жамиятда сиёсий партияларнинг ахборот ва мафкура масалалари.

3-боб. Сиёсий партияларнинг жамоатчилик билан алоқалар йўналишлари.

3.1. Сиёсий партиялар фракциялари.

3.1. Партия фракцияларининг қонун ижодкорлигида қатнашуви ва уни жамоатчиликка етказиш усуллари.

А) Қонун ижодкорлиги.

Б) Фракцияларнинг назорат-таҳлилда иштироки.

В) Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили.

(омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ва сиёсий партияларнинг ҳисоботларини кўриб чиқиш.

Г) Сиёсий жараёнларни жамоатчиликка етказишда тадбирларнинг ташкил этилиши ва ОАВларида ёритилиши.

Д) Ўзбекистон сиёсий партиялари сайтларининг жамоатчилик билан алоқалардаги роли.

Е) Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш.

III. Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар.

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги.

Паблик рилейшнз – соҳалар ичида энг ёш ва замонавий касбий фаолият бўлиб, унинг тарихий илдизи XIX асрга бориб тақалса-да, лекин у XX асрдагина ўзини тўлақонли намоён этди. У бевосита ижтимоий соҳа бўлиб, бундай соҳанинг юзага келиши ижобий ҳодисадир.

Ҳозир жаҳонда паблик рилейшнзнинг йирик ижтимоий-сиёсий тузилма сифатида мавқеи жуда баланд. Унинг фаолиятини ижтимоий муносабатларда, ҳукумат ҳамда парламентлараро муносабатларда, халқаро ва миллатлараро алоқаларда, молия соҳасида, савдо-сотиқ, саноат ишлаб чиқариши муносабатларида, турли тадқиқот ҳамда оммавий ахборот воситаларида кўришимиз мумкин. Зеро, бугунги кунда айна шу соҳаларда паблик рилейшнзга нисбатан эҳтиёж ортиб бормоқда. Чунки, кундан-кунга технологиялар ривожланиб, тараққий қилаётган, ахборотлар дунёнинг у бурчагидан бу бурчагига бир неча сониялар ичидаёқ етиб бораётган пайтда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар ҳам шунга яраша бўлмоқда.

“Ахборот технологиялари даври” деб ном олган ҳозирги замонда “ахборотни бошқариш” деган тушунча ҳам юзага келди. Зеро, жаҳон тажрибасида баъзан ахборотни нотўғри етказиш, уни салбий талқин қилиш, айрим ҳолларда ундан ғаразли ниятлар йўлида фойдаланиш ёхуд уларни ўз манфаати йўлида узатиш ҳолатлари вужудга келяпти. Айниқса, бу сиёсатда ва бизнесда яққол кўзга ташланади. Бу эса муносабат ва алоқалар самимийлиги ҳамда ижобийлигига раҳна солаяпти, келишмовчиликлар туғдираяпти.

Бундан ташқари, дунёда саноат тобора тараққий этиб бораётган бир замонда бир-бирига рақобатли корхона, фирма ва ташкилотлар пайдо бўлиб, уларнинг ҳар бири муваффақиятга эришиш йўлида курашмоқда. Ана шундай шароитларда жаҳонда кенг ёйилган паблик рилейшнз хизмати ёрдамга келяпти.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин жаҳон доирасига дадил кира бошлади. Эндиликда у ҳар соҳада халқаро андозаларга интилмоқда. Табиийки, ана шу нуқтаи назардан савол ҳам туғилади: бизда ҳам паблик рилейшнз мавжудми? Умуман, юртимизда ҳам паблик рилейшнзга эҳтиёж борми? Бизда ҳам унинг фаолиятини татбиқ этса бўладими?

Паблик рилейшнз атамаси Ўзбекистонга “менежмент”, “бизнес”, “маркетинг” сўзлари каби истиқлолдан кейингина кириб келди. Бундай соҳа мавжудлигини афсуски, ҳали жуда тор доира кишиларигина билади, холос. Ҳозир мамлакатимиз олийгоҳларининг фақат журналистика факультетларидагина ПР (пиар) бўйича махсус курслар ўқитилмоқда. Ҳолбуки ПИАР халқ хўжалигининг ҳар бир соҳасига дахлдор. Қолаверса, мазкур соҳа бўйича ҳали ўзбек тилида дарслик, қўлланма ва китоблар саноклигина. Шунини ҳисобга олиб, паблик рилейшнзни кенгроқ татқиқ этиш учун Ўзбекистон Республикаси сиёсий партияларининг жамоатчилик билан алоқалари доирасидаги фаолиятини ўрганишга аҳд қилдик.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган экан, жамоатчилик билан алоқаларсиз бандай давлат бунёд этиш умуман мумкин эмас. Жойларда давлат идоралари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилсагина мамлакатда демократик тамойилларга амал қилинади. Бунинг учун эса жамият аъзоларини ҳукумат органлари фаолияти билан доимий равишда таништириб бориш зарур. Янгиланиш одимлари ва шиддатларини, мамлакатда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳада олиб борилаётган ислохотларни ўз вақтида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган Олий Мажлиснинг қонунчилик фаолиятини халққа таништиришни кенг йўлга қўйишда сиёсий партияларнинг ўз ўрни бор. Зеро мамлакатимизда жамоатчилик ташкилотлари жуда кўп. Улар ичида фақат сиёсий партияларгина

сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига, парламентда фаолият олиб бориш ҳуқуқига эга.

Фуқаролик жамияти қуриш ва қонунларнинг таъсирини ошириш учун жамоатчилик билан алоқаларга катта аҳамият бериш кераклигини бугун бутун жаҳон аҳли тан олади. Қонунлар ишлаб чиқилишида фаол қатнашаётган жамоатчилик ташкилоти сиёсий партиялар ўзлигини намоён этишда Қонунчилик палатасидаги фракциялари фаолиятидан кенг фойдаланади. Айниқса сайловлар жараёнида сиёсий партияларда пиарга бўлган талаб кучаяди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ҳам 2002 йил 29 августдаги Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида шундай дейди: “Сизларга маълумки, жамиятда ошкоралик ва очиқликни таъминлаш масаласи жамоатчилик фикрини ўрганиш усул-услубларининг қай даражада ривожлангани билан ҳам бевосита боғлиқ.

Таъбир жоиз бўлса, жамоатчилик фикри - фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу. Лекин бизда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам, шакллантириш ҳам яхши йўлга қўйилмаганини, бундай ёндашув сиёсий ҳаётимизнинг доимий белгисига айланиб улгурмаганини таассуф билан қайд этишимиз лозим”.¹

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганларидек, бу масалага эътиборни кучайтириш лозим. Шунинг учун ҳам биз илмий тадқиқотимизни сиёсий партияларнинг жамоатчилик билан алоқаларига бағишладик. “Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамоатчилик фикрининг ҳолатига етарли даражада боғлиқ бўлиб, уни шакллантиришда бошқа бир ижтимоий институтга – оммавий ахборот воситаларига муҳим ўрин берилади”, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов.²

¹ И. Каримов. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2003 йил. Б-26.

² И. Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Тошкент”. Ўзбекистон” 1998 йил, Б-153.

Диссертация ишининг методологияси ва илмий - назарий асоси. Диссертация ишининг методологик асосини Президент И.Каримовнинг ОАВ тўғрисида билдирган фикрлари, маъруза ва китобларида илгари сурилган ғоя ва концепциялар ташкил этади. Диссертация ишининг назарий асосида журналистика, сиёсатшунослик соҳаси олимларининг асарларида илгари сурилган илмий фикрлар ётади. Биз ушбу илмий изланишларимизда 2005 йилда ўз фаолиятини бошлаган икки палатали парламентда фаолият юритаётган сиёсий партиялар фракцияларининг бугунга қадар бўлган даврини таҳлил қилдик. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг икки палатали тизимга ўтиши ҳукуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти сари қўйилган муҳим қадам бўлди. Икки палатали парламент тизимининг жорий этилиши жамоатчилик билан алоқаларнинг аҳамиятини ошириб, унинг янада юксалишига туртки бўлди.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий партияларининг жамоатчилик билан алоқалар деганда биз нимани тушунамиз? Партияларнинг жамоатчилик билан алоқаларининг ўзига хос усул ва услублари мавжудми? Агар мавжуд бўлса у нималарда кўринади?

Ўзбекистон Республикаси сиёсий партиялари ушбу ишни самарали амалга ошириб келяпти. Аввало, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партияларнинг фракциялари фаолият олиб борапти. Шунингдек, ҳар бир партияда мафкура ва матбуот бўлими ишлаб турибди. Айни кунда 135 нафар депутатни бирлаштирган 4 та сиёсий партияларнинг фракциялари ҳам ушбу ишга муносиб ҳисса қўшиб келишяпти. Икки палатали парламент иш бошлаганида Қонунчилик палатаси депутатлари 120 нафар эди. Ушбу далилнинг ўзи ҳам жамоатчилик билан алоқаларга Ўзбекистонда кенг аҳамият берилаётганлигини ифода этади.

Хўш, жамоатчилик билан алоқаларни сиёсий партиялар қайси усулларда амалга оширяпти? Буни изоҳлаш учун партияларнинг иш йўналишига эътибор беришимиз керак.

Партиялар асосан ушбу йўналишларда иш олиб боради: - қонун ижодкорлиги;

- фуқаролар билан яқиндан мулоқот ва сайловчилар билан учрашувлар;

- тадбирлар (конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари) ўтказиш;

- ОАВ да чиқиш ва интернет сайтлари;

Қонун ижодкорлиги ва унинг тарғиботини сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ўз фракциялари фаолияти орқали амалга оширадилар, Кейинги йўналишлар ҳам яъни тадбирлар уюштириш ҳамда фаолиятнинг тарғиботи ва ташвиқотини ҳам ўз депутатлари иштирокида, уларнинг ёрдамида амалга оширадилар.

Демак партиялар фаолиятининг ҳар бир йўналиши билвосита ПР билан, яъни жамоатчилик билан алоқаларга дахлдор. Биринчи йўналиш бевосита дахлдор бўлмаса-да, билвосита унга тегишлидир. Зеро, бирор қонун тайёрланаётганда қўмиталар сиёсий партияларнинг фикрини албатта эътиборга олади ва бу уларнинг назаридан ўтказилади. Фикр-мулоҳазалари эътиборга олинади. Партиялар зарурият бўлса тегишли ташкилотлар билан биргаликда ишлайди. Фракция тажрибали олим ва малакали мутухассисларнинг фикрларини ўрганади.

Партияларнинг иккинчи йўналиши фуқаролар билан яқиндан мулоқот ва сайловчилар билан учрашувлар уюштиришдир. Албатта бу йўналиш бевосита фракция аъзоларига дахлдордир.

Партияларнинг учинчи йўналиши конференция, семинар, давра суҳбати, депутат учрашуви каби – тадбирлар уюштиришдир. Унда мамлакатимизнинг ички ташқи сиёсати аҳолига етказилади ва мулоқот жараёнида халқнинг фикри таҳлилий ўрганилади. Ҳолбуки, бу мамлакатимиз партияларининг ўзига хослигини, миллийлигини ҳам ифодалайди, шу билан бирга жамоатчиликнинг фикрига алоҳида

эътибор берилиши, демократик тамойилларга амал қилишини кўрсатади. Сиёсий партияларимиз бу борада катта тажрибага эга.

Партияларнинг тўртинчи йўналиши бу тарғибот ва ташвиқот ишлари яъни жамоатчилик билан алоқаларини ўз органлари бўлмиш газеталари, бошқа ОАВлари ва интернетдаги сайтлари орқали амалга оширилишидир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий партияларининг жамоатчилик билан алоқалари тадқиқи илк бор амалга оширилади.

Тадқиқотда партияларнинг жамоатчилик билан муносабатларни амалга оширишдаги усул ва услублари илмий асосда таҳлил қилинади.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий партияларининг жамоатчилик билан алоқалари жаҳон партияларининг тажрибаси билан қиёсланиб, миллий сиёсий партияларнинг ўзига хос жиҳатлари ва тараққий қилиши лозим бўлган жиҳатлари кўрсатилади.

Диссертацияда глобаллашув даврининг маҳсули – партия сайтларининг ютуқ ва камчиликлари илк бор илмий таҳлил қилинади.

Диссертация ишининг илмий – амалий аҳамияти. Барча оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқ ва қонунчилик мавзудаги чиқишларни кўпайтириш ҳамда таъсирчанлигини ошириш – давр талаби. Чунки, халқимиз ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, ушбу улуғвор вазифанинг асосларидан бири қонун устуворлигига эришиш ва аҳолининг ҳуқуқий билими, ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш эканлигини тушунмоғимиз лозим. Ана шундагина жамоатчилик давлат органлари устидан ўз назоратини ўрната олади. Бу эса сиёсий партияларнинг фаолияти билан бевосита боғланиб кетади.

Диссертация ишининг тузилиши (структураси).

Диссертация уч бўлимдан иборат: кириш, асосий қисм, хулоса.

Асосий қисм уч бобдан иборат бўлиб, 1-боб ПР-жамоатчиликнинг фикрини шакллантиришнинг энг муҳим омили деб номланади. Унинг биринчи қисмида фуқаролик жамияти қуришда жамоатчилик билан алоқаларнинг роли очиб берилган, иккинчи қисмда эса ПР - мафкура манбаларидан бири эканлиги ифода этилган.

2-боб сиёсий партияларининг жамоатчилик билан алоқаларининг мазмун-моҳиятига бағишланган. Унинг биринчи қисмида жаҳон сиёсий партияларининг жамоатчилик билан алоқалари бўйича тажрибаси акс эттирилган. Зеро қиёсий ўрганилганда барча нарса яққолроқ акс этади. Иккинчи қисмида эркинлашаётган жамиятда сиёсий партияларнинг ахборот ва мафкура масалаларига эътибор берилган.

3-бобда сиёсий партияларининг жамоатчилик билан алоқаларининг асосий йўналишлари тадқиқ қилинган.

3.1. Сиёсий партиялар фракцияларининг фаолияти кенг шархланади.

Ушбу бўлим олти йўналишдан иборат бўлиб, а) партия фракцияларининг қонун ижодкорлигида қатнашуви ва уни жамоатчиликка етказиш услублари, б) фракцияларининг назорат-таҳлилда иштироки, в) Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ва сиёсий партияларнинг ҳисоботларини кўриб чиқиш, г) сиёсий жараёнларни жамоатчиликка етказишда тадбирларнинг ташкил этилиши ва ОАВларида ёритилиши, д) Ўзбекистон сиёсий партиялари сайтлари, е) Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш масалалари ёритилади.

Хулосадан кейин фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳам илова қилинган.

1-боб. ПР – жамоатчиликнинг фикрини шакллантиришнинг энг муҳим омили.

1.1. ПР – Фуқаролик жамияти қуришда жамоатчилик билан алоқаларнинг роли.

Инсоният изчил суръатда ахборот асрига қадам қўймоқда. “Ахборот технологиялари даври” деб ном олган ҳозирги замонда “ахборотни бошқариш” деган тушунча ҳам юзага келди. Зеро, жаҳон тажрибасида баъзан ахборотни нотўғри етказиш, уни салбий талқин қилиш, айрим ҳолларда ундан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланиш ҳолатлари вужудга келяпти. Бугун бирон миллат, мамлакат тақдири қурол билан эмас, балки ахборот билан ҳал этиляти, десак муболаға бўлмайди. Шунинг учун мамлакатимизда мафкуравий ишларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. 2006 йил апрель ва август ойларида эълон қилинган “Аҳоли ўртасида олиб борилаётган анъанавий маърифий ва тарғибот ва ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора тадбирлар дастури тўғрисида”ги ва “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Президент Қарорларининг қабул қилинганлиги бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди.

XXI аср информатика асри. Ахборийлашув тобора глобаллашув таъсирини олмоқда. Ахборийлашувнинг ижобий томонлари жуда кўп бўлиши билан бирга салбий томонлари ҳам йўқ эмас. У информацион хуружни келтириб чиқаряпти. Натижада бугунги мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга бўлиб бораяпти.. Бу эса паблик рилейшнзнинг аҳамиятини янада оширади.

Мафкура манбаларидан бири бўлмиш ОАВ ҳаётимизнинг ажралмас бир қисмига айланиб бормоқда. Чунки, ижтимоий муносабатларда уларнинг аҳамияти катта бўлиб, жамоатчиликнинг фикрини шакллантиришда энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Барча оммавий ахборот воситаларида ҳукуқий мавзудаги чиқишларни кўпайтириш ҳамда таъсирчанлигини ошириш давр талабидир. Бунинг учун аввало парламентдаги партия фракцияларининг жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳкамлаш зарур бўлади. Зеро, ҳукуқий

демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган эканмиз, ушбу улуғвор вазифанинг асосларидан бири – қонун устуворлигига эришиш ва аҳолининг ҳуқуқий билими, ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдир.

Шу нуқтаи назардан айтиш лозимки, бугун ахборот аҳамиятининг ошиши паблик рилейшнз каби янги ижтимоий соҳаларнинг юзага келишига, тараққий топишига туртки бўлди. Паблик рилейшнз – соҳалар ичида энг ёш ва замонавий касбий фаолият бўлса-да, ҳозир жаҳонда йирик ижтимоий-сиёсий тузилма сифатида мавқеа жуда баланд. Чунки, паблик рилейшнзнинг ахборот ёрдамида жамиятдаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш, ижобий муҳит яратиш, сиёсий-ижтимоий “иқлимни” меъёрлаштириш, кишиларда ижобий муносабат туғдириш каби вазифалари бугунги давр талабига жавоб беради.

Шу жумладан, ҳукумат фаолиятида ҳам паблик рилейшнзга жуда катта эҳтиёж бор. Ҳукумат фаолиятида пиарни қўллаш ҳукумат ва халқ ўртасидаги муносабатларни яхшилади, қонунларнинг фуқаролар томонидан ижобий қабул қилинишига, амалда тўғри бажарилишига имкон беради. Бунинг учун эса, авваламбор, давлат ҳокимияти органлари фаолияти билан жамият аъзоларини батафсил таништириб ва тушунтириб бориш зарур. Зотан, ҳуқуқий демократик давлатнинг, фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидан бири ҳам – давлат идоралари фаолиятида ошкораликка эришишдир. Паблик рилейшнз эса ОАВ орқали ҳукумат фаолиятини ёритишга хизмат қилади. Зеро, жаҳон тажрибасидан маълумки, жамоатчилик билан алоқалар фаолиятининг 65 фоизи оммавий ахборот воситалари билан боғлиқлир. Қолган 35 фоизи эса турли дастурлар ишлаб чиқиш, тадбирлар уюштириш вазифаларидир.

Жаҳоннинг етакчи PR мутахассиси, Паблик Рилейшнз халқаро ассоциациясининг экс-президенти Сем Блек ўзининг “Введение в паблик Рилейшнз” китобида: “ПР ҳақиқат ва ахборот мукамаллигига

асосланиб, жамиятда ўзаро тенглик ва бирликни таъминлайдиган фан ва санъат”¹ деган эди

ПР журналистика негизда пайдо бўлган ва мазкур иккита фаолият бир-бири билан узвий боғлиқдир. Шу боис улар ўртасидаги муносабатлар жуда мураккаб. Шуниси аниқки, ОАВлари билан муносабат ПР фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Чунки жамоатчилик билан алоқа қилишнинг энг таъсирчан воситаси-матбуот, радио, телевидениедир. Жаҳон тажрибасида ПРнинг матбуот билан иш олиб бориши-медиа рилейшнз (MR) дейилади.

Зеро, бугун ҳукуратимиз бозор муносабатларига ўтаётган экан, юртимизда пиар хизматини йўлга қўйиш ҳар қачонгидан ҳам зарурдир. Чунки, мамлакатимиздаги йирик-йирик корхоналарда ПР хизматини йўлга қўйсак, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар харидоргир бўлади ва четдан кириб келаётган сифатсиз маҳсулотлар тарқалишининг олди олинади, маҳаллий маҳсулотларимизга кенг йўл очилади.

Шу ўринда, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат куриш, фуқаролик жамиятига асос солиш бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолияти, мазкур қонун ишлаб чиқарувчи органнинг қонунларига, уларнинг ҳаётга тадбиқ этилишига, халққа сингиб кетишига боғлиқ эканлигини таъкидлаш зарур. Бунда эса жамоатчилик билан алоқаларнинг аҳамияти бекиёсдир. Жамоатчилик билан алоқаларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сиёсий партияларининг фракциялари ўз тажрибасига эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади”,² – дейилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фақат қонун чиқариш жараёни билан шуғулланибгина қолмай, жамоатчилик билан алоқаларга ҳам алоҳида эътибор бериб келаяпти. Бу борада Олий Мажлиснинг фракцияларнинг фаолиятиги, депутатларнинг ўз округидаги

¹ Сэм Блек. Введение в публик рилейшнз. Москва. «Феникс» 1998 йил. Б-17.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 11-модда. Тошкент”. Ўзбекистон” 2008 йил. Б-5.

учрашувлари орқали эришади. Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз услубий шаклларига, услубий йўналишларига эга.

Биринчидан, у қонун ишлаб чиқаришда жамоатчилик фикрига алоҳида эътибор беряпти. Ҳар бир бир қўмита ҳузурида экспертлар гуруҳи тузилганлиги бунинг тасдиғидир.

Иккинчидан, қонунни халқ қандай қабул қилаётганлигини назорат-таҳлил фаолияти орқали ўрганиб, бу ишга муносиб ҳисса қўшяпти. Парламент назорат-таҳлил фаолияти миллий қонунчилигимизнинг ифодаси десак бўлади. Жаҳондаги кўплаб парламентларда назорат таҳлил фаолияти йўқ. Парламент назорат-таҳлил фаолиятига парламент сўрови ва турли хил комиссияларнинг фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин.

Масалан, илк икки палатали парламент даврида дастлабки икки йилида иккита комиссия тузилди. Андижон воқеаларини ўрганиш бўйича парламентдаги мустақил комиссия ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Сурхондарё вилояти шимолий туманларининг экологик вазиятларига Тожикистон алюминий заводининг салбий таъсирини ўрганиш бўйича комиссия. Комиссия аъзолари тегишли масалалар юзасидан муаммоларни чуқур ўрганиб, аҳолининг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиб ўз хулосасини бердилар.

Учинчидан, тарғибот-ташвиқот ишларига ҳам алоҳида эътибор берияпти. Истиқлолимизнинг илк йиллариданок, мамлакатимизда ошкораликка кенг йўл очилди. Олий Мажлисда Матбуот ва ошкоралик қўмитаси ҳам ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 1995 йил 14 февралда Фарғона вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида ошкоралик ҳақида, жамоатчилик, матбуот билан алоқалар ҳақида шундай деган эди: “Биз очик ва демократик жамият курмоқдамиз. Мақсадларимиз, ниятларимиз ва ишларимиз очик, яширадиган жойи йўқ. Демак, Президент ҳам, вазирлар ҳам, ҳокимлар

ҳам, оддий фуқаро ҳам очик баҳсдан, очик мулоқотдан ўзини тортмаслиги шарт. Бизни сайлаган одамлар ҳокимият фаолиятидан хабардор бўлиши ва унга баҳо беришида матбуот воситачи ролини бажариши лозим.

...Бизнинг яширадиган нарсамиз йўқ. Сиёсатимиз очик-ойдин. Халқ билан бамаслаҳат иш кўрсак, ислохотларнинг бориши ва яқунларидан уни доимо хабардор қилиб турсак, қийинчиликларни яширмасдан, ҳаётимизнинг энг оғир жиҳатларини ҳам очик ошкор этсак, баён этсак, бундан биз асло ютқазмаймиз, аксинча – фақат ютамыз.

Ошкоралик ва очиклик бизнинг ҳар қадамимизни зимдан пойлаб юрган ғанимларимиз таркатаётган турли миш-мишларга, бўҳтон ва уйдирмаларга қарши зарба беради. Тирноқ остида кир қидириб юрганларга ҳам иш қолмайди”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўзининг “Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамыз” китобида ҳам яна шу мавзуга тўхталиб ўтганлар: “Масаланинг яна бир ечими фикр эркинлиги, сўз эркинлиги билан боғлиқ. Жамият аъзолари ўз фикрини эркин ифода эта олиши, сўз эркинлигини ҳимоя қилиш, шу ҳуқуқларнинг амалда таъминланиши учун кафолат яратиш – бизнинг бугунги энг муҳим вазифамиз бўлиши лозим. Одамларнинг эркин фикрини ифода этувчи оммавий ахборот воситалари жамиятда ўзининг мустаҳкам ўрни ва мавқеини эгаллаши даркор”².

Бу йўналишда ҳам сиёсий партиялар катта йўлни босиб ўтди. Айниқса, икки палатали парламент тизимига ўтилиши жамоатчилик билан алоқаларни янада ривожлантирди.

Сиёсий партиялар ўтган беш йил ичида жамоатчилик билан алоқаларда ўзига хос услубга эга бўлди. Сиёсий партияларнинг фракцияси фаолияти, уларнинг аъзолари бўлмиш депутатларнинг ялпи йиғилишдаги фаолияти ОАВда мунтазам ёритилипти. Ўзбекистон

¹ “Халқ сўзи” газетаси. 1995 йил 14 февраль.

² Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамыз. 7-жилд. Тошкент”. Ўзбекистон” 1999 йил, Б-293.

телевидениесининг инфор­мацион дастурлари ўз кўрсатувларини Олий Мажлиснинг фаолиятини ёритишдан бошлайди. “Парламент соатлари” . “Парламент вақти” номли махсус кўрсатувлари ҳам мавжуд. “Халқ сўзи” “Народное слово” газеталарининг биринчи саҳифаси “Олий Мажлис Қонунчилик палатасида” рукни билан очилади.

Қонунчилик палатасида тадбирлар уюштириш ва уларни тарғиб қилиш, қонунларни оммавий ахборот воситаларида шарҳлаш ва депутатларнинг сайловчилари билан учрашув ва мулоқотлар ўтказиш анъанага айланган.

Олий Мажлиснинг қонунчилик фаолиятини халққа етказиш йўллари­дан яна бири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламентида ҳам белгилаб қўйилган. Унинг 62-моддасида шундай дейилади: “Ноябрь, февраль ва май ойларининг охирги тўлиқ ҳафтаси депутатларнинг сайлов округларида сайловчилар билан ишлаши учун мўлжалланган”.

Умуман, янгиланиш одимлари ва шиддатларини, мамлакатда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳада олиб борилаётган ислохотларни ўз вақтида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган Олий Мажли­сдаги сиёсий партиялар фракцияларининг қонунчилик фаолиятини халққа таништириш кенг йўлга қўйилган.

1.2. ПР - мафкура манбаларидан бири.

Хўш, паблик рилейшнз нима? Паблик рилейшнз инглизча сўз бўлиб, “жамоатчилик билан алоқалар”, “жамоатчилик билан муносабатлар” деган маънони билдиради. Жамоатчилик билан алоқаларни хорижда қисқача Пи-Ар дейишади. Чет элда ҳар бир ташкилотда жамоатчилик билан алоқалар бўлими мавжуд. Пи-Арнинг мақсад ва муддаоси, вазифаси ҳақида янги халқаро Уэбстер луғатида шундай изоҳ берилади: “ПР – бу шахслар ва ташкилотларнинг бошқа кишилар, гуруҳлар билан ва умуман, жамиятда ўзаро самимийликни вужудга келтириш ва бир-бирини англашга кўмаклашиш ҳамда изоҳий, таҳлилий мақолаларни

тарқатиш, ахборот алмашинувини ривожлантириш, жамоатчилик фикри ва таъсирини баҳолашдир”.¹

Давлатимиз раҳбарининг Андижон воқеалари муносабати билан мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун ўтказилган матбуот анжуманларидаги баёнотлари ва оммавий ахборот воситалари учун берган интервьюлари бу борада алоҳида эътиборга сазовордир.

Чунончи, Мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг Москвада чоп этиладиган “Независимая газета” мухбирининг саволларига жавобларини олайлик.² Мухбир ушбу суҳбатда Тошкентдаги авиация заводи Россияга кўчирилар экан, деган гап ҳақиқатга қанчалик тўғри келади, деб сўрайди. “Мутлақо тўғри келмайди, - дея жавоб беради Ислон Каримов, - аксинча, Россия ҳарбий маҳкамаси ва шахсан ҳарбий ҳаво кучлари бош қўмондони Михайлов бизнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ИЛ – 76 МФ самолётининг энг замонавий ва дунёда муқобили йўқ эканлигини бир неча бор таъкидлаган. Бу самолётни фақат бизнинг заводимиз ишлаб чиқаради. Ушбу завод Россиянинг 2 мингта корхонаси билан кооперация алоқаларига эга. Нима учундир бу ҳақида гапирилмайди.”³

Ушбу интервьюда мухбир Россия Ўзбекистонда ўз ҳарбий базасини жойлаштирмоқчи, дея тарқалган гаплар қай даражада ҳақиқатга тўғри келишини сўрайди. “Ҳар қандай база мавжудлигининг ўзи маҳаллий аҳоли психологиясига таъсир кўрсатади”,⁴ дея жавоб беради мамлакатимиз Президенти. Ушбу масала ҳам ҳозир ўз ечимини топган. Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида 2005 йил 14 ноябрда имзоланган иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги

¹ «Луғат. Журналистика. Реклама. Паблик Рилейшнз. Маълумотнома.1700 та атама». Тошкент. “Зар қалам” нашриёти. 2003 йил.

² Ислон Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд, Тошкент. “Ўзбекистон”. 2005 йил. Б-145.

³ Ислон Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. Тошкент. “Ўзбекистон” 2005 йил. Б-147.

⁴ Ислон Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. Тошкент. “Ўзбекистон” 2005 йил. Б-147.

Шартномага кўра, ҳар иккала давлат зарур бўлиб қолганда бир-бирларининг ҳарбий объектларидан биргаликда фойдаланиш тўғрисида келишиб олдилар.

Президентимизнинг Андижон воқеалари содир бўлмасдан олдин, 2005 йил 14 январда мухбир саволларига берган жавобида ҳам АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари тўғрисида қуйидаги муносабат билдирган эди: “Ҳозирги пайтда ушбу аэродромнинг мақоми муҳокама этилмоқда. Бизнинг қатъий нуқтаи назаримиз шундан иборатки, америкаликлар ундан фақат Афғонистоннинг тинч йўл билан тикланиш жараёни якунлангунга қадар фойдаланишади. Афғонистондаги контртеррористик операция охирига етгач, Ўзбекистон ҳудудида ҳар қандай мамлакат ҳарбий ҳаво кучларининг бўлишига зарурият қолмайди. Чунки, биз суверенитетимиз нимадан иборат эканлигини яхши биламиз ва ҳимоя қиламиз¹

2005 йил 25 май куни Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи билан жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари учун берилган интервьюсига “Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди” деб сарлавҳа қўйилган. Андижон воқеалари муносабати билан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида эса ушбу воқеа ҳақида миш – мишлар кўпайиб кетганлиги баъзи сиёсатдонлар халқаро комиссия тузиб, Ўзбекистонга юбориш лозимлиги ҳақида жар сола бошлаганликларини афсус билан таъкидлайди. Андижон воқеалари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмасдан туриб, чуқур ўйланмаган гапларни айтаётган сиёсатдонларга (ана шундай сиёсатдонлар қора пиарменлар деб аталади), баъзи бир оммавий ахборот воситалари журналистларига шундай деб жавоб беради: “Ўзбекистон мустақил суверен давлат бўлса, унинг дарвозаси ва остонаси, ўзига хос давлат тизими, сайланган ҳукумати ва президенти бўлса-ю” нега ташқаридан келиб аралашиши керак? “Куни кеча Олий Мажлисимиз бу масалани муҳокама қилиб, унинг атрофида бўлаётган

¹ Ислом Каримов Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. Тошкент. “Ўзбекистон” 2005 йил. Б-148.

турли бўлмағур гап –сўзлар бўйича ўз ташвишларини билдириб, Андижон воқеаларини текшириш юзасидан махсус мустақил парламент комиссиясини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди”.¹ Дарҳақиқат, Парламентдаги партия фракциялари аъзоларидан ва Сенат аъзоларидан иборат комиссия тузилди.

Президент И.Каримовнинг ОАВ мухбирларига берган интервьюлари ва маърузалари Ўзбекистон ўтказаётган мустақил ташқи ва ички сиёсатга дахлдор берилган барча саволларга аниқ жавоблар қанчалик долзарб ва аҳамиятли бўлганлигини халқаро ҳаётдаги, халқимиз турмушидаги бугунги воқелик, ўзгариш ва вазиятлар кўрсатиб турибди. Айниқса, ташқи сиёсатда мўлжални тўғри олишнинг ўзи бўлмайди. Ўзбекистоннинг ўзига хос, ўзига мос танлаган йўли бугун халқаро майдонда мамлакатимизнинг обрў – эътиборини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Қатъиятлилиқ ва изчиллик эса халқаро ҳаётда ишончни кафолатлайди. Бугун Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги изчилликни ушбу суҳбатдагиди эзгу фикр ва унга уйғун эзгу амаллар ифодалаб турибди.

Ҳаётимизнинг ажралмас бир қисми бўлмиш ОАВларидан кенг ва самарали фойдаланиш ижтимоий ҳаётда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирчанлини ошириш билан бир қаторда, жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш юзасидан вазифаларнинг самарали амалга оширилишига хизмат қилишини ана шу далилнинг ўзи ҳам исботлаб турибди.

Мамлакатимизда аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш, жамиятни демократик янгилаш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакат иқтисодиётини эркинлаштиришга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида бугун мингга яқин оммавий ахборот воситалари ишлаб турибди. Сиёсий партияларнинг ҳам ўз нашрлари мавжуд. Шу билан бирга бошқа ОАВларидан ҳам самарали

¹ Ислом Каримов Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. Тошкент. “Ўзбекистон” 2005 йил. Б-409-410.

фойдаланадилар.

Ислохотларни

чуқурлаштириш

жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлмиш матбуот, радио ва телевидение орқали ўз фаолиятини янада оммалаштиришга алоҳида эътибор берилляпти. Бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳамма газета ва журналларида парламентдаги партия фракцияларининг фаолияти мунтазам ёритилмоқда.

Фракция фаолиятининг ОАВларида ёритилишини икки йўналишга бўлиш мумкин.

Биринчи йўналиш - бу фракция фаолиятининг ОАВда журналистлар томонидан ёритилишидир. Журналистлар фуқароларни янги қонунлар, фракцияларнинг йиғилишлари, парламентнинг назорат-таҳлил фаолияти ва тадбирлари билан таништиришади.

Иккинчи йўналиш эса бевосита фракция аъзолари-депутатлар ўзи ОАВда мунтазам равишда чиқишлар қилиб, қуйи палата фаолияти, ишлаб чиқаётган қонунлари билан жамият аъзоларини доимий равишда таништириб, қонунларга шарҳлар бериб, изоҳлаб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиб боришдан иборат.

2005 йилда қуйи палата депутатлари мамлакатимизнинг марказий оммавий ахборот воситаларида парламент фаолиятининг турли масалалари юзасидан салкам 1420 марта чиқиш қилдилар. Қонунчилик палатаси, унинг қўмиталари ва сиёсий партиялар фракциялари фаолияти оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритиб борилди. ОАВ орқали депутатлар янги қонунларга шарҳлар бериб, жамиятдаги воқеаларга муносабатларини акс эттирдилар. Қонунчилик палатасининг 2006 йилдаги оммавий ахборот воситалари орқали бериб борилган мақолалар, чиқишлар ва интервьюларининг умумий сони 2100 дан зиёдни ташкил этди. Ушбу чиқишлар беш йил ичида тадрижий равишда ортиб борди.

Зеро, ҳуқуқий демократик давлатнинг, фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидан бири – давлат идоралари фаолиятида ошкораликка эришишдир. Паблик рилейшнзнинг вазифаси ҳам ошкораликка, аниқ,

холис ва ҳаққоний ахборотларга асосланиб, жамиятдаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш, бир-бирини яхши англашга кўмаклашишдир. Айнан журналистлар ўз касблари тақозосига кўра кенг омма билан, аҳолининг турли табақалари билан, шу жумладан оддий фуқаролар билан кенг мулоқотда бўлишади. Шу сабабли ПР билан ОАВ доим ёнма-ён яшайди. ОАВ инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида катта аҳамиятга эга. Халқнинг маънавий онги, ҳуқуқий маданияти, маърифатлилик даражасига ОАВ катта таъсир ўтказади. Шу нуқтаи назардан давлат ҳокимияти органлари фаолияти мунтазам равишда ОАВда ёритилиб бориляпти. Қбул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳияти аҳоли ўртасида батафсил тушунтирилса, унинг ҳаётга татбиқ этилиши, амалда тўлиқ ижро этилиши, ишлаш механизми тўғри йўлга қўйилиши таъминланган бўлади. Чунки ҳар бир чиқарилаётган қонун, олиб борилаётган ислоҳот пировард натижада жамият учун, инсон манфаатлари учун хизмат қилади.

2-боб. Сиёсий партияларининг жамоатчилик билан алоқаларининг мазмун-моҳияти.

2.1. Жаҳон сиёсий партияларининг жамоатчилик билан алоқалари бўйича тажрибаси.

Давлат органлари ва сиёсий партияларнинг жамоатчилик билан алоқалари бугун нафақат давлат органлари, балки сиёсий партия ва ижтимоий ҳаракатлар учун ҳам муҳим. Ҳозирги кунда кўпгина давлатларда сиёсий партия ва ижтимоий ҳаракатлар ўз махсус ПР хизматларига эга. ПР хизмати мавжуд бўлмаган партияларда эса бу функцияни кўпинча партия лидерлари бажаради. ПР хизмати ҳам давлат органлари, ҳам фуқаролик жамияти сиёсий институтлари учун умумий бўлган қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. жамоатчилик ва бошқа сиёсий субъектлар билан алоқа ўрнатиб, доимий мулоқотда бўлади.

2. Давлат, сиёсий партия ёки ижтимоий ҳаракатнинг сиёсий позицияси, қабул қилган қарорлари тўғрисида аудиторияга маълумот беради.

3. Ижтимоий-сиёсий мониторинг ўтказди, аҳоли фикрини ўрганади, мавжуд сиёсий кучлар, сиёсий вазият, сиёсий конъюктурани тадқиқ этади.

4. Қабул қилинган қарорлар ва тадбирларга нисбатан кишилар муносабатини кузатади.

5. Бугун қабул қилинган қарорлар ва чора-тадбирлар эртага қандай натижа бериши, мавжуд ижтимоий, сиёсий жараёнлар ривожидан кейин қадайдан тус олиши мумкинлигини башорат қилади.

6. Сиёсий субъектларга таҳлилий ахборотлар етказиб туради, жамоатчилик билан алоқа қилиш бўйича тавсиялар бериб боради.

7. Сиёсий субъект ва лидерларнинг ижобий имижини яратади.

ПР фаолиятининг фақат сиёсий партия ва ижтимоий ташкилотлари учунгина хос бўлган махсус хизматларига қуйидагилар киради:

Биринчидан, сиёсий партиялар ПР хизмати давлат органлари ПР хизматига нисбатан кичикроқ доирада фаолият олиб боради. Бунга сабаб сиёсий партияларнинг ташкилий ва молиявий ресурсларининг чекланганлигидир. Шу сабаб кўпгина сиёсий партиялар ўз ПР хизмати ва бўлимларига эга эмаслар.

Иккинчидан, сиёсий партиялар фаолияти аҳолининг фақат муайян қатлами билангина ишлашга қаратилган. Ўз гуруҳи қизиқишларидан келиб чиқибгина иш олиб боради. Давлат органлари эса бу борада камроқ сиёсийлашган бўлиши лозим. Давлат у ёки бу сиёсий гуруҳ фойдасига ташвиқот ва тарғибот олиб бормай, балки бутун аҳоли қизиқишларини ҳисобга олиши зарур.

Учинчидан, сиёсий партиялар бошқа партиялар билан доимо рақобатда бўлгани туфайли жамиятдаги ўзгаришларга ҳамиша «ҳозиржавоб» бўлиши, вазиятдан келиб чиқиб, тезкор тадбирлар амалга

ошира олиши зарур. Сиёсий партияларнинг кучли томони шундаки, улар давлат органларининг амалга ошираётган тадбирларига дарров ўз муносабатини билдириши, хато ва камчиликларини кўрсатиши, янги фикр, ғоя ва таклифлар билан чиқиши мумкин.

Сиёсий партиялар ПР хизматидан айниқса сайлов кампаниялари даврида кўп фойдаланадилар. Чунки партия лидерлари муваффақиятли сайлов кампанияси бу – яхши йўлга қўйилган алоқа натижаси эканлигини яхши биладилар. Лекин сайлов ўтгандан сўнг эса аксарият ҳолларда ПР агентликларига бўлган талаб кескин тушиб кетади. Ҳатто баъзи кузатувчиларнинг айтишича, ПР фаолияти фақат сайлов пайтидагина қўлланилади.

Кўпгина давлатларда сиёсий ПР хизматига сарфланадиган маблағ бошқа ПР хизматига сарфланадиган маблағдан анча кам. ПР сармоялари ичида иқтисодий ПР га бўлган талаб айниқса катта.

Сайлов кампаниясини ПР кампаниясининг бир кўриниши деб атаса ҳам бўлади.

Жаҳоннинг етакчи PR мутахассиси, Паблик Рилейшнз халқаро ассоциациясининг экс-президенти Сем Блекнинг ёзишича, ПР фаолиятини амалга ошириш ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган тўртта қисмдан иборат:

1. Муаммони ўрганиш ва таҳлил қилиш.
2. Иш дастури ва бюджет режасини тайёрлаш.
3. Дастурни амалиётга тадбиқ этиш.
4. Натижани назорат қилиш, баҳолаш ва зарурий ўзгартиришлар киритиш.¹

Рус олими Г.Г.Почепцов назарияси бўйича ҳам ПР фаолияти тўрт босқичдан иборат:

1. Муаммони аниқлаш.
2. Режа ва дастур тузиш.
3. Режа ва дастурни амалга ошириш ва коммуникация.

¹ Сэм Блек. «Введение в паблик рилейшнз». «Феникс». 1998 йил. Б-20

4. Дастурнинг самарасини баҳолаш.¹

Сиёсий партияларнинг сайлов кампаниялари ҳам худди ана шундай босқичлардан ўтади. Сайлов кампанияларининг вазифаси ПР кампанияларининг вазифасига ўхшайди:

1. Мақсадли аудитория билан алоқа ўрнатиш.
2. Ижобий имиж яратиш.
3. Кишиларни ишонтириш.
4. Мақсадли аудиториянинг фикрини, ҳаракатини йўналтириш.²

Энди ана шу босқичлар таърифига қисқача тўхталиб ўтсак.

1. Жаҳон амалиётида шу нарса маълумки, сиёсий партиялар сайлов даврида, энг аввало, сайлов кампаниясини ўтказадиган ишчи гуруҳ тузиб оладилар.

Гуруҳ турли мутаххасислардан иборат бўлиб, йўналишлар бўйича иш олиб борадилар. Сайлов кампанияси ишчи гуруҳи кўпинча бўлимларга бўлинган ҳолда фаолиятларини амалга оширадилар. Масалан, матбуот бўлими, таҳлил ва режалаштириш бўлими, молия бўлими, спикерлар гуруҳи, имижмейкерлар гуруҳи ва ҳоказо.

Ишчи гуруҳ шакллантирилгандан сўнг иккинчи босқич – режалаштириш ва дастурлаш босқичи бошланади. Қонунга кўра сайловолди акцияси сайлов кунидан 3-5 ҳафта аввал бошланади. Лекин амалда партиялар сайловолди кампаниясига тайёргарликни ундан олдинроқ бошлаб юборадилар.

2. Режалаштириш ва дастурлаш ишларини сайловчиларнинг кайфиятини билмасдан туриб амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас. Мазкур босқичда қуйидаги ишлар олиб борилади:

- Округ аудиториясининг номзодга ёки бутун партияга нисбатан кайфияти ва муносабатини ўрганиш.
- Сиёсий партиянинг ресурсларини аниқлаш.

¹ Г.Г.Почепцов

² Г.Г.Почепцов

- Сайлов акциясининг мақсадини ишлаб чиқиш.
- Электорат структурасини таҳлил қилиш ва мақсадли гуруҳни аниқлаш.
- Кампаниянинг умумий стратегия ва тактикасини шакллантириш.
- Асосий шиор қабул қилиш.
- Сайлов кампаниясининг иш графигини тузиш.
- Молиявий режани тайёрлаш.

Одатда аҳолининг сиёсатчи билан бевосита алоқага киришиш имкони бўлмагани сабабли улар номзод ҳақидаги маълумотни оммавий ахборот воситалари орқали олади. Лекин номзод ҳақидаги ролик кунига бир неча дақиқадан ошмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу номзод ҳақида атрофлича маълумот беролмайди. Натижада, кишилар номзодни ўзларининг тасаввурларидаги идеал номзод билан солиштира бошлайдилар.

Шунинг учун сиёсатчининг номзодини олға суришда уч жиҳатга эътибор қаратиш зарур:

- аудитория сиёсатчида қандай хусусиятлар бўлиши керак деб ҳисобласа, номзодда ҳам ўша хусусиятлар мавжудлигини аудиторияга кўрсатиш.
- аудитория истаган ана шу хусусиятларни ҳақиқатдан ҳам номзод образига сингдириш.
- Сайловчиларга ана шу образни «сотиш».

3. Сайлов акцияси дастурини амалиётга тадбиқ этиш босқичи. Бу босқичнинг энг муҳим томони шуки, тузилган дастурни қандай амалга оширилаётганини доимий назорат қилиб бориш лозим. Сиёсий воқеалар ривожини тузилган дастурни инкор қилишига йўл қўймаслик керак. Мабодо, сиёсий воқеалар бошқача тус олиб, тузилган дастур вазиятга ортиқ тўғри келмай қолса, мавжуд шароитга қараб дастурга дархол ўзгартиришлар киритиш керак.

4. Сайлов кампаниясининг тўртинчи босқичи сайловолди тадбирлари натижасини баҳолашдан иборат. Натижани фоиз (кўп овоз

олиш вазифаси турган бўлса) ёки пул ҳисобида ҳисоблаш (партияга берилган ҳар бир овоз нархини ҳисоблаш вазифаси турган бўлса) мумкин, яъни сиёсий кампанияга сарфланган маблағ йиғилган овознинг умумий сонига бўлинади.

Сайлов кампанияларида кўпинча сайлов технологияларининг 5 модели қўлланади:

1. Структуралашмаган модел;
2. Бозор модели;
3. Маъмурий-буйруқбозлик модели;
4. Ташкилий-партиявий модел;
5. Мажмуавий модел

қуйида ана шу моделларга қисқача шарҳ берамиз.

1. Структуралашмаган сайлов кампаниясининг асосий ресурси номзоднинг ўзи, унинг салоҳияти, ютуқлари ҳисобланади. Бундай акция яхши ташкиллаштирилмагани ва етарли молиявий таъминланмагани билан характерланади.

2. Бозор муносабатларига асосланган сайлов кампаниясида номзодлар ва сиёсий партиялар уюшмасига товар сифатида қаралиб, бу товарлар реклама ва пропаганданинг турли методлардан фойдаланилган ҳолда «истеъмолчи», яъни сайловчига сотилади. Бундай моделнинг асосий ресурси маблағ саналади, товарнинг истеъмолчигача етиб боришида қатнашган «ишлаб чиқарувчилар», яъни реклама агентлари, сиёсий консультантлар, имижмейкорлар ва спичрайтерлар (нутқ тайёрлаб берувчилар) меҳнатига ҳақ тўланади. Бундай модел фақат демократик жамиятда, яъни эркин ОАВ мавжуд бўлган шароитда яхши фаолият юритади. Сайлов кампаниясининг бозор модели Ғарбдан кириб келган.

3. Маъмурий буйруқбозлик модели бугунги кунда Ғарбда деярли қўлланмайди, десак муболаға бўлмас, лекин собиқ иттифок давлатлари учун бу модел яхши таниш. Бундай моделнинг асосий ресурси ҳокимият саналади. Давлат аппарати турли усуллар билан

сайлов кампаниясига таъсир ўтказди. Оммавий ахборот воситаларида реклама вазиятини чегаралайди, агитацион матбуотни ман этади, турли пикетлар ўтказишни таъқиқлайди, муҳолифат билан ҳамкорлик қилаётган ОАВ фаолиятини чеклайди, сайлов натижасини бузиб кўрсатади.

4. Ташкилий-партиявий моделидаги сайлов кампанияларида сиёсий партияларнинг ҳудудий бўлимлари кўпроқ ишлайди. Бундай кампаниянинг асосий манбаи ташкилотчилик фаолияти ҳисобланади. Бу моделнинг аввалги моделлардан фарқи шундаки, бунда сиёсий партия маълум ҳудудда доимий тарзда (сайловдан ташқари даврда ҳам!) фаолият олиб борадилар. Бундай моделда агитация ишлари ҳеч қачон тўхтатиб қўйилмайди, шунчаки сайлов пайтида фаолияти янада кучайтирилади, холос.

5. Сайлов кампаниясининг мажмуавий модели аввалги моделларнинг у ёки бу хусусиятларини ўзида қамраб олади. Бу моделга мисол қилиб 1996 йилда Россияда Б.Н.Ельциннинг сайлов кампаниясини келтириш мумкин. Унинг сайлов акциясида бозор методлари ҳам, маъмурий буйруқбозлик методлари ҳам қўлланилган. Бу катта сарф-харажатни талаб этган, албатта. Мутахассисларнинг баҳолашича, Ельциннинг реклама кампаниясига сарфланган молиявий харажатлари бошқа барча номзодларнинг умумий харажатидан ҳам икки баробар ортиқ бўлган¹.

Сайловлар кутилмаган воқеаларга бой жараёнدير. Номзод ва партиялар сайлов технологиясининг бир хил моделидан фойдаланган, бир хил ғояни илгари сурган тақдирда ҳам уларнинг натижалари ҳар хил бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам кўпгина партия ва сиёсий лидерлар ўз сайлов кампанияларида бир вақтнинг ўзида сайлов технологияларининг бир неча хил моделларини қўллашга ҳаракат қиладилар. Номзодлар учун асосийси –мақсадга эришиш!

¹ Қаранг: В.А. Борисов, И.А. Быков, В.Э. Гончаров, К.А. Гусев, А.Б. Шуршиков. Связи с общественностью в политике. Учебное пособие. Санкт-Петербург. СПбГУТ. 2000. Ст. 48.

АҚШ тарихида 2008 йил Конгресс ва президентлик сайловларига энг кўп маблағ ажратилган йил бўлди. Номзодлар, сиёсий партиялар ва турли ташкилотлар томонидан сайловларга сарфланган маблағ миқдори жами 5.3 миллиард долларни ташкил қилган. 2004 йилдаги сайловларга 4.2 миллиард сарфланганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу кўрсаткич 27 фоизга ошганлигини кўрсатади. 5.3 миллиард долларнинг 2.4 миллиард доллари президентлик сайловларига сарфланган. Responsive Politics Center директори Шейла Крумхолзнинг айтишича, аввалги йиллардан фарқли ўлароқ, 2008 йилда демократлар республикачиларга нисбатан сайлов кампанияларига кўпроқ маблағ сарф қилган¹.

Бунга Конгресснинг республикачилар томон оғиб кетмаслиги олдини олиш учун демократларни сайлов даврида Конгресснинг ҳар бир қадамини назорат қилиб турганлиги ва он-лайн ҳомийлар жалб этишни яхши йўлга қўйганлиги сабаб бўлган.

Кейинги йилларда Буюк Британияда ОАВ эгалари моддий манфаат изидан кетиб, қайси сиёсий томон кўпроқ маблағ ажратса, газетада ана шу томонни қўллаб-қувватлаши ҳолатлари кузатилмоқда. ОАВ раҳбарларининг мухбирлар ишига сиёсий аралашуви ОАВ холислигига путур етказмоқда. Бу ўз навбатида журналистлар холислигига ҳам таъсир қилмоқда. Бу эса пиарменларга қўл келади. Пиарменлар уларга хайрихоҳ бўлган журналистлар билан ҳамкорлик қилиб, ОАВни ўзи истаган томонга йуналтириб турадилар.

Пиар агентлар, айниқса, матбуотга катта куч сарфлайдилар. Чунки кўпгина теле ва радиоканалларда мунтазам равишда матбуот нашрлари шарҳи бериб борилади, ундан ташқари турли теле ва радиодастурлар фикр, ғоя ва мавзунни айнан матбуотдан оладилар. Қисқача айтганда, матбуот телевидение ва радио мундарижасига ҳам таъсир ўтказади.

Тўғри, Буюк Британия сиёсий партиялар учун ТВ ва радиода бир хил ҳажмдаги вақт ажратган. Шу билан бирга, радио ва телеузатувчилар эфирда ўз сиёсий фикрларини билдиришлари мумкин эмас, улар сиёсий

¹ <http://www.politico.com> “2008 campaign costliest in U.S. history” Jeanne Cummings. 11/05/08.

холис қолмоқлари лозим. Лекин бунга ҳар доим ҳам барча ОАВ турлари амал қилавермайдилар. Масалан, медиамагнат Руперт Мердокка қарашли “The Sun”, “News of the world”, “The Times”, “Sunday Times” газеталари 2005 йилдаги сайловларда кишиларни лейбористлар партиясига овоз беришга даъват қилган. Яна шунини айтиб ўтиш керакки, Британия матбуот бозорининг 40 фоизини Руперт Мердокка қарашли нашрлар эгаллайди¹. Бу эса мамлакат матбуотининг ана шунча фоизи тарафкашлик домига тушган десак муболаға бўлмас. Газеталар қайси партияни қўллаб-қувватлашга қарор қилса, буни дарров биринчи саҳифасидаёқ эълон қилади.

Маргарет Тетчер даврида консерваторлар партиясини қўллаб-қувватлаб келган Руперт Мердокка қарашли матбуот 1997 йилдан бошлаб, яъни Тони Блээр Бош Вазир этиб сайлангандан сўнг лейбористлар партиясини қўллаб-қувватлай бошлайди. Кўриниб турибдики, бу ерда мақсад - сиёсий қараш эмас, тижорий манфаат бўлмоқда. Мердокнинг “Sky” сунъий йулдош канали айнан Тетчер хоним ва консерваторлар ёрдами билан иш бошлаган эди. Бунинг устига канал турли назорат ва текширувлардан фориғ қилинганди. Руперт Мердок ўзининг “The Sun”, “The Times” газеталарини энг арзон нархларда сотиб, бошқа газеталардан уларнинг муштарийларини «тортиб олди», уларни бозордан сиқиб чиқариб, охир-оқибатда мамлакатдаги ягона монопол нашрга айланди. Тони Блээр ва унинг ҳукумати эса бу ҳолатга индамай қараб турди. Бугун эса Мердок АҚШдаги Fox каналини Буюк Британияга олиб кирмоқчи ва ВВСни ҳам матбуот бозоридан сиқиб чиқариш ниятида.

Медиа продюсер Тони Шварцни «авваллари сиёсий номзод билан аудитория ўртасидаги кўприк вазифасини сиёсий партиялар бажарарди, бугун эса ABC, NBC ва CBS сиёсий партияларга айланди» деб айтгани ҳам бежиз эмас².

¹ <http://www.spinwatch.org> “The Deadly Embrace: Political Public Relations and Journalism in Election Campaigns”. Nicholas Jones. 29 March 2006.

² <http://www.museum.tv> “Political processes and television”. Lynda Lee Kaid.

Тони Блэрни Ироқдаги уруш ҳақида ёлғон сўзлаганликда айблаб турган бир пайтда яна нима учун улар уни яна қайта Бош Вазирни этиб сайладилар?¹ Бу оммавий ахборот воситаларида яхши йўлга қўйилган ПРнинг натижасидир. Бунда Мердокка қарашли оммавий ахборот воситаларининг хизмати катта. Мердокни Бош Вазир Тони Блэр ва Президент Бушнинг Ироқдаги урушини ёқлаб чиққани унинг матбуотида ҳам ўз аксини топди. “The Sun” деярли ҳар бир сонидан инглиз қўшинларини қўллаб -қувватлайдиган материаллар бериб борди. Газета ўқувчилари сони эса 9 миллионни ташкил этиб, кунига 3.2 миллион нусхада сотилишини назарга оладиган бўлсак, халқ Тони Блэрни яна нима учун қайта сайлаганини яққол тушунишимиз мумкин².

Жаҳон тажрибасида шу нарса маълумки, баъзида матбуот нашрлари, электрон оммавий ахборот воситалари, турли веб-сайтлар муайян бир партияни қўллаб-қувватлаб чиқувчи материаллар берибгина қолмай, балки мухолифат томонни қоралаб кўрсатишга қаратилган мақолалар ҳам узатадилар. Масалан, www.supporttcc.org сайтида АҚШ Конгресси ва Оқ Уйдаги консерваторларни қўллаб-қувватлашга чақирилган, Обамага ва унинг ҳукумати ҳамда Давлат Дастурига қарши чиқишга даъват этилган.

Шунинг учун сиёсий ПР агентлари ўз хайрихоҳларини, энг аввало, ОАВдан, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, журналистлар орасидан топишга интиладилар. Бу орқали улар ОАВда узлуксиз ПР материалларини бериб боришга муваффақ бўлиб, жамоатчилик фикрига катта таъсир ўтказиб, ҳаракатини йўналтирадилар. Сабаб – газеталарда ПР материаллари кўпинча мухбир имзоси остида кетади. Материал учун пул тўлаган ПР фирма номи эса тушириб қолдирилади. Ўқувчилар эса реклама материали билан холис журналистик мақолани ҳар доим ҳам

¹ <http://www.spinwatch.org> “The Deadly Embrace: Political Public Relations and Journalism in Election Campaigns”. Nicholas Jones. 29 March 2006.

² <http://www.spinwatch.org> “The Deadly Embrace: Political Public Relations and Journalism in Election Campaigns”. Nicholas Jones. 29 March 2006.

ажрата олмайдилар. Натижада ноҳолис оммавий ахборот воситалари ва турли сиёсий субъектлар ўз мақсадларига эришадилар.

Бугун АҚШда ҳам сиёсий ПР яхши йўлга қўйилган. Буш ҳукумати даврида кўпгина мухбирлар ҳатто давлатдан моддий манфаат кўрмасалар ҳам, ҳукумат сиёсатини ёқлаб чиқувчи материаллар тайёрлаганлар. Бушнинг биринчи президентлик даврида ПР шартномаларига 254миллион АҚШ доллари сарфланган. Бу эса Клинтон маъмурияти ПРга сарфлаган харажатдан икки баробар кўп демакдир¹. Телевидение кўпинча ахборотни давлатнинг ўзидан ёки шахсий корпорациялардан олади.

Мутахассисларнинг Мердокни тарафкашликда айблаши бежиз эмас, гарчи Fox Newsнинг шиори «фақатгина ҳаққоний ва ҳолис хабарлар» бўлса-да, амалда доим республикачиларни ёқлаб чиқади. FAIR ташкилоти томонидан 25 ҳафта давомида ўтказилган кузатувлар натижасида шу нарса маълум бўлганки, республикачилар демократларга нисбатан беш баробар кўпроқ ёритилган. Телестудияга таклиф қилинган меҳмонларнинг 83 фоизи республикачилар, 17 фоизи демократлар бўлган². Бу кўрсаткич орқали Fox қайси томонда эканлигини билиб олиш қийин эмас. Буш ҳукумати вакилларида интервью олиш учун жўнатиладиган журналистлар ҳам охир-оқибат республикачилар партияси билан яқиндан алоқадаги кишилар бўлиб чиқади.

Бош маркази Техас штатида жойлашган Clear Channel радиоканали ҳам доим консерваторларни ёқлаб чиқади, унинг Раш Лимбау каби бошловчилари эса ўзининг тарафкашлиги билан «ном қозонган».

Медиа корпорациялар иқтисодий фойда кўришни, сиёсатчилар эса сайловларда ғолиб чиқишни истайди. Ўзаро манфаат натижасида икки томон ўртасида ҳамкорлик юзага келади, айнан ана шу ерда сиёсий ПР

¹ <http://www.global-politics.co.uk> “A View on the Economy of Power: PR politics and the people that use it”. Florent Tual.

² <http://www.global-politics.co.uk> “A View on the Economy of Power: PR politics and the people that use it”. Florent Tual.

ёрдамга келади. Лекин оқибатда ОАВда узатилаётган ахборот холислигига путур етади.

Капиталистик тизим, яъни моддий фойда биринчи ўринга қўйилган бир пайтда ахборотга ҳам товар сифатида қаралмоқда. Натижада, энг аввало моддий фойда кўришни кўзлаган ОАВ эгаларининг «товарлари» сифатига зарар етмоқда. ОАВда қайси сиёсатчи ишончли номзод сифатида акс эттирилса, яъни қайси сиёсатдоннинг пиармени яхши ишласа, аҳоли ҳам кўпроқ унга овоз бера бошлайди. Оқибатда бу жамият тараққиётига ҳам путур етказди. Эндиликда қандай қилиб жамиятни яхшилаш эмас, қандай қилиб кейинги муддатга сайланиш ҳақида ўйлана бошланади.

Бугун ПРдан давлат миқёсида нафақат сиёсий мақсадларда, балки тижорий мақсадларда ҳам кенг фойдаланиляпти. Тижорий пиар ҳам пировард натижада сиёсий пиар билан боғланиб кетади. Масалан, 2001 йилда Американинг етакчи энергетика компанияси ENRON жуда кучли банкротга учради. Компания баъзи ҳужжатларни қалбакилаштирганликда ва ҳисоб-китоб ишларида инвесторларни чалғитганликда айбланади. Лекин компания раҳбарлари жавобгарликка тортилмади. Мутахассислар компания раҳбарияти Оқ уй ва Сенатнинг ҳимояси туфайли жазоланмади, деб даъво қиладилар. Компаниянинг Оқ уй ва Сенатнинг қаноти остидалигига сабаб эса у сайловлар даврида сиёсий партиялар ҳисобига 6 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратганлигини далил сифатида келтирадилар. Оқ уй ва Сенатнинг 248 аъзосидан 212 нафари сайловлар вақтида компания томонидан моддий ёрдам олган¹. Баъзи мутахассислар ENRON воқеасининг «босди-босди» қилинишига ана шу моддий ёрдамлар сабаб, деб ҳисоблайди. Оқ Уй ва Сенатнинг бундай ғамхўрлигини бекитиш учун пиарменлардан кенг фойдаланилади.

¹ <http://www.global-politics.co.uk> “A View on the Economy of Power: PR politics and the people that use it”. Florent Tual.

Кўпгина сиёсатдонлар ана шундай йирик компаниялар билан яқиндан «дўст». Масалан, Кичик Жорж Буш, Франк Карлуччи (АҚШ Марказий Махфий хизмат директори ўринбосари ва Мудофа Хавфсизлиги Вазири), Жеймс Бейкор (АҚШ давлат Бош котиби) «Carlyle Group» инвестиция жамғармаси, Дик Ченей (Кичик Буш ҳукумати Вице президенти) «Halliburton» нефт-газ (сервисное обслуживание и оборудование для нефтяных скважин) компанияси, Кондализа Райс “Chevron” нефть қазиб чиқариш ва қайта ишлаш корпорацияси директорлар кенгаши аъзоси. Ҳукумат вакиллари йирик миллий корпорациялар билан бундай алоқасига кўпгина мутахассислар салбий қарайдилар. Америка йирик сиёсий шахсларининг йирик корпорациялар билан «оға-ини тутинганлигини» кишиларга «тўғри тушунтириш» учун пиарменларга катта маблағ ажратилади.

Давлат органлари жамоатчилик билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйиб, уларга ўз таъсирини ўтказгани сари, юқоридаги каби тижорий, нодавлат ва жамоатчилик ташкилотлари ҳам давлат структураси билан яқиндан ҳамкорлик қилишга интиляптилар. Бу билан улар давлат томонидан ўзларига нисбатан хайрихоҳ кайфиятни туғдириб, шу орқали кенг жамоатчиликка «чиқмоқчилар». Бу эса алоҳида гуруҳларнинг қизиқишларини бирлаштиришга, мақсадларини давлат даражасида амалга оширишга ёрдам беради. Бир сўз билан айтганда, «сиздан угина, биздан бугина» қабилида иш тутилмоқда. Лекин бундай ҳолат адолатга путур етказиб, охир-оқибатда яна оддий аҳоли зарар кўриши мумкин.

Сиёсий ПРни бугун барча давлатларда топса бўлади. Фақат улар турли давлатларда турли кўринишда бўлиб, турлича номланади, ваколатлари ҳам турлича. Масалан, Буюк Британиянинг кўпгина вазирликларда ПР хизмати директори, матбуот котиби, ахборот масалалари раиси каби лавозимлар бўлиб, улар оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоатчилик билан мунтазам алоқа қилиб келадилар. Мамлакатда Марказий Ахборот Бошқармаси ҳам мавжуд бўлиб,

жамоатчилик билан алоқа қилишда турли идораларга ахборий кўмак беради.

АҚШда эса давлат органлари ва сайловчилар ўртасида узлуксиз ахборот алмашилиб туришини таъминловчи АҚШ Ахборот агентлиги фаолият юритиб, унинг ваколатига АҚШнинг бугунги аҳволи, олиб бораётган сиёсати ҳақида жаҳон жамоатчилигига ахборот бериб туриш, анти-АҚШ кайфиятидаги ахборотга қарши ахборот узатиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, унинг натижаларини федерал ҳукуматга етказиш киради. Агентликка қарашли «Америка овози» радиоканали II жаҳон уруши давридаёқ ўз ишини бошлаган.

Россияда ҳам бугун деярли ҳар бир федерал бошқарув органи ПР хизматига эга. Масалан, 1996 йилда президент аппарати қошида Жамоатчилик билан алоқалар Бошқармаси ташкил этилган. Москва ҳокимияти қошида эса Жамоатчилик ва ҳудудлараро алоқалар департаменти иш олиб боради. Россия Федерацияси молия вазирлиги ҳам ўзининг жамоатчилик билан алоқалар департаментига эга. Улар кўпинча ўз таркибига 4 та бўлимни бирлаштиради: мабуот билан ишлаш бўлими, ТВ ва радио билан ишлаш бўлими, реклама бўлими ва брифинглар ташкиллаштириш бўлими.

Аслида ПР ҳукумат ва сиёсий партиялар доирасида бугун эмас, балки қарийб бир асрлар аввал юзага келган. 1917 йилда президент Уилсон I жаҳон уруши даврида жамоачилик фикрини бошқариш учун Жамоат ахборот федерациясини тузди. Демократлар 1928 йилда, республикачилар 1932 йилда биринчи Жамоатчилик билан алоқалар офисларини таъсис қилдилар. Шундан бери барча президентликка номзодлар жамоатчилик билан ишловчи консультантларни ёллаб келадилар.

“Campaign Inc.” деб номланган биринчи ПР консультация агентлиги 1933 йилда Лос Анжелесда эр-хотин Клем Биттакер ва Леоне Бекстер томонидан ташкил этилганди. Бу агентлик ҳам маълум маънода ПР вазифасини бажарган. Бундай агентликни айнан Калифорнияда биринчи

марта юзага келишига мавжуд сиёсий, ижтимоий шароит сабаб бўлган. Боиси – штат аҳолиси турли мигрантлардан иборат бўлиб, турли сиёсий масалаларни ҳал қилиш бўйича тез-тез референдумлар ўтказиб туриларди. Яъни, аҳолининг барча қатламлари қизиқишларини ҳисобга олиш мақсади тез-тез референдумлар ўтказиш эҳтиёжини туғдирган. Референдум даврида сиёсий субъектлар жамоатчилик ёрдамига таянади. Ана шундай пайтда эса “Campaign Inc.” сиёсий субъектларга ёрдамга келди. Агентлик партиялар, номзодлар ва аудитория ўртасида сиёсий алоқани йўлга қўйиб, агитацион ва пропагандистик материаллар уюштирди, презентациялар тайёрлаб, сиёсатчиларга сиёсий масалалар бўйича консультациялар берди.

1970 йилга келиб АҚШда юзлаб сиёсий консультантлар фаолият кўрсатган. Улар оммавий ахборот воситаларидан жуда унумли фойдаланиб, фаолиятларининг аксарият қисмини ОАВ билан ҳамкорликда олиб борганлар. Жамоатчилик билан алоқаларда телевидениенинг ўрни бекиёс. Партиялар телевидениедан айниқса сайлов даврида унумли фойдаланади. Масалан, 1960 йилда Никсон ва Кеннеди ўртасида биринчи марта президенлик теледебатлари ўтказилди. Ана шу пайтдан бошлаб сиёсий алоқаларнинг янги даври бошланди, десак муболаға бўлмайди. Кўпгина мутахассисларнинг фикрича, ана шу дебатлар сайлов натижаларига катта таъсир кўрсатган. АҚШда биринчи бор узатилган жонли эфир президентлик дебатлари номзодга аудиторияга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш, рақибидан устунлигини намоёиш қилиш имконини берди. Бу ҳам жамоатчилик билан мулоқот қилишнинг самарали йўлларида бири. Лекин жонли эфир дебатларининг яна шу томони ҳам борки, номзоднинг биргина нотўғри сўзи бутун у ҳақдаги ижобий тасаввурни бир зумда парчалаб ташлаши мумкин. Шу сабаб кўпгина сиёсатдонлар «ўз измига солиб бўлмайдиган бундай томоша»ни унча ҳам хушлайвермайдилар.

Буюк Британияда эса бундай жонли эфир президентлик дебатлари биринчи марта 1994 йилдагина ўтказилган. Мамлакатда жонли эфир

дебатлари ўтказила бошланганига унча кўп бўлмаган бўлса-да, лекин бунгача мамлакат бош вазири ва уларнинг консультантлари Қуйи палата сессияларида мунтазам қатнашиб келганлар. Бу сессиялар ҳам бир очик дебат кўринишида бўлиб, унда бош вазирга турли саволлар берилган, у ёки бу масала бўйича фикри эшитилган. Шунингдек, партия лидерларининг етакчи олимлари билан интервьюси ҳам тез-тез уюштирилиб турилган ва бу анъана ҳали ҳам давом этмоқда.

Телевидениеда айниқса телерекламалар бериш самарали натижа беради. Чунки, аудитория сиёсий теледебат ва сиёсий янгиликлардан ҳам кўра сиёсий телерекламаларни кўпроқ томоша қилар экан. Бунга сабаб сиёсий телерекламалар ҳажмининг ихчамлиги, кишиларнинг сеvimли филми ёки дастури орасида узатилиши саналади. 1992 йилда АҚШдаги президентлик сайловларида Билл Клинтон, Катта Жорж Буш, Росс Перот ва умуммиллий партиялар сиёсий телерекламалар учун жами 120 миллион доллар сарфлаганлар. Бугунги кунда сайлов кампанияларига ажратилган маблағнинг 50-75 фоизи телерекламаларга сарфланади ¹.

Жаҳонда шундай жамоатчилик билан алоқалар агентликлари мавжудки, улар жамиятдаги фақат бир сиёсий томон фойдасига хизмат қиладилар. Тўғри, уларнинг ҳаммаси ҳам айнан ПР агентлиги деб номланмаслиги мумкин, лекин амалда ПРнинг вазифасини бажарадилар. Масалан, АҚШдаги AKPD ахборот ва матбуот фирмаси қарийб 20 йилдан бери демократ номзодларни қўллаб-қувватлаб келувчи фирмалардан бири саналиб, мамлакатнинг машхур мэр, сенатор ва губернаторлар сайловлари кампанияларида қатнашиб келган. Президент Билл Клинтонга нутқ тайёрлаган, Обаманинг сайлов кампанияларида фаол қатнашган фирмалардан бири. Уларнинг барчаси демократлардан чиққан президентлардир. Бундай фирмаларни ана шу партияларнинг шахсий ПР агентлиги десак, муболаға бўлмайди. AKPD ахборот ва матбуот фирмаси 3 босқичда иш олиб боради:

¹ <http://www.museum.tv> "Political processes and television". Lynda Lee Kaid.

- I. Тадқиқот- кузатув ишлари
- II. Режалаштириш ва молиялаштириш.
- III. Аудиторияга ахборот етказиш.

Фирманинг бу уч босқичли фаолияти таркибига демократ номзодлар нутқини ёзиш, дебатлар ўтказиш, сайланувчини матбуотда кенг ёритиш, тарқатма реклама буклет ва плакатларини тайёрлаш, шунингдек матбуотда номзодга қарши берилган материалларни ўрганиб, уларга жавобан номзод ҳақида ижобий мақолалар узатиш киради. Фирма турли сўровлар ўтказиб, унинг натижаларини таҳлил қилади, аҳолининг номзодга нисбатан қайфиятини аниқлайди, қайси ҳудудда фирма ҳимоя қилаётган номзод кам овоз олган бўлса, ўша ҳудудда кўпроқ иш олиб боришга ҳаракат қилади.

Мамлакатда фақатгина республикачилар партияси фойдасига хизмат қилувчи фирмалар ҳам саноксиз. Ҳатто Республикачилар кампанияси мутахассислари миллий ассоциацияси (NARCP) ҳам мавжуд. Ассоциация республикачи номзодлар сайлов кампанияларини уюштирувчи ташкилот бўлиб, у турли сайлов акцияларини уюштирувчи фирмаларга сайлов кампаниялари ўтказишнинг замонавий технологияларини ўргатиб келади. Сиёсат ва жамоат ишлари консултантини ёлламоқчи бўлган республикачи номзодлар одатда ана шу Ассоциацияга мурожаат этадилар. NARCP республикачи мижозларни мутахассислар билан таъминлайди. Кўриниб турибдики, ташкилот сиёсий номзодлар ва унга аъзо ПР фирмалари ўртасида кўприк вазифасини бажаради. Ассоциацияга турли консултация фирмалари, медиа компаниялар, сўров-тадқиқот марказлари, электрон хат тарқатиш фирмалари, муҳолифатни тадқиқ қилиш фирмалари, Интернет сайлов кампаниялари ўтказиш фирмалари аъзо.

Интернетда сиёсий ПР.

Бугунги кунда кўпгина ривожланган давлатлар сиёсий партиялари жамоатчилик билан алоқа қилишда интернетдан унумли фойдаланяптилар. Сабаб – интернет аллақачон энг қулай ва арзон алоқа

воситаси, ахборотлар манбаи, тижорат қуролига айланиб бўлди. Интернетнинг чексиз имкониятлари турли соҳаларда қўл келмоқда. Шу жумладан, сиёсатда ҳам «виртуал ПР» дан самарали фойдаланиляпти. Интернет ПР сиёсий партиялар учун айниқса сайлов пайтида яхши иш бермоқда. Сайлов пайтида виртуал ПР бирданига «гуллаб кетиб», жонланиб қолади. Бу аслида жаҳоннинг барча давлатларида кузатиладиган ҳолат.

Виртуал ПРнинг тобора ривожланиб бораётганига бир исбот шуки, 2002 йилда 55 фоиз номзодларгина ўз веб-сайтига эга бўлган бўлса, 2006 йилга келиб бу кўрсаткич 97 фоизни ташкил этган¹. Бу веб-сайтларнинг аксариятида «Янгиликлар», «Номзод таржимаи ҳоли», «Алоқа манзили», «Он-лайн ҳомийлик», «Кўнгиллилар гуруҳи» рукнлари бор. Шунингдек, баъзиларида «Ҳомийлик» рукнлари ҳам мавжуд бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларни онлайн ҳомийлик қилишга жалб этадилар. АҚШда испан тилида сўзлашувчи иммигрантлар кўп бўлгани сабабли сайтларнинг баъзиларини испан тилида ҳам ўқишингиз мумкин. 22 % демократ ва 8 % республикачи номзодлар веб-сайтларининг испан тили нусхаси мавжуд². Ана шу йул билан партия ва номзодлар кўпроқ аудитория билан мулоқот шакллантирмоқда. Кўпгина партиялар ўз сафдошлари сонини ошириш учун партияга он-лайн аъзо бўлиш хизматини ҳам йўлга қўйганлар. Бугун АҚШда 48 % сиёсий ташкилотларга он-лайн тарзда аъзо бўлишингиз мумкин³.

Турли интернет форумлари сиёсатчиларга кенг жамоатчилик билан электрон хат ёки жонли суҳбат орқали мулоқотга киришиш имконини беради. Масалан, Германиянинг кўпгина машхур сиёсатчилари www.dol2day.de сайтидаги чатга жиддийлик билан ёндашадилар. Мисол учун Германия социал-демократик партияси бош котиби Франс

¹ www.bivingsreport.com/campaign/2006_campaign_study.pdf. The internet's role in political campaigns: Utilization by 2006 Unites States Senatorial Candidates. May/23/2006.

² www.bivingsreport.com/campaign/2006_campaign_study.pdf. The internet's role in political campaigns: Utilization by 2006 Unites States Senatorial Candidates. May/23/2006.

³ Быков И.А. Интернет-сайт как инструмент политической коммуникации//Коммуникация и конструирование социальных реальностей. Сб. науч. Статей/Отв.ред.О.Г.Филатова. Ч.2 – СПб. Роза мира. 2006. С.102-107.

Мюнтеферинг ва Германия христиан-демократик уюшмаси бош котиби Лауренс Меер каби йирик сиёсатчилар бир неча бор чат меҳмони бўлиб, иштирокчилар билан мунозарага киришганлар.

www.openforum.com.au сайти Австралия нотижорий сайти эса сиёсатчилар, жамоат органлари вакиллари, олимлар, тадбиркорларнинг сиёсий дебатини мунтазам равишда ташкиллаштириб келади. Интернет кишиларни жамият ҳаётида фаол қатнашишга ёрдам бермоқда, бу эса жамиятни демократлаштириш жараёнларини тезлаштиряпти.

Интернет тараққий этиши билан «электрон демократия» деган тушунча ҳам вужудга келди. Электрон демократия шароитида марказлашган бошқарув сусайиб, цензура ва маъмурий буйруқбозликка чек қўйилади. Электрон демократия жамият сиёсий ҳаётида фаол қатнашиш имконини беради.

Интернет кишилар учун тобора асосий ахборот манбаига айланиб бормоқда. Ўтказилган сўровлар натижасида шу нарса маълум бўлганки, 2000 йилда АҚШ катта ёшли аҳолисининг 18 фоизи сиёсат ва сайловлар ҳақидаги маълумот ва янгиликларни интернетдан ўқиганликларини айтган бўлсалар, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 44 фоизни ташкил қилган. Буюк Британияда эса 2005 йил май ойида ўтказилган умумсайловларда мамлакат ёшларининг учдан бир қисми сиёсий ахборотни интернетдан олганликлари маълум¹.

Сўровларда АҚШ Интернет фойдаланувчиларнинг 22 фоизи интернет мавжуд бўлмаганида сайлов жараёнлари билан умуман қизиқмаган бўлар эдик, дея жавоб берганлар². Бу эса кишиларнинг сиёсий фаол бўлишида интернет қанчалик муҳим роль ўйнаётганига ишора.

Интернетнинг сиёсий янгиликлар муштарийлари йилдан-йилга ошишига сабаб – сиёсий сайтларнинг савияси кун сайин ошиб бораётганида. 2004 йилда 32 % сиёсий материаллар муштарийлари

¹ <http://www.spinwatch.org> “The Deadly Embrace: Political Public Relations and Journalism in Election Campaigns”. Nicholas Jones. 29 March 2006.

² <http://www.pewinternet.org/Reports/2009/6--The-Internets-Role-in-Campaign-2008> Aaron Smith. April/2009.

кўпгина сиёсий сайтлар ўз фикрига эга эмаслигини айтган бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 25 фоизни ташкил етган¹. Бу эса бугунги сиёсий материаллар мазмуни кишилар талабини тобора қондираётганини кўрсатади.

Умуман айтганда, бугун интернет сиёсий фойдаланувчилари «ўргимчак тўри»дан уч хил мақсадда фойдаланадилар:

1. Сиёсат ва сайловлар ҳақида янгиликлар ўқиш учун (2008 йилда веб фойдаланувчиларининг 60 фоизи ана шу мақсадда фойдаланган).

2. Сиёсий мавзуда мулоқотга киришиш учун (виртуал олам фойдаланувчиларининг 38 фоизи сайловлар даврида сиёсий мавзуда ўзаро мулоқотга киришганлар).

3. Сиёсат ва сайловлар ҳақидаги янгиликларни яқинлари, дўстлари билан бўлишиш учун (59 % интернет фойдаланувчилари бошқаларга сиёсий хабарлар жўнатганлар ёки бошқалардан қабул қилганлар)².

2008 йилда онлайн демократчиларнинг 44 фоизи (2004 йилда 34% эди), он-лайн республикачиларнинг эса 35 фоизи (2006 йилда 26%) фақатгина ўз партиялари ва уларнинг ғояларига яқин бўлган ташкилотлар сайтларигагина киришларини айтганлар³.

Ўтказилган кузатувлар натижасида Обамага нисбатан Маккейннинг сайловчилари орасида интернетдан фойдаланувчилар сони кўп бўлганлиги (83%/76%) маълум бўлган⁴. Лекин турли онлайн сиёсий амаллар эса Обама сайловчилари томонидан кўпроқ амалга оширилган. Онлайн сиёсий амаллар деганда сайтдаги жамиятда кечаётган сиёсий жараёнларга ўз фикрини билдириш, сайлов компанияларига кўнгиллилар сифатида ёзилиш, сайловларга ҳомийлик қилиш каби

¹ <http://www.pewinternet.org/Reports/2009/6--The-Internets-Role-in-Campaign-2008> Aaron Smith. April/2009.

² <http://www.pewinternet.org/Reports/2009/6--The-Internets-Role-in-Campaign-2008> Aaron Smith. April/2009

³ <http://www.pewinternet.org/Reports/2009/6--The-Internets-Role-in-Campaign-2008> Aaron Smith. April/2009

⁴ <http://www.pewinternet.org/Reports/2009/6--The-Internets-Role-in-Campaign-2008> Aaron Smith. April/2009

фаолиятларни назарда тутяпмиз. Обаманинг онлайн электорати Маккейннинг онлайн электоратига нисбатан сиёсий материалларни бошқалар билан кўпроқ бўлишганлар, сиёсий янгиликларга обуна бўлганлар, номзодга онлайн ҳомийлик қилганлар, сайлов ишларида кўнгиллилар сифатида қатнашиш истагини билдирганлар. Қисқача айтганда, Маккейннинг сайловчилари орасида интернетдан фойдаланувчилар сони кўп бўлса-да, улар асосан пассив фойдаланувчилар бўлган. Аксинча, Обаманинг сайловчилари орасида интернетдан фойдаланувчилар нисбатан озроқ бўлса-да, лекин уларнинг жуда кўпчилиги фаол фойдаланувчилар бўлган.

Обаманинг 48 фоиз сайловчиси сиёсий партия ёки номзод сайти томонидан электрон хат олиб турганлар. Маккейннинг электрон сайловчилари орасида эса бу кўрсаткич 38 фоизни ташкил этган¹. Ана шу омил ҳам Обаманинг ғалаба қозонишига ёрдам берган.

Обаманинг медиа стратегияси натижаларини қуйидаги рақамларда кўришимиз мумкин:²

лек он ат	13 миллион кишининг электрон почтасига мунтазам сиёс янгиликлар келиб турган
ом лик	3 миллион киши 6.5 миллион марта он-лайн ҳомийлик қилган
оци л нет нет	15 та соцал нетворк сайтларида 5 миллион киши ўза «дўстлашган». ШуУндан 3 миллиони Facebookда «дўстлашган».

¹ <http://www.pewinternet.org/Reports/2009/6--The-Internets-Role-in-Campaign-2008> Aaron Smith.
April/2009

² www.blog.reuters.com “Will this be the internet election?” Mark Jones. March/10/2010

орк	
еб- сай ар	www.MyBarakObama.com га ойига 8.5 миллион киши ташриб буюрган. 35 ми минг нафар кўнгиллилар 200 мингта «он-лайн»да ташқари тадбирлар»ни ую уюштирганлар. 70 минг ҳомийлар ташкилотлари жами 30 миллион доллар ми миқдорида маблағ ажратган.
иде лав лав лар	Обамани кўллаб-қувватловчи 2 мингга яқин YouTube видеоканаллари ташкил қилинган. 135 минг нафар киши видеоканалларга обуна бўлган.
оби янги янги лик ар	3 миллион киши мобил янгиликларга обуна бўлган, ана шу миллион кишининг ҳар бири ойига 520 марта мобил янгиликлар қабул қилганлар.
эле он ўнг рок ари и	Сайлов кампаниясининг охириги 4 кунда 3 миллион киши турли кўнқўнғироқларни амалга оширганлар.

Буюк Британия мисолида гапирадиган бўлсак, мамлакат сиёсий партиялари айнан электрон сайлов кампаниясини ўтказишга қаратилган турли сайтлар яратдилар (Лейбористлар www.membernet, консерваторлар www.myconservatives.com ва либерал демократлар www.LibdemACT). Эндиликда партиялар iPhoneга ҳам чиқиб, ўз

хайрихохлари сафини «арр- сайлов» орқали янада кенгайтирмоқдалар. Лейбористлар партияси Виртуал телефон рақамлари банкини яратди. Сайлов кампанияси кўнгиллилар гуруҳи номзод ва партия хайрихохларига кўнғироқ қилиб, турли сайлов тадбирларида қатнашишга даъват этадилар.

Жаҳонда сиёсий аҳамиятга эга биринчи онлайн овоз бериш тажрибаси АҚШда Аризона штатида ўтказилганди. Демократлар партиясидан президентликка номзодларни танлаш учун бўлган дастлабки босқич сайловларда 39.942 нафар киши, яъни сайловда қатнашганларнинг 41 фоизи он-лайн тарзда овоз берганлар. Лекин бу сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга аҳолининг атиги 10.5 фоизи иштирок этганини ҳисобга оладиган бўлсак, юқоридаги рақам унчалик аҳамиятга эга бўлмай қолади¹.

Францияда эса 2003 йилда хориждаги Франция фуқаролари учун интернет орқали масофали овоз бериш имконияти яратиб берилган. Буюк Британияда ҳам 2002 йилда парламентга бўлган сайловларда виртуал овоз беришга йул қўйиб берилган. Лекин виртуал сайловда жуда кам сайловчилар қатнашгани туфайли натижаларга катта таъсир қилмаган.

Жаҳонда бутун мамлакат бўйлаб ўтказилган биринчи виртуал сиёсий сайлов 2005 йилда Эстонияда бўлган. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига бўлган сайловларда анъанавий овоз бериш усули билан бирга интернет орқали овоз бериш усули ҳам қўлланган. Сайловда 10 минг киши, яъни 1.4 миллион аҳолидан 1 фоизи он-лайн овоз берган².

Нидерландлар эса бугун нафақат интернет орқали овоз бериш, балки электрон ҳукумат ҳам ташкил қилиш ниятида. Шунингдек, Италия, Белгия, Ирландия, Португалия, Норвегия, Германия, Швеция, Ҳиндистон, Бразилия, Канада, Қозоғистон ҳам виртуал овоз бериш

¹ www.parliament.uk/post/pn155.pdf "Online voting". Postpone. May 2001. Number 155¹

² Быков И.А. "Электронная демократия" vs "электронное правительство": концептуальное противостояние? // Политэкс: Политическая экспертиза: Альманах. Вып. 3. – СПб.: Изд-во С.-Петербург. ун-та, 2005. - С. 69-79.

бўйича илк кичик тажрибалар ўтказдилар. Бугун кўпгина давлатлар он-лайн овоз беришнинг ҳуқуқий томонлари устида иш олиб бормоқалар.

www.campaignmoney.com веб-сайтини номзодлар ва ҳомийлар ўртасидаги кўприк десак бўлади. Сайт орқали ҳомийлар ўзлари билан ҳамфикр бўлган номзод, партия ёки бирор сиёсий ташкилотга, номзодлар эса ҳомийлар ва лоббистларга «қидирув» беришлари мумкин. Ҳомийлар бирор номзод ёки сиёсий партияни қўллаб-қувватлашни истасалар, веб сайтнинг махсус саҳифасига кириб, ўша номзод ёки партиянинг номи, берилажак пул миқдори ва ўзи ҳақидаги маълумотларни киритиб, ҳомийликни амалга оширадилар. Бу орқали эса улар ўзларига ҳамфикр бўлган номзод ёки сиёсий партияни қўллаб-қувватлашлари ва сиёсий ғоя ҳамда мақсадларини юзага чиқаришлари мумкин, бу эса жамиятда сиёсий жараёнлар «ғилдираги занглаб қолмаслиги»га туртки бўлади. Шунингдек, веб-сайтда турли машҳур кишилар ва ташкилотларнинг 1999 йилдан бери биронта номзод ва партияга қилган ҳомийлик ишлари рўйхати келтирилган бўлиб, бу маълумотлар Федерал сайлов комиссияси томонидан тақдим этилади. Рўйхат «Машҳурлар», «Ишлаб чиқарувчилар ва ижодкорлар», «Бейсбол командалари», «Компаниялар» каби рукнларга бўлинган. «Машҳурлар» рукнидан Арнольд Шварцнегр, Бил Гейтс, Опра Уинфри, Калвин Клейн, Том Круз, «Компаниялар» рукнидан Microsoft, CNN, New York Times, Nike каби йирик ташкилотларни, «Бейсбол командалари» рукнидан эса машҳур бейсбол командаларини топишингиз мумкин. «Ишлаб чиқарувчилар ва ижодкорлар» рукни эса ўз навбатида яна қуйидаги кичик рукнларга бўлинади: «Профессорлар», «Журналистлар», «Банклар» ва ҳоказо. «Журналистлар» бўлимида New-York, ABC News, CBS, Washington Times каби оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари, шунингдек нафақадаги ёки фрилансер журналист ва ёзувчилар рўйхати мавжуд.

«Ҳомийлар топ ўнлиги»да 1999 йилдан то бугунга қадар энг кўп ҳомийлик қилган кишилар рўйхати бор. Масалан, Microsoft компанияси ҳомийлик ишларини кўздан кечирилса, компаниянинг юзлаб вакиллари қайси номзод, партия ёки сиёсий ташкилотга қанча миқдорда ва қайси санада пул ажратганлиги ҳақидаги маълумотга эга. Ҳатто Федерал сайлов комиссияси чеки ҳам илова қилинган. Баъзи ҳомийлар бир номзод ёки партиягагина эмас, балки бир нечасига пул ажратган. Масалан, Бил Гейтс 1999 йилдан бошлаб бугунга қадар юзга яқин демократ ва республикачи номзодларга 250 доллардан тортиб 25 000 долларгача пул ажратган. Бил Гейтс ҳақидаги маълумотларда эса унинг сиёсий қарашлари 53,89 % демократчиларга, 46,11 % республикачиларга тўғри келиши ёзиб қўйилган. Калифорния штати губернатори Арнольд Шварцнегр эса фақат демократ номзодларга ҳомийлик қилиб, у ҳақидаги маълумотга 100 % демократ, 0 % республикачи деб ёзилган.

Сайтда, шунингдек, 2010 йилда ҳомийлар томонидан энг кўп пул тақдим этилган номзодларнинг «топ 25»лиги ўрин олган. Сайтга яна турли сиёсий, ижтимоий материаллар, сайтлар илова қилинган. Бунда ҳам ПРнинг бир кўриниши мавжуд, дейиш мумкин.

Бугунги кунда жахон сиёсий партиялари жамоатчилик билан алоқа қилишда ўз веб сайтларидан унумли фойдаланяптилар. Масалан, АҚШ ва Буюк Британия партиялари сайтига кирилсан, уларнинг деярли барчасида «Ахборот жўнатмалари», «Ҳомийлик» , «Кўнгиллилар гуруҳи», «Тадбирлар» рукнлари мавжуд. «Ахборот жўнатмалари»га ёзилган киши электрон манзилига партия ҳаётига доир турли ахборотлар келиб турса, «Кўнгиллилар гуруҳи»га ёзилган киши партия ташкилий ишларида иштирок этиши, «Тадбирлар» рукни орқали эса партия тадбирларидан бохабар бўлиб, уларга ташриф буюриши мумкин.

Бизнинг мамлакатимизда партияларнинг сайтлари бор-у, лекин юқорида келтирганимиздек хизмат турлари йўқ. Ана шундай турлар

йўлга қўйилса, жамоатчилик билан алоқалар янада кучаяди. Партиялар сафи кўнгиллилар ҳисобига кенгаяди.

АҚШдаги Либераллар, Республикачилар, Буюк Британиянинг Лейбористлар, Консерваторлар каби сиёсий партияларига ҳатто онлайн тарзда аъзо бўлиш мумкин. АҚШ ва Буюк Британия сиёсий сайтларини кузатилса, барчаси ўзига хос хусусиятга эга эканлигини кўрса бўлди. Масалан, Республикачилар сайти(<http://www.gop.com/>)да «Бўлажак лидерлар» рукни орқали партия лидерлигига бирор номзод тавсия этиш мумкин бўлса, демократчилар сайти(<http://www.democrats.org/>)да эса сизга яқин ҳудудда қандай партия тадбири ўтказилаётганига «қидирув» бериш ва уларда иштирок этиш ҳамда ўзингиз ҳам тадбирлар уюштиришингиз мумкин.

Республикачилар сайтнинг «Конгрессни ҳаракатга келтир» рукнида эса кишилар Обаманинг Соғлиқни сақлаш соҳасидаги янги қонунига қарши чиқишга чақирилган. Ҳар бир киши ўз ҳудудий сенаторига Конгресс йиғилишларида қонунни қўллаб-қувватламасликка даъват этувчи хат ёзишлари мумкин. Албатта бизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сайтида бу имконият яратилган. Депутатлар таништирилган. Уларнинг ўз электрон почтаси бор. Бироқ халқимиз ҳали бу йўналишда ишлашга ўрганмаган.

Шунингдек, сайтда кичик-кичик гуруҳлар тузилган бўлиб, гуруҳ аъзолари бирор мавзу бўйича ўзаро ёзма фикр алмашадилар. Масалан, «Республикачилар Миллий Қўмитаси тадқиқоти» гуруҳининг 118 нафар аъзоси бўлиб, гуруҳнинг форумларида нафақат гуруҳ аъзолари, балки бутун жамоатчилик қатнашиши, гуруҳга аъзо бўлиши мумкин. Сайт орқали партиядошларни излаш, дўстларни ҳам партия сафига қўшилишга таклиф этиш мумкин.

Ўзбекистондаги партияларнинг ҳар бирида ёшлар қаноти ишлаб турибди. Айниқса, ушбу услубни улар орасида қўлланилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Олий ўқув юртини битирган талабалар Республикачилар Миллий Қўмитасининг Вашингтондаги бош штабида амалиёт ўташ учун он-лайн тарзда рўйхатдан ўтишлари мумкин. Шу билан бирга, онлайн тарзда Республикачилар Миллий Қўмитасига ишга ҳужжат топшириш ҳам мумкин.

Сайтнинг «Медиамарказ» рукнида Республикачи сенаторларнинг сиёсий чиқишларини ҳам эшитиш, томоша қилиш ва ўқиш мумкин.

Барча сиёсий партиялар ўз «Партия дўкони»ларига эга бўлиб, он-лайн тарзда партия рамзи туширилган турли кийим-кечаклар харид қилиш мумкин.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам кийим кечакларга партия рамзларини тушириш урф бўляпти. Бироқ ҳали ўз дўконларига эга эмаслар. Партиялар тadbирларда тарқатиш учун оз сонли миқдорда ишлаб чиқаришга буюртма беряптилар.

Барча сиёсий партиялар сайтида ҳомийларни жалб этишга қаратилган рукнлар мавжуд бўлиб, улар нафақат ҳомийларни тўғридан-тўғри жалб этишга интилади, балки жамоатчиликни ҳам ҳомийларни жалб этиш ишлари билан машғул бўлишга чақиради, яъни ҳомийларни ҳам бевосита, ҳам билвосита тўплайди. Сайтда ҳар бир партия аъзолари ўз саҳифасинини яратиб, ҳомийларни ҳам интернет, ҳам «интернетдан ташқари фаолият» орқали сиёсий жараёнларга жалб этишлари мумкин.

Демократлар сайтида «Обама командаси сафига қўшилинг» рукни ҳам мавжуд. «Бош муҳаррирга хат» рукни орқали сиз демократчилар олға сураётган бирор ғояни қўллаб-қувватловчи мақола ёзиб, партия сайтининг махсус саҳифасига илова қилиш мумкин. Партия эса мақолани тегишли умуммиллий ёки ҳудудий босма нашрларга жўнатади. Шунингдек, «Конгрессга хат» рукни ҳам мавжудки, ушбу ҳар икки рукнда ҳам турли мавзулар тавсия этилган. Масалан, «Ироқ уруши», «Газ нарх-навоси», «Ҳарбий қўшинлар, ветеранлар ва уларнинг оиласини қўллаб-қувватлаш», «Таълим», «Соғлиқни сақлаш», «Атроф-муҳит муҳофазаси», «Фуқаролар ҳуқуқи ва адолат» каби йўналишлардан

бирини танлаб, демократчилар нуқтаи назаридан мақола ёзиш ва партия сайтига юбориш мумкин.

Кўплаб партия аъзолари сайтга ўз блокларини илова қилиб, уларда турли сиёсий ва ижтимоий масалалар бўйича ўз нуқтаи назарларини эълон қилганлар. Ушбу рукннинг яхши томони шуки, жамоатчилик уларга ўз фикр ва қарашларини ёзиб қолдириш имконияти мажуд. Масалан, Гари Хиггс 2010 йил 10 апрелдаги мақоласини шундай бошлайди: «Республикачи Конгрессмен Мишел Стил Обамани «америкалик» эмасликда айблади. Бу билан у аксарият америкаликларни америкалик эмасликда айбламоқда». Мақола сўнгида у жамоатчиликни, мухаррирларни, журналистларни ана шу масала бўйича мақола ёзишга, фикр билдиришга даъват этади. Дарҳақиқат, унинг бу мақоласига кўплаб мухлислар ўз фикрларини билдирганлар.

«Демократчилар радиомурожаати» бўлими орқали демократчи президент Обама ёки демократчи конгрессменларнинг ҳафталик нутқи ва мурожаатини эшитиш ва мулоҳазалар ёзиб қолдириш мумкин. Демократчилар сайтини испан тилида ҳам ўқиса бўлади. Чунки АҚШда испан тилида сўзлашувчилар кўп.

Яшиллар партияси (<http://www.gp.org>) сайтининг «Сайловлар» рукнида 2010 йилда Конгресс аъзолиги, штат губернаторлиги, шаҳар мэрилиги лавозимларига ушбу партия томонидан тавсия этилаётган номзодлар рўйхатини кўриш, сайтда уларнинг таржимаи ҳоли билан танишиб, Facebookдаги саҳифасига, шахсий сайтига ўтиш ва номзодларга ҳомийлик қилса бўлади.

АҚШнинг Либераллар партияси (<http://www.lp.org/>) сайти эса нафақат номзодларни қўллаб-қувватлаш ёки бирор номзод тавсия этиш, балки ўз номзодини ҳам қўйиш имконини беради.

Шунингдек, сайтларда жамиятдаги у ёки бу муаммо бўйича материаллар узатилиб, уларга партия муносабати, муаммога ёндашуви, ечими тавсия этилади. Масалан, 2010 йил 19 мартда жойлаштирилган «Либераллар партияси Соғлиқни Сақлаш соҳасидаги янги Қонунга

қарши» мақоласида Президент Обаманинг таклифи билан ўртага ташланган қонун лойиҳасига қарши чиқилган. 2010 йил 31 мартда жойлштирилган «Либераллар: Обама Афғон урушига аралашмаслиги керак» мақоласида Обаманинг Афғонистонга уюштирилган икки кунлик шошилинич ташрифи ва АҚШ ҳукуматининг Афғонистонда олиб бораётган сиёсати ҳақида Либераллар партияси Ижрочи директори Уес Бенедиктнинг мурожаати чоп этилган. Унда шундай дейилади; «АҚШнинг Ироқдаги уруши хато бўлганлиги ўз тасдиғини топганидай Афғонистондаги уруши ҳам хато эканлиги ўз тасдиғини топади. Бундай йўл орқали терроризм билан курашиб бўлмайди, АҚШ ўз қўшинларини бу мамлакатдан олиб чиқиб кетиши керак, акс ҳолда яна мағлубиятга учрайди» деган фикрларни билдиради.

Шунингдек, ушбу сайт маъмурияти жамоатчиликни турли радиодастурларда либерал нуктаи назарни тарғиб этишга даъват этади ва турли радиоэшиттиришларнинг номи, вақти ҳамда радиостудияларнинг телефон рақамларини аудитория эътиборига тақдим этади. Партия YouTube видео дастурида ҳам алоҳида саҳифасига эга бўлиб, унда Либераллар партияси ҳаётидан турли видеолавҳаларни томоша қилиш мумкин ва унда ўқувчиларнинг ўз фикр -мулоҳазаларини ёзиб қолдириш имконияти ҳам яратилган..

Буюк Британия Лейбористлар партияси сайти <http://www2.labour.org.uk> дея номланади. Унда эса «Мен нима учун Лейбористман?» рукни мавжуд бўлиб, партия аъзолари нима учун айнан шу партияга аъзо бўлганликлари ҳақида ёзиб қолдирадилар. Буни эса партиянинг самарали рекламаси деб атаса ҳам бўлади.

Буюк Британиянинг Лейбористлар партияси турли сиёсий ва ижтимоий ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қиладики, бу ташкилотлар ўз ғоя ва қарашларини партия орқали ҳукуматга олиб чиқадилар. Бу ҳам жамоатчилик билан алоқаларнинг бир кўринишидир. Бу ташкилотларнинг вакиллари партияга аъзо бўлиб, ҳукумат структурасининг турли идораларида фаолият олиб борадилар. Масалан,

«Scientists for Labour» ташкилоти Лейбористлар партиясига хайрихох бўлган фан ва технология соҳаси вакиллари ўзига бирлаштиради, Социалист атроф-муҳит ва ресурслар ассоциацияси лейборист сиёсатчи, тадбиркорлар, олимларни ўз ичига бирлаштиради. Лейборист талабалар ташкилоти эса ўз ортидан партиёга ҳамфикр бўлган олий ўқув юртлари талабаларини эргаштиради. Шунингдек, Социалист таълим ассоциацияси, Социалист Соғлиқни сақлаш ассоциацияси, Лейборист ҳуқуқшунослар жамияти каби ташкилотлар Лейбористлар партиясига билан яқиндан ҳамкорлик қилувчи ташкилотлардан саналади. Бундан ташқари, Лейборист партиясини қўллаб қувватловчи «Ёш лейбористлар» ва «Лейборист талабалар» ташкилоти билан ҳам мавжуд.

Улар амалга ошираётган ишлар мамлакатимиздаги партиалар қошида фаолият юритаётган “Ёшлар қаноти” фаолиятига ўхшаб кетади.

Шунингдек, лейбористлар сайтида «Халқаро лейборист» рукни мавжуд бўлиб, у хорижда яшаётган Буюк Британия фуқаролари орасида лейборист партиё ҳолатларини тарғиб этиш, партиёга нисбатан хайрихох кайфиятни туғдириш, партиё билан доим алоқада бўлишларини таъминлашни кўзлайди. Айни кунда маълумки, 2.5 миллион инглизлар хорижда яшайди.¹ Бу эса яна шунча сайловчи деганидир. Партиё хориждаги инглиз фуқароларига онлайн тарзда партиёга аъзо бўлиш имконини яратади.

Лейбористлар сайтида акциялар ҳақида алоҳида дастур мавжуд. Унда жамоатчиликни жамиятдаги бирор муаммо юзасидан ўтказилаётган тадбирларни қўллаб-қувватлашга чақирилади. Масалан, глобал қашшоқликни олдини олишга, глобал иқлим ўзгаришига қарши, кам таъминланган оила фарзандларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар ўтказиляптики, ушбу сайт орқали жамоатчилик мазкур тадбирлар ҳақида тўлиқ маълумот олиши, уларга ҳомийлик қилиши,

¹ <http://www.conservativesabroad.org>

ташкилий ишларида иштирок этиши мумкин. Сайтда жамоатчиликка мурожаат этилиб, парламент аъзоларини ҳам ана шу ишга даъват этишга чақирилади. Партия аъзолари ва номзодларига тадбир ўтказилаётганда муаммолар пайдо бўлса бу ҳақида сайтнинг махсус саҳифаси орқали хат ёзиб, фикр-мулоҳазани билдириш имконияти ҳам яратилган.

«Лейбористлар сиёсий дастури» йўналиши орқали эса жамиятдаги у ёки бу масалага лейбористлар ёндашувини билиб олишингиз мумкин. Масалан, «Соғлиқни сақлаш», «Жиноят, ҳуқуқ ва иммиграция», «Маданият, ОАВ ва Спорт», «Хотин-қизлар», «Буюк Британия халқаро майдонда», «Таълим ва ҳунар» каби рукнлар борки, улар ҳам ўз навбатида кичик рукнларга бўлинган. Масалан, «Буюк Британия халқаро майдонда» рукни «Европа», «Халқаро лидерлик», «Халқаро тараққиёт», «Ҳарбий муҳофаза», «Афғонистон» каби мавзуларга бўлинганки, уларда партиянинг ана шу масалаларга нисбатан ёндашуви кўрсатилган. Чунончи, Афғонистон масаласига бағишланган материалда лейбористлар Афғонистондаги ҳарбий операция учун кейинги йил давлат бюджетидан 5 миллиард фунт стерлинг миқдорида маблағ ажратишни ўртага ташлаганлиги ёзилган. Афғонистонда олиб борилаётган халқаро коалиция операцияларининг 90 фоизи мамлакат Миллий армияси билан ҳамкорликда олиб борилаётгани ва афғон аскарларининг ҳарбий тайёргарлигини кучайтириш бўйича ўқув машғулотлари тобора кучайтирилаётгани ҳақида батафсил ёзилган. Афғонистондаги инглиз қўшинларини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга тўланадиган ҳақ миқдори, жароҳатланганларга компенсация тарзида ажратиладиган пул миқдори икки баробар оширилгани ҳақида ёзилган. Афғонистонда ҳарбий харажатлар учун киши бошига йилига 2010 йилда 400 минг фунт стерлинг ажратилгани (2006 йилда бу кўрсаткич 180 минг фунт стерлингни ташкил этган) ҳақида алоҳида тўхтаб ўтилган. Хуллас, материалда партия фаолияти ва у-бу масалага ёндашуви тўғрисида батафсил ахборот берилган. «Таълим» рукни эса

“Болалар ва оила муҳофазаси”, “Мактаб”, “Олий таълим”, “Касб-хунар” каби кичик рукнларга бўлинган бўлиб, лейбористларнинг бу борада олиб бораётган фаолиятлари ҳақида ахборот берилган. Масалан, “Олий таълим” бўлимида лейбористлар сайъ-ҳаракати билан кейинги йилларда фан-техника йуналишидаги университетларда 10 минглик қўшимча жойлар яратилгани, Европа инвестиция банки томонидан олий таълимга 350 минг фунт стерлинг ажратилгани келтириб ўтилади. Шунингдек, бугун олий ўқув юртларида 2 миллион талаба таҳсил олаётгани, бу эса 1997 йилга нисбатан 392 мингга кўп экани, лейбористлар 2010-2011 йилларда олий ўқув юртларида 2.1 миллион талаба таҳсил олишини таъминлашни режлаштираётгани ёзилади. Хуллас, ана шундай батафсил маълумотлар жамоатчиликка тақдим этилган.

Сайтда партия нафақат ўз фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликка ахборот беради, балки муҳолифат партия – консерваторлар фаолиятини танқидий таҳлил этади. “Консерваторлар Британияга нотўғри ислохотларни таклиф этмоқда. Бу ислохотлар аҳоли фаровонлигига путур етказди”, - дея ёзилади бўлим муқаддимасида ва бу борадаги фикрларни рақамларда исботлашга интилинади.

Консерваторлар ёки бошқача қилиб айтганда Торилар партияси сайти(<http://www.conservatives.com/>)нинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда партия раиси Дэвид Камероннинг оддий халқ билан учрашувлари видеолавҳаси мунтазам узатиб борилади. Масалан, 2010 йил 28 мартда ташкиллаштирилган учрашувда партия раиси аҳолини қизиқтирган саволларига жавоб берган. Сайтнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бундай тадбирлар нафақат сайтнинг ўзида эълон қилинади, балки сайтнинг махсус саҳифаси орқали мобил телефонларга тарқатилади. Бундай хизматга эса айнан сайт орқали ёзилиш мумкин. Партия конференциясида иштирок этишни истаган киши онлайн тарзда рўйхатдан ўта олади.

“Келажак Консерваторлари” партиянинг “ёшлар қаноти” саналиб, мамлакат бўйлаб 15 минг аъзосига эга. “Келажак Консерваторлари”нинг алоҳида сайти мавжуд бўлиб, у ёш консерваторларга сайтга илова тарзида ўз блокини яратишни таклиф қилади.

Партия қошида “Консерватор аёллар” ташкилоти мавжуд бўлиб, унинг сайти ҳам партия сайтига илова қилинган.

Хорижий сиёсий партиялар сайтларининг ибратли томони шуки, уларда партия ҳақида умумий ахборотлар бериш билан бирга, икки томонлама алоқа йўлга қўйилган. Сайтлар орқали жамоатчилик билан алоқаларнинг турли услублари мавжудлиги ўрганишга арзирлик далиллардир.

2.2. Эркинлашаётган жамиятда сиёсий партияларнинг ахборот ва мафкура масалалари.

Ватанимиз мустақиллиги йилларида республикаимиз ҳаётининг барча жабҳалари қатори сиёсий партиялар соҳасида Президент Ислон Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида олиб борилган ислохот асосида мустақил юрт, мустақил жамият руҳига мос бўлган сиёсий партиялар мактаби яратилди, шакллантирилди, ривожлантирилди

Демократиянинг асл маъноси ҳам бу-халқ ҳокимияти деган маънони англатади. Халқ ҳокимиятига эса сиёсий партиялар орқали эришиш мумкин. Чунки сиёсий партиялар аҳолининг сиёсий фаол бўлишига хизмат қилади. Таъбир жоиз бўлса, ҳокимият билан халқ ўртасида воситачилик қилади. Халқни ҳокимиятга яқинлаштиради. Ва уни бошқаришда фаол иштирок қилишни таъминлайди. Шунинг ўзи ҳам сиёсий партиялар жамоатчилик билан ишлайдиган ташкилот деса ҳам бўлади. Партияларнинг ҳар бир саъй – ҳаракати халқ ичига кириш ва ўз атрофида янада кўпроқ аҳолини жипслаштиришдир. Зеро, уларнинг парламентдаги ўринлари ҳам ана шу жамоатчилик билан қай даражада ишлай олишига боғлиқ.

Ўтган даврда партиялар мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни эркинлаштириш, илм – фан, маънавият ва маърифатни тараққий топтириш, бир қатор ижтимоий муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш борасидаги мамлакатимизда амалга оширилган улуғвор ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланди. У илм – фан намояндаларининг, таълим – тарбия соҳаси ходимларининг, ижодкор зиёлиларнинг, тадбиркорларнинг бир сўз билан айтганда ватанимиз равнақига ҳисса қўшиш орзусида бўлган жуда кўплаб ҳамюртларимизни ўз атрофида жипслаштирди.

Президентимиз Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган Қўшма йиғилишидаги ўз маърузаларида ўтган 16 йилни икки даврга бўлдилар. Биринчи босқич миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, (1991 йилдан 2000 йилгача) у ўтиш даври деб номланди. У мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ва улуғвор ислохотлар амалга оширилган йиллар бўлиб, тарихда қолди. 2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич- фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври эса иқтисодимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, конунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада ошириш, демократик жараёнларни давом эттириш, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуришда ғоят муҳим роль ўйнаган давр бўлди.

Дарҳақиқат, Президентимиз раҳбарлигида босқичма-босқич ўтказилаётган ҳар бир ислохотларнинг бир қирраси сиёсий партиялар ҳаётида ҳам акс этади.

Бу юксак мақсадларга эришиш омилларидан бири, албатта, сиёсий партияларга уларни кенг кўламда ижтимоий-сиёсий фаолият юритиши учун шароит яратиб беришдир.

Истиклол йилларида сиёсий партияларнинг ўз олдиларига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга ошириши учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Асосий қонунимиз - Конституцияга таянган ҳолда, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда бир қатор бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўтган давр мобайнида сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли, қарорлар қабул қилишда партияларнинг нуктаи-назарига эътибор кучайди.

Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги борасидаги фаолияти тубдан ўзгарди. Шунингдек, сиёсий тажриба орттириш, сиёсий етуклик ва молиявий мустақилликка эришиш ва жамиятда ўз ўрнини топиш, ўзининг барқарор электоратини шакллантириш юзасидан сиёсий партиялар ҳам маълум бир йўлни босиб ўтди.

Мустақиллик йилларидаги сиёсий партияларнинг фаолиятини ҳам икки даврга бўлиш мақсадга мувофиқ. 2000 йилгача мамлакатимизда кўппартиявийлик шаклланди. Унинг ҳуқуқий асослари «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунда белгилаб қўйилди. 1999 йилги парламент сайловида биринчи марта бир неча сиёсий партияларнинг номзодлари беллашди. Тўла ишонч билан айтиш мумкин, мамлакатимизда сиёсий партияларнинг шаклланиши, уларни самарали фаолият юритиши учун тўлиқ имкониятлар очиб берилди. Шунингдек, кўппартиявийлик тамойилларига асосланган, замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди.

Иккинчи босқичда эса “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди ва партиялар давлат бюджети томонидан молиялаштирила бошланди. Бу эса сиёсий партияларда ишлайдиган кадрларнинг қўнимлигини таъминлашда ва жамоатчилик билан алоқаларни янада кучайтиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Зеро, сиёсий партиялар - бу кадрлар тайёрлаш академияси, дорилфунундир. Унинг туб моҳияти жамоатчилик билан ишлаб уларнинг орасидан муносиб сиёсатчиларни топиш ва улар орқали янада халқнинг ишончини қозонишдир. Пировард натижада парламентда муносиб ўрин эгаллаш ва давлат бошқарувида қатнашишдир.

Икки палатали парламент даврида сиёсий партиялар сезиларли даражада тажриба орттирдилар, уларнинг мамлакатда олиб борилаётган кенг қўламли демократик ўзгаришлардаги иштироки ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари парламентда фракциялараро сиёсий кураш олиб бориш тажрибасини тобора ўзлаштириш баробарида ўз фаолиятларини кундан-кунга жонлантirmoқдалар. Бу ўз ўзидан сиёсий партияларнинг нуфузини ошириш билан бирга, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу ўринда тарғибот ва ташвиқотнинг ўрни катта бўлмоқда. Бугунги кунда фракцияларнинг фаолиятини, депутатларнинг саъй-ҳаракатларини ОАВларида мунтазам кузатиш мумкин. Мамлакатимиздаги ҳеч бир ташкилот шунчалик ошқора ишламайди. Бу, албатта, жамоатчилик билан алоқаларнинг самарасидир.

Албатта, демократик фуқаролик жамиятини партиясиз куриб бўлмайди. Шунинг учун партияларнинг ролини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 83-моддасига асосан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи тартибида “ Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш

тўғрисида”ги

Конституциявий қонуни қабул қилинди ва сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақомлари янада кенгайтирилди. Шу билан сиёсий партиялар ҳаётида учунчи босқич бошланди десак бўлади.

Зеро, партияларнинг ваколатини кенгайтириш фуқаролар ҳуқуқини кенгайтириш демакдир. Дарҳақиқат, ҳар бир партия мамлакатимизда кечаётган воқеаларга масъулдир. Мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, сиёсий ғоялар партиялар орқали, уларнинг жамоатчилик билан алоқалари орқали халққа етказилади.

Сиёсий партиялар, уларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари ҳокимиятга самарали таъсир ўтказа оладиган улуғвор куч ҳисобланади. 2008 йил биринчи январдан амалга киритилган Конституциявий қонун сиёсий партиялар ҳаётида янги учинчи босқични, учинчи даврни бошлаб бериш билан бирга жойларда жамоатчилик билан алоқаларни янада кучайтиришга катта имкониятлар яратди.

Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг тарғиботига алоҳида эътибор беради.

Мамлакатимиз Президентининг нутқлари ва маърузалари, фармонлари ва қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар партия фаолиятига дастуриламал қилиб олинади, жумладан: 2005 йилда “Миллий тикланиш” демократик партиясида:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш”, “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги фармонлари муҳокама қилиниб, улар халқ орасида кенг тарғибот қилинди.

- “Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нуткидан келиб чиқадиган партия бошланғич ташкилотлари олдида турган вазифалар”, “Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2005 йил 14-15 ноябрда Россия давлатига қилган расмий ташрифи”га оид “Иттифоқчилик ўзаро ҳамкорликнинг олий даражасидир” мавзуси тўғрисида масалалар кўриб чиқилди ва

бошланғич ташкилотларга тарғиб-ташвиқ қилиш учун йўлланмалар берилди.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи ва 2006 йил “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”да ўтказиладиган тадбирлар дастури муҳокама қилинди.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб – қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди. Ёшлар ўртасида кенг тарғибот ишлари олиб борилди.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан киритилган Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунининг лойиҳаси “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида” ва Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89 – моддасига, 93 – моддасининг 15 – бандига, 102 – моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида”ги қонунлар лойиҳалари жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама қилинди.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин – қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб – қувватлаш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги фармони юзасидан жойларда йиғилишлар ўтказилди.

Ўтказиладиган тадбирлар натижасида партияларнинг обрўи йил сайин ошиб бормоқда, партияларни ҳалқимиз ҳам, маҳаллий ҳокимият ҳам тан олмоқда. Бу жамоатчилик билан алоқаларнинг самарали натижасидир

Кишиларнинг қалбига чуқурроқ кириб бориш, партиянинг таъсирчанлигини, мавқеи ва салоҳиятини ошириш омилларидан бири яъни жамоатчилик билан алоқаларни кенг йўлга қўйишнинг яна бир

имконияти тадбирлар самарадорлигини ошириш эканлигини партиялар яхши билади. Бу борада сиёсий партиялар сезиларли даражада тажриба ортирдилар, уларнинг мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли демократик ўзгаришлардаги иштироки ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Сиёсий партиялар ва уларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари қонунлар лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига чиқариш учун матбуотда эълон қилинган дастлабки кунларданок, ўзларининг алоҳида режаларини ишлаб чиқадиладар. Сиёсий партияларнинг айнан қонунлар лойиҳалари муҳокамаларига бағишланган навбатдан ташқари пленумлари, кенгайтирилган фаоллар йиғилишларини ўтказгани, бундай пленумлар ва фаоллар йиғилишлари партияларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар кенгашларида ҳам алоҳида кўтаринки руҳда давом эттирилгани мақтовга лойиқ.

Мазкур тадбирлар режасида қонунлар лойиҳаларининг моҳияти ва мазмунини сайловчиларга етказиш, уларни ўрганиш ҳамда муҳокама қилишга бағишланган ўқув семинарлари, учрашувлари ўтказиш, конференциялар ва семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этиш, оммавий ахборот воситалари орқали кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб бориш белгиланган эди.

Қарийб уч ой давом этган умумхалқ муҳокамалари даврида, Қонунчилик палатасининг қўмиталари билан бирга сиёсий партиялар фракциялари ҳамда бевосита депутатлар иштирокида 30 дан ортиқ конференция, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Бу тадбирларда қонун лойиҳаларининг мазмуни ва моҳияти, долзарблиги, жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, шунингдек давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларга яратилаётган имкониятлар ҳақида атрофлича фикрлар билдирилди.

Қонунчилик палатаси депутатлари-фракция аъзолари қонунлар лойиҳалари муҳокамаси юзасидан ўз сайловчилари ҳузурида 273 марта учрашувлар ўтказган бўлса, таълим муассасалари ва жамоат ташкилотларида бундай учрашувлар 240 маротаба ташкил этилди. Улар томонидан марказий матбуот нашрларида, телевидение ва радио эштиришларида 87 маротаба, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эса 22 маротаба мулоқотлар ва мақолалар чоп этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида бўлиб ўтган минтақавий семинарларда Қонунчилик палатасининг айрим депутатлари айниқса партиялар раҳбарларининг мазкур қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган маърузалар билан чиқишлари семинар машғулотларини янада мазмунли ўтишига сабаб бўлди.

Республика олий ўқув юртлири ва илмий муассасалари томонидан бевосита ҳуқуқшунос олимлар, сиёсатшунослар, профессор-ўқитувчилар иштирокида ташкил этилган тадбирлар, жамоат ташкилотларидаги, маҳаллалардаги турли хилдаги тадбирлар қонун ҳужжатларининг асл мазмун-моҳиятини кенг аҳолига етказишда алоҳида аҳамият касб этди.

Қонун ҳужжатларини мазмуни ва моҳиятига бағишланган турли мақолалар, мулоқотлар ва суҳбатлар республикаимиз оммавий ахборот воситалари томонидан жуда кенг кўламда ёритиб борилгани уларни энг чекка қишлоқларда яшаётган аҳолининг турли қатламлари ўртасида қизғин муҳокама қилишга имкон берди.

Фикримизга биргина, республикадаги мавжуд 100 га яқин газета ва журналларда айнан қонун лойиҳалари муҳокамаси юзасидан чоп этилган 500 дан ортиқ мақолалар, Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг ушбу мавзунини ёритишга бағишланган 84 маротаба кўрсатув ва радио эштиришлари, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида 50 дан ортиқ шу

каби тадбирларни ташкил этилиши республикамиз оммавий ахборот воситаларини ҳам қонун лойиҳларининг тарғиботи борасида олиб борган ишлари салмоқли бўлди дейишга асос бўлади. Буларнинг барида фракция аъзоларининг иштироки, фаоллиги бор, албатта.

Конституциявий қонун лойиҳаси ва Конституцияга тузатиш киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси хорижий мамлакатларда ҳам қизиқиш уйғотди. Кўпгина халқаро экспертлар, сиёсатчилар, олимлар, журналистлар мазкур қонун лойиҳалари бўйича ўз муносабатларини билдирдилар.

Қонун лойиҳалари юзасидан халқаро жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида, Европанинг етакчи давлатлари Буюк Британия, Италия, Германия, Франция, Испания, Польша, Бельгия, Австрия, Швейцария, Греция, араб мамлакатларидан Саудия Арабистони Қироллиги, Миср, Эрон Ислом Республикаси, Шарқ мамлакатларидан Япония, Хитой, Ҳиндистон, Тайланд, Корея, Покистон, ҳамдўстлик мамлакатлари орасида Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, шунингдек Америка Қўшма Штатлари, Исроил ва бошқа қатор мамлакатларда мазкур қонунлар лойиҳаларининг тақдимотлари ҳамда турли кўринишдаги муҳокамалар ташкил этилди. Бундай тадбирларда сиёсий партиялар, айниқса Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг аъзолари ҳам бевосита иштирок этдилар.

Айни вақтда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган ислохотлар сиёсий партиялар олдида янгидан-янги вазифалар қўймоқда.

Ушбу вазифалар ҳақида гапирганимизда, бугунги глобал дунё шакл-шамойилида содир бўлаётган кескин ўзгаришларни ҳам назардан қочирмаслигимиз керак. Ҳозир давлатлар ўртасида чегаралар ва тўсиқлар чекиниб бораётганлиги, пул, товар ва хизматларнинг эркин

ҳаракати, миграция жараёнлари халқаро миқёсда кучайиб бораётганлиги хусусида кўп гапирилмоқда. Айниқса, дунёда ягона ахборот маконининг пайдо бўлганлиги ҳамда замонавий ахборот технологиялари, жумладан интернет хизмати жуда кучайиб кетганлигидан тартибига миллий, мафкуравий ва ахборот хавфсизлигини қўймоқда. Мана шу жараёнларни кузатар эканмиз, улуғвор тарихга, бетакрор маданиятга, юксак маънавиятга эга халқимизнинг ўзлигини кўз қорачиғидек асраш ҳар бир сиёсий партиянинг жамоатчилик билан алоқаларга эътиборни кучайтираётганининг ифодасидир.

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида тараққий этган миллатлар, халқлар, давлатлар орасида тенг ҳуқуқли муносиб ўринни эгаллашга интилар экан партияларнинг барча саъй-ҳаракатлари миллий истиқлол мафкураси, миллий тикланиш ғояси, миллий қадриятлар ва урф-одатларимизга таяниш лозимлигини ва жамоатчилик билан алоқаларнинг бу вазифаларни амалга оширишда ўрни бекиёслигини билишади.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, партияларнинг бош мақсадларидан бири, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олишига, ҳар қандай ривожланган давлатдан кам бўлмайдиган мамлакат бўлиши учун амалий ҳисса қўшишдан иборатдир.

Мамлакатимиз Президенти «Бугунги ижтимоий тараққиёт инфор­мацион инқилоб, глобаллашув жараёнлари жаҳон майдонларини таъсир ўтказиш мақсадида бўлиб олишга интилиш, бу майдонлардаги ўзаро кураш шароитида мафкуравий сиёсатнинг аҳамияти ва ўрни нақадар ор­тиб бораётганини тушунтириб ўтиришга ҳо­жат йўқ. ...Эски мафкурадан воз кечиш натижасида пайдо бўлган бўшлиқни янги-миллий

ғоя, истиқлол мафкураси билан тўлдиришнинг зарурати барчамизга аён бўлиши даркор.»¹ - деган эди.

Ҳуқукий давлат, адолатли, демократик жамият барпо қилаётган ўзбек халқи ўзининг ана шу улугъ ният ва мақсадларини, буюк орзу ва умидларини миллий истиқлол ғояси ва мафкураси орқали ифода этмоқда. Халқимизнинг бой тарихий тажрибаси ва замонавий ютуқларига асосланган мафкурамизнинг асосини эса миллий тикланиш ғояси ташкил қилади. Демак, ҳаётимизда тобора мустаҳкам жой олаётган мафкурамизнинг миллий истиқлол, миллий тикланиш мафкураси деб аталишида чуқур ҳаётий ҳақиқат мужассам. Зеро, ўзбек халқи демократик жамият барпо қилиш, замонавий билимларга эга миллатнинг янги авлодини шакллантириш орқали ўз қаддини ростлашга, ўзини англашга интилади, ўзи учун муносиб турмуш шароити бунёд этади. Миллий мафкура ҳақида гапирганимизда, партиялар дастурий мақсадларида ҳам муқаддас анъаналаримизни асраш халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган урф-одатлари, қадриятларини замон талаблари асосида ёшларимиз онгига сингдиришдек вазифалар қамраб олганлигини яққол кўришимиз мумкин. Ушбу тарғиботни янада кучайтириш ниятида ҳар бир партия қошида ёшлар ва аёллар қаноти ишлаб турибди. Уларни ёшлар ва аёллар ўртасида фаолият юритувчи пиарменлар деса бўлади.

Сиёсий партиялар ўзларининг бош сиёсий мақсадларидан ҳамда электорати манфаатларидан келиб чиқиб турли хил ғояларни илгари суради. Бизнинг назаримизда ҳар қандай сиёсат замирида Ватан, Халқ, Миллат манфаатлари ётади.

Партиялар ватан тақдири ва истиқболи, эркинлик, қонунийлик, ҳуррият ва миллий ғоя учун курашишни ўзининг асосий мақсади деб билади. Партияларнинг ҳар бир тадбиридан бу руҳиятни ҳис қиламиз.

¹ Ислом Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2001 йил. Б-223.

Зеро, партиялар биринчи ўзак - бошланғич ташкилотлар орқали халқ ичига тез ва дадил кириб боради. Бу мамлакатимиз сиёсий партияларининг миллийлигини ҳам ифода этади. Шунингдек, партияларнинг жамоатчилик билан алоқалари сайлов жараёнида янада фаоллашади. Чунки, партияларга халқ олдида ўзлигини намоён этадиган минбар яратилади ва партия аъзолари турли хил сиёсий-ҳуқуқий қарашларига эга бўлган сиёсий партияларнинг баҳс-мунозаралари кечадиган майдоннинг фаол иштирокчиси сифатида намоён бўлади. Ўз навбатида ушбу фаолият партиядан ва депутатликка номзодлардан катта масъулият, маҳорат ва баҳс одобига риоя этишни талаб этади.

Ушбу даврда партиялар мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни эркинлаштириш, илм – фан, маънавият ва маърифатни тараққий топтириш, бир қатор ижтимоий муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш борасидаги мамлакатимизда амалга оширилган улуғвор ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланди. У илм – фан намояндаларининг, таълим – тарбия соҳаси ходимларининг, ижодкор зиёлиларнинг, тадбиркорларнинг, бир сўз билан айтганда ватанимиз равнақига ҳисса қўшиш орзусида бўлган жуда кўплаб ҳамюртларимизни ўз атрофида жипслаштирди.

3-боб.Сиёсий партияларнинг жамоатчилик билан алоқалар йўналишлари.

3.1. Сиёсий партиялар фракциялари.

Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан (40 киши), Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан (27 киши), Ўзбекистон «Фидокорлар» Миллий-демократик партиясидан (18 киши), Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан (11 киши) ва Ўзбекистон «Адолат» Социал-демократик партиясидан сайланган (10 киши) депутатлар фракциялари рўйхатга олинди.

2005 йил февраль ойида Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан, Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий-демократик партиясидан ва Ўзбекистон «Адолат» Социал-демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциялари ягона Демократик блокка бирлашдилар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутатлар фракцияси эса ўзини парламент кўпчилигига нисбатан мухолифатдаги озчилик деб эълон қилди.

2008 йилнинг август ойида иккита сиёсий партиянинг қўшилиши муносабати билан «Фидокорлар» миллий-демократик партияси ва «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциялари ягона «Миллий тикланиш» партияси депутатлари фракциясига бирлашдилар, уларнинг умумий сони эса 29 кишини ташкил этди.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси таркибига сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган 10 нафар депутат ҳам киради.

Депутатларнинг қайси партияга мансублиги ва сайловларда олган сайловчилар овозларининг сонини эътиборга олган ҳолда қўмиталар раислари, уларнинг ўринбосарлари ва қўмита аъзолари сони белгиланди. Учта қўмитани Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси вакиллари бошқарди (булар – Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси), иккитадан қўмитани – Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси (булар – Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси), Ўзбекистон «Миллий тикланиш» Демократик партияси фракцияси (булар – Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси) ҳамда Ўзбекистон «Адолат» Социал-демократик партияси фракцияси (булар – Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси) вакиллари бошқарди. Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасини сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутат бошқарди.

Сиёсий партиялар фракциялари ўз дастурий мақсадларини амалга ошира бориб, қонун лойиҳаларини фаол муҳокама қилдилар, қонун нормаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритдилар, фракцияларнинг нуқтаи назарини ялпи мажлисларда қатъий туриб ҳимоя қилдилар. Фракцияларнинг қонун лойиҳалари юзасидан аниқ нуқтаи

назарини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор бериш қабул қилинаётган қонунларнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

Масалан, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси 2005 йилнинг 20 майида ЎзЛиДеП ташаббусига кўра ташкил этилган Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмасини (ЎЗННТМУ) ташкил этиш жараёни ниҳоясига етганига эътиборни қаратди. Шу муносабат билан қонун лойиҳасини маромига етказиш чоғида қонуннинг бундай ташкилотлар масъулиятини оширишга, шунингдек уларга қўшимча кафолатлар беришга доир қисмининг амалдаги нормаларини қайта кўриб чиқиш ва янги нормалар ишлаб чиқиш тавсия этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси «Ипотека тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш пайтида бу лойиҳани қабул қилмасликни таклиф этди, чунки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан киритилган мазкур қонун лойиҳасининг нормалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 февралда қабул қилган «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори талабларига тўлиқ жавоб бермас эди. Бўлиб ўтган фаол муҳокамадан сўнг Қонунчилик палатаси бу қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қонун қайта ишлангандан кейин бир йил ўтгач қабул қилинди.

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилишда фаол иштирок этар экан, «Миллий тикланиш» партияси фракцияси аъзолари «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги, «Истеъмол кредити тўғрисида»ги, «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари резервидаги

хизмат тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Микромолиялаш тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳалари юзасидан таклифлар киритилди.

«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва уларнинг хавфсизлиги чораларини кўриш юзасидан қўшимча таклифлар тайёрлади ва ишчи гуруҳига тақдим этди.

Қонун ижодкорлиги фаолиятида депутатлар фракцияларининг ролини кучайтириш депутатларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатди. Улар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи тартибида Қонунчилик палатаси муҳокамасига 18 та қонун лойиҳаси киритилди.

Сиёсий партиялар фракцияларининг таклифига биноан Қонунчилик палатаси мажлисларининг кун тартибига, қоида тартибиде, у ёки бу фракциянинг фикрига кўра мамлакат ва жамият ҳаётидаги жараёнлар ва ҳодисаларни акс эттирувчи ҳамда қонун ишлаб чиқувчиларнинг зудлик билан муносабат билдиришларини талаб этувчи қўшимчалар киритиш палатанинг иш амалиётидан ўрин олди. Чунинчи, 2009 йил 25 июнда Ўзбекистон Халқ-демократик партияси фракциясининг ташаббусига кўра Қонунчилик палатаси Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг Екатеринбург шаҳрида (Россия Федерацияси) 2009 йил 15–16 июнь кунлари бўлиб ўтган мажлиси якунларини муҳокама қилди.

Муҳокама якунларига кўра Қонунчилик палатаси Ўзбекистон ташаббусларининг амалда рўёбга чиқарилишига ҳар томонлама кўмаклашишга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг келгуси давр учун ШХТга раислик қилиши вазифаларини самарали амалга оширишга қаратилган тегишли қарор қабул қилди. Қарорда, шунингдек Қонунчилик

палатаси депутатларининг ШХТ давлатлари бошлиқлари Кенгашининг бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Президенти томонидан баён қилинган ташаббусларни мамлакат аҳолиси ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришда фаол иштирок этишларини таъминлаш ҳам назарда тутилди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг ташаббусига кўра 2009 йил 2 июлда Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди, унда Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти (КХШТ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг Москва шаҳрида 2009 йил 14 июнь куни бўлиб ўтган сессияси якунлари муҳокама қилинди. Депутатлар Ўзбекистоннинг КХШТ тўғрисидаги Битимга доир алоҳида фикрини муҳокама қилдилар, унда: «Коллектив кучлардан МДХ ҳудудида ва КХШТ давлатларида шу давлатлар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган низолар ва қарама-қаршиликларни ҳал қилиш учун ҳарбий куч сифатида фойдаланилиши мумкин эмас» деб белгиланган.

Қонунчилик палатасининг муҳокама якунлари юзасидан қабул қилган қарорида Ташкилот доирасида қарорлар қабул қилиш чоғида КХШТ Устави ва асосий ҳужжатларининг талабларига, Ташкилотга кирувчи мамлакатларнинг миллий қонунчилигига сўзсиз риоя этилиши зарурлиги, уларни инкор этиш КХШТ ичида зиддиятлар ва келишмовчиликлар келиб чиқиши учун замин яратиши мумкинлиги таъкидланган.

Депутатлар фракциялари ташаббусига кўра ижро этувчи ҳокимият раҳбарларининг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси аъзоларининг ўзлари раҳбарлик қилаётган соҳалардаги ишларнинг аҳволи тўғрисидаги ахборотларини эшитиш амалиёти ҳам жорий этилди. Бу эса депутатларга тегишли тармоқлар муаммоларига чуқурроқ кириб бориш, ижро этувчи тузилмаларнинг масъулиятини ошириш имконини берди.

Чунончи, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг божхона

имтиёзларини чет эллик инвесторлар ва тадбиркорлик субъектлари учун қўллашга доир қисмининг ижро этилиши тўғрисида»ги ахбороти эшитилди.

Ўз фаолияти ижтимоий соҳага йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ҳисобот даврида бир нечта эшитувларни ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Масалан, 2005 йил 22 декабрда фракция ташаббусига биноан Бош вазир ўринбосарларининг «Хукуматнинг аҳолини қиш мавсумида электр энергияси ва табиий газ билан таъминлашга тайёргарлиги тўғрисида»ги (2005 йил), «Уй-жой фондини ва ижтимоий инфратузилма объектларини қишки мавсумда иссиқлик билан таъминлашнинг ҳолати тўғрисида»ги (2008 йил), «Ўзбекистонда электр энергетикасини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш истиқболлари тўғрисида»ги (2009 йил) ахборотлари эшитилди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг «Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларининг ҳозирги ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида»ги ахбороти эшитилди. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг ташаббусига биноан Бош вазир ўринбосарининг «Ўзбекистонда туризмни ва туристик хизматларни ривожлантиришнинг ҳолати ҳамда истиқболлари тўғрисида»ги ахбороти эшитилди.

Қонунчилик палатасининг кўрсатиб ўтилган масалаларга бағишланган мажлисларида тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этдилар. Бу соҳалардаги муаммолар ва камчиликлар айтиб ўтилди, тавсиялар берилди ва Қонунчилик палатасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ҳисобот даврида депутатлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига парламент сўрови йўллаш ҳуқуқидан мунтазам равишда фойдаланишди. Чунончи, Ўзбекистон

«Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг ташаббусига кўра Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг кимё саноатида инновация фаолияти масалаларига доир ахборот олиш мақсадида «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси раиси Ғ.И.Ибрагимовга парламент сўрови йўллади.

2009 йил 4 ноябрда Қонунчилик палатаси ушбу компания ва унинг йирик корхоналари раҳбарлари иштирокида Ғ.И.Ибрагимовнинг «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг инновацион фаолияти тўғрисида»ги ахборотини муҳокама қилди. Умуман олганда, тармоқдаги ҳамда республика кимё саноати муайян корхоналаридаги ишларнинг аҳволи атрофлича муҳокама этилди. Бунда депутатлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини ҳисобга олган ҳолда тармоқни ривожлантириш истиқболларига ҳамда иш билан таъминлаш, экология хавфсизлигига ва фаннинг энг янги ютуқларидан фойдаланишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий дастурларни бажариш заруратига алоҳида қизиқиш билдирдилар.

Депутатлар ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этишга доир белгиланган чора-тадбирларни сўзсиз бажариш, кимё саноати корхоналарини жадал барпо этиш ва маҳсулотларнинг янги турларини чиқариш муҳимлигини таъкидладилар. Шу муносабат билан 2009–2014 йилларга мўлжалланган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш лойиҳаларининг оғишмай амалга оширилиши зарурлиги таъкидланди. Муҳокама якунлари бўйича Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сиёсий партиялар фракциялари аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришга катта эътибор қаратдилар. Жойларда бўлиб ўтган учрашувлар ва суҳбатлар чоғида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилди, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, парламент ҳамда фракцияларнинг ўтган даврдаги иши тўғрисида ахборот берилди.

Умуман олганда, депутатлар корпусининг сайловчилар билан олиб борган тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган иши жойларда Ҳукумат қарорлари, Президент фармонлари, қабул қилинган қонунлар ижросини янада батафсилроқ ўрганиш, бу ишга маҳаллий партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг депутатларини жалб этиш имконини берди. Учрашувлар, жойлардаги муҳокамалар сайловчиларни ташвишлантираётган қатор масалаларни Қонунчилик палатасининг кўмиталари даражасида жиддий ўрганишга хизмат қилди. Бир қатор аниқланган муаммолар кўмиталарнинг назорат тадбирларига асос қилиб олинди.

Ўтган беш йиллик даврда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши 82 та мажлис ўтказди. Уларда Қонунчилик палатасининг иш режалари ва мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари муҳокама қилинди, палата фаолиятини ташкил этишга доир бошқа масалалар кўриб чиқилди. Чунончи, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йукунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларидан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида»ги масалалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг 4 та қўшма мажлиси ўтказилди. Чунончи, 2008

йил 3 ва 10 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Сенати Кенгашининг қўшма мажлисларида «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг вазифаларини амалга ошириш учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги масалалар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг таркиби муҳокама қилинди.

Қонунчилик палатасининг беш йиллик давридаги фаолияти оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилди. Сиёсий партиялар фракцияларининг, палата кўмиталари ва Девонининг фаол ишлаганлиги ана шунга хизмат қилди. 2005 – 2009 йилларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган Қонунчилик палатасининг иши билан боғлиқ мақолалар, чиқишлар ва суҳбатларнинг умумий сони қарийб 10 мингтани ташкил этди. «Халқ сўзи» газетасида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси»да рукни остида ҳар ҳафтада материаллар бериб борилди.

Қонунчилик палатаси депутатлари қабул қилинган қонунлар юзасидан ўз шарҳлари билан телевидение орқали чиқиш қилдилар, фуқароларнинг саволларига жавоб бердилар. Қатор телекўрсатувларнинг мазмуни парламент фаолияти янгиликлари ҳамда мажлислар залидан берилган репортажлардан иборат бўлди. Бундан ташқари, Ўзбекистон телевидениесида «Парламент вақти», «Парламент соати» кўрсатувлари эфирга мунтазам чиқиб турди.

Қонунчилик палатаси депутатларининг ишига бағишланган махсус материаллар партия нашрларида, идоравий, вилоят, туман ва шаҳар

газеталарида мунтазам равишда эълон қилиб борилди, шунингдек ЎЗА, «Туркистон пресс», «Жаҳон» ахборот агентликлари, «Regnum» ва «Тренд» чет эл ахборот агентликлари томонидан ёритилди.

Аҳоли билан олиб бориладиган тушунтириш ишларида ахборот технологияларидан фаол фойдаланиш мақсадида Қонунчилик палатасининг веб-сайти модернизация қилинди. 2008 йил сентябрь ойида порталнинг янги серияси ишга туширилгач депутатларнинг зарур ахборотни тарқатиш ва олиш, парламент қўйи палатасининг фаолияти тўғрисидаги жамоатчилик фикрини мониторинг қилиш бўйича функционал имкониятлари анча кенгайди. Веб-сайтнинг янги версиясида Қонунчилик палатасининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, ратификация қилинган халқаро шартномалар, қонун лойиҳаларининг қўмиталарда, Қонунчилик палатаси ва сиёсий партияларнинг фракциялари йиғилишларида ўтказилган муҳокамалар тўғрисидаги ахборот, Қонунчилик палатасининг давлат органлари, жамоат ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар уч тилда (ўзбекча, русча, инглизча) мавжуддир.

2005–2009 йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари томонидан тўпланган тажриба ҳамда мазкур ҳисобот кейинги чақириқ депутатларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, мустақил Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини, келажаги буюк тараққий топган демократик давлатни барпо этиш борасида улар олдида қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этишларига ёрдам бериши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, партияларнинг парламент фракцияларидан кенг ва самарали фойдаланиш ижтимоий ҳаётда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини ошириш, жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш орқали жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишга самарали хизмат қилади.

3.2. Партия фракцияларининг қонун ижодкорлигида қатнашуви ва уни жамоатчиликка етказиш усуллари.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач ўтиш даврининг хусусиятларини, халқимиз табиати, анъаналари ва одатларини ҳисобга олган ҳолда ўзимизга хос ва мос қонун яратиш механизмини ишлаб чиқиш имкониятлари пайдо бўлди. Айниқса, икки палатали парламентга ўтганлигимиз билан ушбу жараён янада фаоллашди. Аввало, қонун тайёрлаш ишида жамоатчиликнинг кенг қатнашуви сиёсий партиялар фракциялари орқали амалга оширилади ва бу миллий қонунчилигимизнинг ўзига хос томонларидан биридир. Жамоатчилик қандай қатнашади? Ўзбекистон Республикасида қонун тайёрлаш жараёни бугунги кунда шартли равишда қуйидаги бешта асосий таснифдан иборат: 1) қонунчилик ташаббуси; 2) қонун лойиҳасини, яъни концепциясини муҳокама қилиш; 3) қонунни биринчи, иккинчи, учунчи ўқишда қабул қилиш; 4) қонунни Сенат муҳокамасига жўнатиш; 5) эълон қилиш (халққа етказиш).¹

Бешинчи йўналишнинг ўзи жамоатчилик билан алоқаларда парламент депутатлари ўзига хос услубга эгаллигини ифода этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қонун чиқариш жараёни ҳуқуқий томондан қаттиқ тартибга солинган. Унинг асосий тамойиллари ва тартиб - қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциянинг 82-моддасига мувофиқ эса қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига - Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти. 6-боб, 62-модда, 8-банди.

Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.¹

Ўз қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни парламентга киритиш имкониятига эга бўлган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг таркиби кенглиги қонун яратиш учун умумий демократик асосни, бу жараёнга жамият вакиллари кенг жалб этиш бўйича ҳақиқий шарт-шароитни вужудга келтиради.

Мутахассислар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, уларнинг нуқтаи назарини эътиборга олиш эса қонунларнинг мукамал бўлишига кўмаклашади.

А) Қонун ижодкорлиги. Бугунги кунда қонун яратиш ишига сиёсий фракциялар ва блоklar томонидан кўрсатилаётган таъсирни эътиборга олиш зарур. Гарчи фракциянинг ўзи қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаса-да, қонун яратиш тамойилининг ишлаб туриши ва такомиллаштирилишини таҳлил этишда уларнинг фаолиятини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Чунки уларнинг орқасида кенг жамоатчилик – сиёсий партиялар фаолият кўрсатапти. Фракция йиғилишларида депутатлар муҳокама қилинаётган қонунлар лойиҳаси юзасидан мунозараларда сўзга чиқадилар ва тегишли партиянинг фикру қарашларини тарқатадилар. Бешта партия фракциясининг бундай фаол ишлаш жараёни жамиятда мурасага эришишга, эҳтимол тутилган салбий ижтимоий кўринишларнинг олдини олишга кўмаклашади.

Шунингдек, ҳар бир қонун тайёрланаётганда мутахассислар ва тегишли ташкилотларнинг фикрлари эътиборга олинади. Улар билан биргаликда ишланади. Ҳар бир қўмитанинг ҳузурида экспертлар гуруҳи фаолият олиб борапти. Жамоатчилик асосида ишлайдиган бу гуруҳ тажрибали олим ва малакали мутахассислардан иборатдир. Улар томонидан ҳам қонунларнинг моҳиятини тушунтириш бўйича талай

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 82-модда, Тошкент. “Ўзбекистон”. 2008 йил.

ишлар амалга оширилади. Ишчи гуруҳлар таркибида тажрибали мутахассислар ва экспертларнинг иштирок этганлиги амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан асосли таклифлар тайёрлаш имкониятини беради.

Бугунги кунда икки палатали парламент шароитида қонунларни қабул қилиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш янада такомиллашяпти. Жамоатчилик билан алоқалар янада кучаймоқда. Чунки, парламентимизнинг қуйи, яъни Қонунчилик палатаси қонунларни умумдавлат манфатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб қабул қилса, юқори палата ҳар бир лойиҳани маҳаллий манфаатларни, яъни ўзи билан ишлаётган жойдаги халқ манфатларини ҳисобга олган ҳолда ўз тафаккуридан ўтказди. Аслида қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг мазмун ва моҳияти ҳам ана шундан келиб чиқади. Ушбу фаолиятга партияларнинг фракциялари катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Қонун лойиҳалари муҳокама қилинаётганда депутатлар катта фаоллик кўрсатдилар, улар энг майда тафсилотларгача синчиклаб ўрганиб, ишлаб чиқувчилар, мутахассислар ва ихтисослашган қўмиталардан батафсил ва далил-исботли жавобларни талаб қилдилар. Палата, қўмиталарнинг, фракцияларнинг ва қонунларни тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлари мажлисларига вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг раҳбарлари, тегишли ихтисосликдаги мутахассислар таклиф этилди. Депутатлар уларнинг қонун лойиҳалари муҳокамаси чоғида билдирган фикр ва мулоҳазаларини диққат билан эшитдилар. Бундан ташқари, қабул қилинган қонуннинг жойларга етказилиши устидан назорат қилиш қўмиталар каби фракцияларнинг ғоят муҳим вазифаси бўлди. Бу масалада қўмиталар каби фракциялар ҳам ҳукуматга қўмаклашди.

Киритилган деярли барча қонун лойиҳалари бўйича мазкур соҳадаги ҳуқуқий майдон, ишларнинг аҳволи тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш, камчиликларни ва ҳал этиш талаб қилинадиган муаммоларни аниқлаш мақсадида мутахассислар жалб этилган ҳолда давра суҳбатлари ташкил

этилди. Лойиҳаларни пухта ишлаб чиқиш, ўз қарашларини киритиш ва ҳуқуқий нормаларни талқин қилиш, халқаро ҳуқуқ нормаларига ва бошқа мамлакатларнинг тажрибаларига таққослаш депутатлар профессионал фаолиятининг ўзига хос хусусияти бўлди. Натижада иккинчи ва учинчи ўқишларда лойиҳа матнининг анча мукаммал бўлишига эришилди, қонунчилик ташаббуси субъекти томонидан тақдим этилган матнни, қонун нормаларини қайта ишлаш кўпинча 70 – 80 фоизга етди. Бу албатта, фракция аъзолари-депутатларнинг жамоатчилик билан ишлагани, уларнинг фикр ва мулоҳазаларини олганлиги туфайлидир.

2005 – 2009 йилларда Қонунчилик палатасининг 107 та мажлиси ўтказилиб, уларда 256 та қонун қабул қилинди ва Сенатга юборилди. Бундан 229 таси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди ва кучга кирди. Ана шу қонунларнинг ҳар бирини сийсий партиялар ўз фракцияларининг йиғилишларида муҳокама қилиб ўз позициясини билдиришган. Уларни ўзларининг вилоят, туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлари орқали кенг тарғиб -ташвиқ қилишди. Таъбир жоиз бўлса, ҳар бир депутат ПР агенти функциясини бажаради.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижро этилиш жараёни тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш бесамар кетмайди. Парламентдаги фракциялар беш йил давомида Давлат бюджетини қабул қилиш ҳамда унинг ижро этилиш жараёни тўғрисидаги йиллик ва ҳар чораклик ҳисоботларни кўриб чиқишга алоҳида эътибор берди. Чунки Қонунчилик палатасига олиб чиқишдан олдин ушбу ҳисоботлар сиёсий партияларнинг фракциялари назаридан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳукуматнинг барча аъзолари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳасини – «Бюджетнома»ни ҳар йили тақдим этиш «Бюджет сиёсати тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ амалга оширилади. «Бюджетнома»га

мунтазам Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг эксперт хулосаси тақдим этилади.

Қонунчилик палатаси, унинг қўмиталари ва сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида депутатлар умуман асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини, навбатдаги давр учун мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини батафсил муҳокама қилдилар, мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлашини, уни структуризация қилишни, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини технологик жиҳатдан янгилашни, хўжалик юритувчи субъектларни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини изчил камайтириб бориш, инвестиция муҳитини яхшилаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолини аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни назарда тутишига эътибор қаратдилар. Муҳим ижтимоий муаммоларни, биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги муаммоларни ҳал этишга қаратиладиган давлат харажатларининг улушини ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Умуман олганда, ижтимоий соҳа харажатлари учун, яъни соғлиқни сақлаш, маориф, маданият ва спорт ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга ҳар йили Давлат бюджети умумий харажатларининг 50 фоиздан зиёди йўлланди ва бу рақам йилдан йилга ортиб борди. Депутатлар яъни фракция аъзолари сайловчилар билан учрашувларда ушбу янгиликларни аҳолига етказдилар. Шунингдек уларнинг таклиф ва истакларини ҳамиша эътиборга олдилар.

«Сихат-саломатлик йили», «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», «Ижтимоий ҳимоя йили», «Ёшлар йили», «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» каби давлат дастурларини амалга оширишни молиялаштиришни таъминлаш масалалари фракция аъзолари-депутатларнинг диққат марказида бўлди. Масалан, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастурини амалга ошириш жараёнида қишлоқларни

зарур энергетика ресурслари билан узлуксиз ва кафолатли таъминлаш учун 270 млрд.сўмдан ортиқ маблағни сарфлаш назарда тутилди.

Давлат бюджетининг ижросига доир йиллик ва ҳар чорақлик ҳисоботларни Қонунчилик палатасининг мажлисларида эшитиб бориш шунинг кўрсатдики, Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари тасдиқланган параметрларга мувофиқ мақсадли фондлар билан бирга, яъни мамлакатни стратегик ривожлантириш, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни демократлаштиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ижро этиб борилган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида бюджет параметрларининг ошириб бажарилишига муваффақ бўлинди.

Ҳисоботларни эшитиш якунлари юзасидан қабул қилинган қарорларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида иш олиб борилиши лозим бўлган камчиликлар ва имкониятлар кўрсатиб ўтилди, тегишли тавсиялар берилди, уларнинг ижроси назоратга олинди. Бу ишда сиёсий партиялар фракцияларининг ҳам ҳиссаси бор. Чунки, фракция аъзолари сайловчилар билан учрашувда ушбу фаолиятни тарғиб-ташвиқ қиладилар. Бу ҳам сиёсий партияларнинг жамоатчилик билан алоқаларининг ўзига хос бир йўлидир.

Б) Фракцияларининг назорат-таҳлилда иштироки.

Нazorat-таҳлил нима ўзи? Қонунчилик палатаси кўмиталари мавжуд қонунларнинг ҳаётга қай даражада тадбиқ этилаётганини, халқимизга қай даражада сингаётганлигини назорат-таҳлил фаолияти орқали ўрганишади. Ҳаётда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини оширишга, жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлашга ва, шу билан бир қаторда, жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш мақсад ҳамда вазифаларининг самарали амалга оширилишига хизмат қилади. Бу фаолиятда сиёсий партияларнинг фракциялари ҳам фаол қатнашадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўзининг “Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамыз” китобида шундай деб таъкидлаган эди: “Яна такрор айтаман: агар жамият назоратини ташкил

эта олмасак, яъни жойларда давлат идоралари устидан жамоатчиликнинг назоратини ўрнатишга эришолмасак, бундай нохуш ҳолатларни таг-томири билан тугатишнинг имкони бўлмайди. Бу касаллик, бу балога қарши курашишнинг бундан бошқа йўли йўқ”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов кейинчалик бу фикрини янада ривожлантириб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида шундай дейди: “ Парламент – бу жамият ҳаётини ойнадек яққол акс акс эттирадиган кўзгу. Бинобарин, жамиятда қандай интилиш, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги муҳокама ва мунозараларда ўз ифодасини топиши керак. Ана шунда парламент халқнинг хоҳиш иродаси, эзгу мақсадларини мужассам эта олади. Шундан кейин одамлар бундай қонунчилик ҳокимиятига ишонади.”²

...Бизнинг олдимизда турган яна бир масала – қабул қилинган қонунларимиз ижросини таъминлашдан иборат. Маълумки, қонун ижросини Ҳукумат амалга оширади. Унинг асосий вазифаси қонунларни сўзсиз ижро этишдир. Қонунлар сўзсиз бажарилгандагина биз ҳуқуқий давлат куришимиз мумкин. Сиз, мухтарам депутатлар, қонунларни қабул қилар экансиз, уларнинг ижроси билан ҳам қизиқишингиз, керак бўлса, тегишли мутассадди раҳбарлардан, биринчи навбатда, ижро ҳокимиятидан шуни талаб қилишингиз лозим”³.

Юртбошимиз И.Каримов – “ Бўлғуси депутатларимиз ўз сайловчиларини ва эл-юрт олдидаги бурчини муносиб равишда бажариш учун аввало, ўзларини халқ ноиблари сифатида ҳис этган ҳолда, мамлакатимиздаги барча ислохот ва янгиланиш жараёнларини ўз назоратига олиб, давлат ижро ҳокимияти вазифасида ўтирганларнинг қонун чегарасидан чиқмаслигини қаттиқ кузатиб турса, ўйлайманки,

¹ И. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 6-жилд. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1998 йил. Б-153.

² И. Каримов. “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”, 13-жилд. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2005 йил. Б-171.

³ И. Каримов. “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”, 13-жилд. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2005 йил. Б-171-172.

сайловчиларимизнинг, халқимизнинг талабига муносиб жавоб берадиган иш бўлади,” – деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида.¹

Қонунчилик палатасининг кўмиталари 2005–2009 йилларда қонун ҳужжатлари, конвенциялар, миллий дастурларнинг ижро этилишини назорат қилиш тартибида 229 та масалани кўриб чиқди

Партия фракциялари аъзолари ҳам ушбу назорат-таҳлил фаолиятида фаол қатнашадилар.

Қонунчилик палатаси фракцияларининг ташаббуси билан вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралари раҳбарларининг улар томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотларини эшитиш амалиётидан фаол фойдаланадиган бўлдилар. Буларнинг бари матбуотда, сиёсий партияларнинг нашрларида кенг ёритилди. Бу фаолият ҳам сиёсий партияларнинг ўз фракциялари орқали жамоатчилик таъсирини ўтказишга интилишининг бир тури десак бўлади.

В) Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ва сиёсий партияларнинг ҳисоботларини кўриб чиқиш.

Қонунчилик палатаси шунингдек фракциялар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни ҳар йили эшитиб боради. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашда кўмаклашиш омбудсманнинг устувор вазифаларидан биридир. Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) халқаро ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти чет эл омбудсманлари, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотлар билан алоқаларни чуқурлаштириш, шунингдек инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича халқаро

¹ И. Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд, Тошкент. “Ўзбекистон”. 2005 йил. Б-111.

анжуманларда иштирок этиш, халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари, чет мамлакатлар омбудсманлари ҳамда чет эл фуқароларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили 115 дан ортиқ расмий делегациялар, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларини қабул қилиб боради. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ҳисоботи Қонунчилик палатасига чиққунгача аввало партия фракцияларида уларнинг назаридан ўтказилади.

Қонунчилик палатасининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботлари ҳам мунтазам равишда эшитиб борилади. Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси ҳар йили келгуси йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ва Давлат бюджетининг параметрларига доир хулосаларни тақдим этади. Иш режасига мувофиқ ўтказилган текширишлар ва назорат тадбирлари жараёнида аниқланган камчиликлар ва молиявий қоидабузарликлар юзасидан айбдор шахсларга нисбатан чоралар кўриш ҳамда Давлат бюджетига келтирилган зарарларнинг ўрнини қоплаш бўйича кўрсатмалар берилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ҳисоботларининг муҳокамаси якунлари юзасидан Қонунчилик палатасининг тегишли қарорлари қабул қилинади. Фракция аъзолари сайловчилар билан учрашувларда ушбу масалаларни шарҳлаб боришади. Бу йўналиш ҳам партия фракциялари орқали жамоатчиликка кўрсатиладиган таъсирнинг бир усулидир.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Қонунчилик палатаси томонидан сиёсий партияларнинг ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботлари ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинади. Ушбу фаолият ҳам жамоатчиликка етказиб борилади.

Ушбу ҳисоботларни тинглаш, ўрганиш бесамар кетмайди. У жамоатчиликка етказилади. Сайловчилар ҳаётда муаммоли вазиятга тушганида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ташкилот мавжудлигини билиб олади. Бюджет ташкилотлари Ҳисоб палатаси борлигини,

давлатнинг ҳар бир тийинини жой-жойига қўйиш лозимлигини яна бир марта кўнглидан ўтказди. Албатта уни депутатлар сайловчилар билан учрашувда жойларда шархлашади. Хуллас, жамоатчиликка мулоқотлар учун имкониятлар яратилади.

Г) Сиёсий жараёнларни жамоатчиликка етказишда тадбирларнинг ташкил этилиши ва ОАВларида ёритилиши.

Парламентдаги партия фракцияларининг жамоатчилик билан алоқалари асосан қонунларнинг тарғиботи ва ташвиқоти босқичида амалга ошади. Ташвиқотлар уч йўналишдан иборат: тадбирлар (конференция, семинар, давра суҳбатлари) ҳамда провард натижада ушбу тадбирларнинг ОАВда ёритилиши ва депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари

Тадбирлар - (конференция, семинар, давра суҳбатлари)

Парламентдаги партия фракциялари жамоатчилик билан мунтазам алоқада бўлиш учун турли конференция, семинар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказди. Бу тадбирларда республикадаги манфаатдор давлат идораларининг раҳбарлари ва ходимлари, турли нодавлат ташкилотларнинг вакиллари, олимлар, чет эллик мутахассислар ва экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари фаол иштирок этадилар. Шу йўл билан депутатлар жамоатчилик фикрини ўрганадилар, етакчи мутахассислар билан тажриба алмашадилар.

Қонунлар мазмун-моҳиятини халққа етказиш учун, қонунларда фуқаролар ҳақ-ҳуқуқи, мамлакат миллий манфаатлари акс этаётганлигини халққа тушунтириш учун оммавий ахборот воситаларида депутатлар томонидан чиқишлар уюштирилади. Халқ хоҳиш-иродаси, интилишлари, фикр ва қарашлари, шикоят ва дардлари билан ўртоқлашиш, муаммоларига кулоқ тутиб, ҳал этиб бериш мақсадида сайловчилар билан мунтазам учрашувлар ўтказилади, фуқаролар билан учрашувлар ташкиллаштирилади, ёзма ва оғзаки аризаларига жавоб берилади. Сиёсий партияларда паблик рилейшнзнинг мавжудлигини шу билан исботлаш мумкинки, фуқаролардан келган

шикоятларни, мавжуд муаммоларни партиянинг парламентдаги вакиллари-депутатлар атрофлича ўрганиб чиқиб, тегишли мутассадди идораларга мурожаат қилиб, имкон борича масалани ижобий ҳал этишга ҳаракат қилдилар. Зеро, паблик рилейшнзнинг вазифаси ҳам омма муаммоларини ҳал этиш, жамоатчилик ва маълум ташкилотлар ўртасида илиқ муносабатни йўлга қўйиш, ижобий муҳит яратиш ҳисобланади.

Конференция, семинар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларда қонунлар лойиҳаларининг концепциялари муҳокама қилинди, мамлакатимиз ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий соҳаларидаги ўзгаришларнинг назарий ҳамда амалий жиҳатлари кўриб чиқилади. Бу тадбирлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг, турли ноҳукумат ташкилотларининг вакиллари, тегишли ихтисосликдаги экспертлар, ОАВ вакиллари иштирокида ўтказилади.

Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракциясининг жамоатчилик билан алоқалари мисолида кўриб чиқайлик. 2006 йил давомида фракция юзлаб семинар, конференция, давра суҳбатлари каби тадбирлар ўтказди. Бу тадбирларда республикадаги манфаатдор давлат идораларининг раҳбарлари ва ходимлари, турли нодавлат ташкилотларнинг вакиллари, олимлар, чет эллик мутахассислар ва экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари фаол иштирок этдилар.

Бу жуда катта дадил қадамлар бўлиб, уларни изчил давом эттириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишини таъминлаш, иқтисодий ислохотларни кучайтириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш «Адолат» СДП фракциясининг фаолиятида устувор йўналишлар, деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси фаолиятини тасдиқланган иш режаси асосида олиб боради.

- Фракция

йиғилишларида кун тартибига

киритилган барча қонун лойиҳалари бўйича қизғин муҳокамалар ўтказилади, зарур ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрланади ҳамда «Адолат» СДП фракциясининг позицияси аниқлаб олинади. Қонунчилик палатасининг мажлисларида муҳокама қилинаётган ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича музокараларда қатнашиш таъминланади. 2007 йил давомида фракция тарафидан 44 та қонун лойиҳаси бўйича 120 дан зиёд таклифлар тайёрланди ва тегишли қўмиталарга тақдим этилди, жумладан: “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасига; “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарорига; “Пенсия маблағларини фуқароларнинг жамғарма ҳисоҳисоб варақларида яқка тартибда жамғариш таъминланишига асосланган пенсия тизимининг янги қўшимча механизмининг жорий этиш тартиби тўғрисида” ги қонун лойиҳасига; “Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонни ҳозирги кунда пенсияда бўлган фуқароларга қўллаш амалиёти” бўйича мутахассислар билан маслаҳатлашиб тадбирлар уштириб таклифлар тайёрланади.

2007 йил 16 февраль куни Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракциясининг Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети билан ҳамкорлигида “Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг янги босқичлари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси раҳбари Дилором Тошмуҳамедова сўзга чиқиб, мазкур қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши юртимизда фуқаролик жамияти асосларини барпо этишга, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлашга, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги нуфузи ва

таъсирини оширишга қаратилган демократик ислохотларнинг мантиқий давоми эканлигини таъкидлаб, бу сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини кучайтиришда, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этишини айтиб ўтди.

Тадбирда қатнашган Қонунчилик палатаси депутатлари ва университетнинг профессор–ўқитувчилари юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг сиёсий жабҳада амалга оширилаётган демократлаштириш жараёнларини таҳлил қилиб, бунда Республика Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси билан киритилган Конституциявий қонунларнинг ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб бердилар.

Худудий марказларда ўтказилган семинар-кенгашлар ўзининг бир қатор жиҳатлари билан бир-биридан фарқланди. Мисол учун, Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари анжуманида “Адолат” СДПнинг давлат ва жамият қурилишидаги роли ва аҳамиятини тубдан кучайтириш бўйича амалий вазифалар тўғрисидаги дастур асосида берилган нафақалар, пенсиялар ва бошқа ижтимоий тўловларни амалга оширишдаги муаммоларни ҳал этиш масаласи таҳлил қилиниб, уларни амалга ошириш механизми ҳақида келишиб олинди.

Қарши шаҳрида ўтказилган анжуманда эса партиянинг вилоятдаги маҳаллий депутатлари ҳудуддаги мавжуд ижтимоий муаммолар, аҳолининг долзарб ўй-ташвишлари ҳақида сўз юритиб, бу муаммоларни ҳал этиш учун вилоятдаги партия ташкилотлари нима ишлар қилиши кераклиги ва Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан қандай ёрдам кўрсатилиши зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Навоий шаҳридаги семинар-кенгашда партия фаоллари аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш, оналик ва болаликнинг ҳамда оиланинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масалаларига асосий эътиборни қаратдилар. 2007 йил мобайнида ҳамбарча фракция аъзолари ўз қўмиталари томонидан ташкил этилган 10 та қонуннинг назорат-таҳлил текширувларида фаол қатнашиб келдилар: 2007 йил февраль ойида

Андижон вилоятида “Давлат чегараси тўғрисида”ги қонуннинг, 2007 йилнинг октябрь ойида Хоразм вилоятида “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонуннинг ижро этилиши; 2007 йил февраль ойида “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Жиззах вилоятидаги ижро этилиши; 2007 йил феврал ойида “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Жиззах вилоятидаги ижро этилиши; 2007 йил апрель ойида “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Навоий вилоятидаги ижро этилиши ўрганилди.

Фракция фаолияти мунтазам равишда матбуот, телевидение, радио орқали ёритиб борилмоқда, турли интервьюлар уюштирилади. Жумладан, фракция аъзолари Ўзбекистон телевидениесининг биринчи каналида, «Ёшлар», «Пойтахт», “NTT” каналларидаги «Ахборот», «Парламент соати», «Таҳлилнома», «Давр», «Пойтахт», «Ҳамшаҳарлар» ва бошқа кўрсатувларида, “Машъал», «Ёшлар», «Ўзбекистон» радиоканалларида интервьюлар билан иштирок этишди.

Фракция аъзолари 2007 йилда газеталарда 80 ортиқ мақолаларни чоп этишди. Жумладан:

Д.Тошмухамедова “Тараққиётнинг янги босқичи”¹, “Аёл ҳуқуқи ва манфаати”² мақоласи, Х. Маматовнинг “Сиёсий ислохотларнинг янги босқичи”³ мақоласи, “Барқарор демократик тараққиёт гарови”⁴ мақоласи чоп этилди.

Бундан ташқари, «Халқ сўзи», «Народное слово», “Адолат” «Мир новостей», «Налоговые и таможенные вести», “Uzbekistan today”, “Жамият”, “Ишонч” газеталарида, «Ўзбекистон матбуоти», “Моҳият”, “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журналларида ҳам фракция

¹ “Адолат” газетаси. 7 сентябрь 2007 йил.

² “Адолат” газетаси. 2 март 2007 йил.

³ “Халқ сўзи” газетаси. 8 август 2007 йил.

⁴ “Адолат” газетаси. 14 сентябрь 2007 йил.

аъзолари фаолияти тўғрисида интервьюлар ва депутатларнинг мақолалари бериб борилди.

Шу билан бир қаторда Интернетдаги партия сайтида (www.adolat.uz) мунтазам равишда фракция ҳаётидан турли хил маълумотлар ёритилиб келинди. Яъни, сайтнинг барча саҳифаларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва халқаро майдонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеаларга фракциянинг муносабати, қонунчилик соҳасида ишлаб чиқилган тавсиялар ва таклифлар, ташкил этилаётган тадбирлар ва бошқа турли ахборотлар бериб борилди. Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси томонидан 2008 йилда 12 тадбирлар ташкил этилди. Жумладан:

2008 йил 20 февраль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси томонидан Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабалар турар жойи “Маънавият ва маърифат” хонасида “Миллий ғоя ва миллий матбуот” мавзусидаги талабалар ва ўқитувчилар иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

2008 йил 10 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси, “Адолат” СДП Қашқадаре вилоят кенгаши ҳамда “Камолот” ЁИХ Қашқадарё вилояти Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарорида белгиланган тадбирлардан келиб чиқадиган вазифалар” мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

2008 йил 12 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси Тошкент шаҳридаги. Талабалар шаҳарчаси Маънавият ва маърифат марказида “Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари: ҳолати ва истиқболлари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

2008 йил 19 апрель куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси ҳамда Сурхандаре вилоят

кенгаши билан биргаликда “Ёшлар йили” Давлат дастурига бағишланган тадбир Жаркўрғон тумани Саноат касб-ҳунар колледжиди ўтказилди.

2008 йил 30 май куни “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши қошидаги “Ёш адолатчилар” Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарининг мазмун-моҳиятига бағишланган тадбирни ўтказди.

Фракция фаолияти мунтазам равишда матбуот, телевидение, радио орқали ёритиб борилди, турли интервьюлар уюштирилади. Чиқишларда фракция аъзолари мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотлар, модернизация, ахборот-коммуникация технологиялари ривожининг ҳуқуқий асослари, сиёсий жараёнлар, жамият ҳаётида сиёсий партиялар ролининг ошиб бориши, жамоат назорати, “Адолат” СДП фаолияти, ОАВ фаолиятини янада ривожлантириш, И. Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” китоби, мустақилликнинг йилликлари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллиги каби мавзуларда телевидение ва радиода, турли газета ва журналларда жами 158 дан ортиқ чиқишлар, интервьюлар, мақолалар чоп этилди.

2009 йилнинг олти ойи давомида фракция тарафидан 30 дан ортиқ қонун лойиҳалари бўйича 120 дан ортиқ таклифлар тайёрланди ва тегишли қўмиталарга тақдим этилди.

Шунинингдек, фракция аъзолари оммавий ахборот воситаларида ҳам Конституциявий қонун лойиҳалари бўйича ўз мақола ва интервьюлари билан 20 дан ортиқ чиқишлар қилишди.

Фракция фаолияти мунтазам равишда матбуот, телевидение, радио орқали ёритилди, турли интервьюлар уюштирилди. Жумладан, фракция аъзолари Ўзбекистон телевидениесининг биринчи каналида, «Ёшлар», «Пойтахт», «Ахборот», «Парламент соати», «Таҳлилнома», «Давр», «Пойтахт», «Ҳамшаҳарлар» ва бошқа кўрсатувларида, “Машъал»,

«Ёшлар», «Ўзбекистон» радиоканаллари, вилоятлар оммавий ахборот воситаларида турли масалалар юзасидан олти ойда 200 га яқин интервьюлар билан иштирок этишди.

«Адолат» газетасида доимо фракция фаолиятига оид кўплаб ахборотлар бериб борилади, фракция аъзолари тарафидан мақолалар чоп этилди. Бундан ташқари, «Халқ сўзи», «Народное слово», «Мир новостей», «Налоговые и таможенные вести», “Uzbekistan today”, “Жамият”, “Ишонч” газеталарида, «Ўзбекистон матбуоти», «Экономическое обозрение», “Олий Суд Ахборотномаси”, “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари”, “Фармацевтический журнал” журналларида ҳам фракция аъзолари фаолияти тўғрисида 40 дан зиёд мақола, интервьюлар берилди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг жамоатчилик билан алоқалари доирасидаги фаолиятини кўриб чиқайлик.

Фракция аъзолари кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижросини ўрганиш юзасидан ўтказилган 65 та назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширдилар ва назорат-таҳлил фаолиятининг хулосаларидан келиб чиқиб, қонунчилик

ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда қатор қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга муваффақ бўлдилар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлисига олиб чиқдилар. Булар, албатта, кенг жамоатчилик, партия бошланғич ташкилотлари кенгашлари билан ҳамкорликда кенгайтирилган йиғилишларда кўриб чиқилади.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси томонидан 2005 – 2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ялпи йиғилишлари кун тартибидаги масалалар юзасидан 3 мингга яқин фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди. Шунингдек, фракция аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ялпи йиғилишларида давлатимизнинг ташқи ва ички сиёсати, жамиятимизни

демократлаштириш ва модернизациялаш, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий соҳалардаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, инсон ҳуқуқларини химоя қилиш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга оид муҳокама қилинган масалалар юзасидан принципиал позициялар билдирилди. Фракция томонидан ўтган йиллар давомида 142 марта йиғилиш ўтказилди. Йиғилишларда асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи йиғилишининг муҳокамасига киритиладиган қонун лойиҳалари ва масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, йиғилишларда мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётига молик ҳамда партия фаолияти билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама этилди.

Ўтган беш йиллик даврда фракция аъзолари томонидан жойларда конференция, семинар, давра суҳбатлари ва бошқа шаклларда 3000 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди.

Шунингдек жамоатчиликни янада кенгроқ қамраб олиш ниятида танловлар ҳам уюштирилди. “Донолик ва ташаббускорлик – сиёсий етакчилик мезони” мавзусидаги кўрик-танлов Мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрамига бағишлаб ўтказилган, хотин-қизларимизнинг ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий фаоллигини оширишга қаратилган муҳим сиёсий тадбир бўлди. Ушбу тадбир юртимиз хотин-қизларининг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини янада ошириш, жойлардаги сиёсий етук, иқтидорли хотин-қизларимизни танлаб, уларни партиянинг илғор етакчилари қилиб шакллантириш, аҳоли ўртасида соғлом демократия тафаккурини янада ривожлантириш, энг муҳими мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида воқеа ҳисобланган 2009 йилги сайловларга пухта тайёрганлик кўриш мақсадида ташкил этилди.

Кўрик танлов 2 ой давомида дастлаб мамлакатимизнинг барча туманларида, сўнгра ҚҚР, Тошкент шаҳри ва вилоятларида бўлиб ўтди. Ушбу кўрик - танловнинг туман, вилоят, Республика босқичларида минглаб аёллар фаол қатнашдилар. Бу тадбир партия нуфузини ошириш

билан бирга хотин- қизларнинг дунёқарашини кенгайтиришга муносиб замин яратди.

Депутатларнинг матбуотда чиқишларига мисол тариқасида Акрам Жумаевнинг «Қонунчилик палатасининг назорат-таҳлил фаолияти»¹ «Қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш муаммолари»², Р.Зарипованинг «Инсон манфаатлари – олий қадрият»³ «Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи»⁴, «Миллий қонунларимиз – юртимиз фаҳри»⁵, «Ахборот ҳафвсизлиги ва қонунчилик»⁶, «Тинчлик ва осойишталикнинг ҳуқуқий кафолати»⁷ «Сиёсий тизимни либераллаштириш»⁸ ва бошқаларни келтириш мумкин.

Раъно Зарипованинг «Сиёсий тизимни либераллаштириш» мақоласи Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Қонунчилик палатасига киритилган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳамда “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини тушунтириш ва тарғибот этиш масалаларига бағишланган.

¹ «Қалқон» журнали. 2006 йил апрель.

² «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси». 2006 йил 2-сон.

³ «Халқ сўзи» газетаси. 2006 йил 26 март.

⁴ «Соғлом авлод» газетаси. 2006 йил 32-сон.

⁵ «Миллий тикланиш» газетаси. 2006 йил 34-сон.

⁶ «Ўзбекистон матбуоти» журнали. 2006 йил 4-сон.

⁷ «Халқ сўзи» газетаси. 2006 йил 15 ноябрь.

⁸ «Жамият» газетаси. 2007 йил 9 февраль.

мақоласини эса “Ахборотлаштириш ва маълумотларни узатиш соҳасида содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасидан келиб чиқиб ёзилган.

Ушбу қонун лойиҳаси ахборотлаштириш ва маълумотларни узатиш соҳасида содир этиладиган қонунга хилоф ҳаракатларнинг олдини олиш ва бундай ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” деб номланган янги боб билан тўлдириш ҳамда Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди.

Р.Зарипова ушбу мақоласида ахборот хуружининг жамиятга салбий таъсирини, қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини очиб берган.

А.Жумаевнинг «Қонунчилик палатасининг назорат-таҳлил фаолияти»² мақоласини олиб кўрайлик. Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан “Қонунчилик палатаси ва унинг депутатлари томонидан парламент сўрови ҳуқуқини амалга ошириш масалалари” мавзусига бағишланган семинар ўтказилганлигини юқорида тилга олинган эди. Бу ҳақида газеталар хабар берди. А.Жумаев эса уни ўз мақоласида масалани бутун мураккаблиги билан тасвирлаб, муаммоларини депутатлар қандай ҳал этишга интилаётганлигини кўрсатиб беришга интилган. Дарҳақиқат, парламент сўровидан ўтган икки йилда парламент кам фойдаланган. Парламент сўрови дунёдаги парламентлар амалиётида кенг тарқалган назорат шакли бўлиб, унинг самарадорлигини ошириш ҳамда ишлаш механизмини кучайтириш ўта долзарб масалалардан биридир. Зеро,

¹ «Ўзбекистон матбуоти» журнали. 2006 йил 4-сон.

² «Қалқон» журнали. 2006 йил, апрель.

парламент назорати институти ва унинг парламент сўрови шакли бу шунчаки озчиликни хоҳиш-истаги эмас, балки кўпчиликнинг талаби эканлиги ва халқнинг давлат бошқарувидаги иштирокининг демократик кўринишларидан бири ҳамда депутатларнинг сайловчилар олдидаги маъсулиятидир.

Мамлакатимизда парламент назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда ҳар икки палатанинг тегишли иш регламентларида Қонунчилик палатаси ва унинг депутатлари давлат ҳокимиятига ва бошқарув органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови йўллашга ҳақлилиги, парламент сўровига жавобни тегишли мансабдор шахслар Қонунчилик Палатаси Мажлисларида ўн кун ичида беришлиги қонунларда расмий тарзда белгиланган.

Парламент назоратининг асл моҳияти унинг халқ номидан ва халқдан олинган ваколатлар асосида амалга оширилишидадир. Хўш, ундай бўлса нима сабабдан фаолият юрита бошлаганига икки йилдан ошишига қарамай, Олий Мажлис ва унинг палаталари “парламент сўрови” институтидан амалда деярли фойдаланмаяпти? Қонун лойиҳаларини тайёрлашда парламент сўрови ҳақида алоҳида норма мавжуд бўлса ҳам, бу институтнинг том маънодаги амалиётга тадбиқ этилиши деярли рўёбга чиқмаяпти. Бунинг асосий сабабларидан бири шуки, мазкур институт фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилган бўлса-да, амалда қўллаш билан боғлиқ масалалар етарли даражада очиб берилмаган. Бирон бир қонунда “депутат хати”, “депутат ёзишмалари”, “депутат мурожаати” тушунчаларининг моҳияти тушунтирилмаган. Ҳозирги парламент сўрови билан бир палатали парламент давридаги депутат сўровининг фарқи катта. Илгари фақат сессияларда депутат сўрови бериларди. Ҳозир бу институтнинг имконияти янада кенгайтирилди ва депутатлар истаган вақтида парламент сўрови бериш

хукукига эга. Демак, депутатнинг ҳар қандай мансабдор шахсларга бирон бир масала юзасидан мурожаат қилиши бу – депутат сўрови бўлиши керак. Бироқ, ушбу парламент сўрови билан депутат сўровининг фарқи кенг очиб берилмаган.

Мақолада амалдаги қонун ҳужжатларида парламент сўровига ўн кунлик муддатда жавоб йўллашнинг имкони бўлмаган тақдирда жавоб йўллаш масаласи қандай ҳал қилиниши лозимлиги ва парламент сўровига жавоб қандай ҳолларда рад этилиши мумкинлигига ҳақида сўз юритилади.

Мақолада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг регламентларидаги ушбу йўналишга дахлдор моддаларни янада такомиллаштириш ва халқаро тажрибаларни ўрганиш, ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг янада самарали йўллари излаб топиш, муаммолар ечими борасида депутатларнинг ўзи фикр-мулоҳазаларини билдириши кераклигига урғу берилган. Парламент назорати институтини такомиллаштириш замон талаблари даражасида олиб борилмаётганлигининг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари бўлиши мумкин. Тараққий топган жаҳон ҳамжамиятига муносиб аъзо бўлиш мақсадида парламентаризм замон талаблари асосида шакллантиришга бел боғландими, демак унинг фаолиятини самарали ишлаши учун нафақат қонун ижодкорлигини ҳукукий асослари такомиллаштирилиши, балки дунё парламентаризми тажрибалари асосида муваффақиятли қўллаб келинаётган парламент назорати институтини ривожлантириш ҳам талаб этилади.

Кўриб турганингиздек, кўмита ташкил этган конференциядаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб А. Жумаев мазкур масалани ўз мақоласида ҳар томонлама ёритишга интилан.

Энди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДПнинг жамоатчилик билан алоқаларини мисоллар ёрдамида кўриб чиқайлик. Фракция “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг

устувор йўналишлари, мақсадли вазифалари ҳисобга олинган ҳолда 2005 йилга ва келгуси йилларга мўлжалланган қонунчилик фаолияти дастури”нинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишида фаол иштирок этди. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, иқтисодий ислохотларни ривожлантириш, демократик жараёнларни чуқурлаштиришга қаратилган янги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича фракция томонидан 38 та таклиф киритилди.

Кейинги беш йил давомида фракциянинг 151 та мажлисида жами 560 та масала кўрилди. Қонунчилик палатаси мажлислари муҳокамасига киритилган барча қонунлар лойиҳалари фракция мажлисларида муҳокама қилиниб, улар бўйича фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

Фракция мажлисларида ХДП электорати манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга қатор қонунлар лойиҳалари бўйича махсус ишчи гуруҳлари тузилиб, фракциянинг асосланган таклифлари тайёрланди, палата мажлисларида улар бўйича чиқишлар қилинди. Хусусан, ХДП электорати манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган - “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”, “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”, “Ипотека тўғрисида”, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, “Микромолиялаш тўғрисида”, “Ҳомийлик тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”, “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари бўйича махсус ишчи гуруҳлари тузилиб, фракциянинг асосланган таклифлари ишлаб чиқилди, палата мажлисларида улар бўйича чиқишлар қилинди.

Фракция мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар кўриб

чиқилди. Уларда баён этилган қоида ва хулосалардан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланиб, жойларда йиғилишлар ўтказилди, ушбу фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш бўйича учрашувлар ташкил қилинди.

Шунингдек, фракция мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳамда сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳар йилги ҳисоботлари ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

Фракция томонидан ўтган беш йиллик даврда жойларда 260дан зиёд амалий учрашувлар, тадбир ва семинарлар ўтказилди. Фракция аъзолари умумий ҳисобда 3103 марта турли тадбирларда иштирок этишди. “Ўзбекистон ХДП парламент демократияси тизимида” (ЎзХДП МК билан биргаликда), “Ногиронларни ижтимоий ҳимоялашга оид Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш масалалари” (ЎзХДП МК ва Ўзбекистон Ногиронлар жамияти билан биргаликда), “Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари” (Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси билан ҳамкорликда), “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги Қонунни амалиётга татбиқ этиш муаммолари”, “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари”, “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш масалалари” мавзуларидаги тадбирлар, фракция ва халқ депутатлари қатор туман ва шаҳарлар Кенгашларидаги ХДП гуруҳлари билан биргаликда семинарлар ҳамда бошқа тадбирлар ўтказилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан киритилган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги

Конституциявий қонуннинг лойиҳасини муҳокама қилиш ҳамда қабул қилинган қонунни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш бўйича ЎзХДП фракцияси аъзолари ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда 60 дан зиёд учрашувлар, давра суҳбатлари, конференциялар ўтказилди, телевидение, радио, газеталарда депутатларимизнинг 30 дан зиёд интервью, муносабат ва мақолалари эълон қилинди.

Шунингдек, фракция аъзолари томонидан жойларда ўтказилган жами 38 та тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юксак маданият – енгилмас куч” асарида белгиланган вазифалар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Фракция ўзининг қонуний ҳуқуқлари ва парламентчилик фаолияти механизмларидан фойдаланган ҳолда қатор ташаббус ва таклифлар билан чиқди.

Қонунчилик палатаси Регламентига мувофиқ 2005-2009 йиллар давомида фракция аъзоларининг жойларда сайловчилар билан ўтказган жами 2479 та учрашувларида депутатлар мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг моҳияти, Қонунчилик палатаси фаолияти, қабул қилинаётган қонунлар тўғрисида чиқишлар қилдилар. Депутатлар фуқароларни Қонунчилик палатасида ҳам, сайлов округларида ҳам қабул қилдилар. 2008 йилда фракция аъзолари 4123 марта фуқароларни қабул қилдилар.

Фракция аъзолари Қонунчилик палатаси кўмиталари томонидан ўтказилган жами 174 та назорат-таҳлил ишларида қатнашдилар. Улар депутатлар гуруҳлари таркибида мамлакатимизнинг барча минтақалари, шунингдек бир қатор вазирлик ва идораларда амалдаги қонунлар, конвенциялар, миллий дастурларнинг ижросини ўргандилар, аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган тавсияларнинг ишлаб чиқишида фаоллик кўрсатдилар.

Партияларнинг жамоатчилик билан алоқаларининг яна бир усули аҳолининг мурожаатлари билан ишлашида кўринади. 2005-2009

йилларда фракцияга 388 та хат ва ариза келди. Жумладан, 322 та хат турли давлат идоралари ва Қонунчилик палатаси кўмиталаридан юборилган бўлиб, уларга белгиланган тартибда жавоб берилди. Фуқаролардан фракцияга 65 та, бевосита фракция аъзоларига сайловчилардан 2921 та хат, шикоят ва аризалар тушди. Асосан турли даражалардаги судларнинг қарорлари, баъзи маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг фаолияти, коммунал хизматлар, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, фуқароларни чет элларга ишга жўнатиш бўйича муаммолар тўғрисидаги ушбу барча шикоят ва аризалар амалдаги қонунлар доирасида кўриб чиқиш учун тегишли давлат органларига юборилди. Уларнинг 1188 таси ижобий ҳал қилинган.

Ўтган давр давомида фракция аъзоларининг газета ва журналларда 649 марта мақола, интервьюлари, телевидение ва радио орқали 1282 марта чиқишлари эълон қилинди. ЎзХДП фракциясининг фаолияти, амалга оширилган ишлари ва фракция томонидан ўтказилган мажлислар, “давра суҳбатлари”, учрашувлар ва бошқа тадбирлари, ушбу йиғилиш ва тадбирларда кўтарилган ижтимоий-сиёсий муаммолар, жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга қонунлар лойиҳалари юзасидан депутатлар, жамоатчилик вакиллари, олим ва мутахассисларнинг маъруза ва таклифлари, фикр-мулоҳазалари, оммавий ахборот воситаларида, хусусан, ЎзХДПнинг “Ўзбекистон овози” ва “Голос Узбекистана” газеталарида, радио ва телевидениеда мунтазам ёритиб борилди. Жумладан, Н.Исмоиловнинг «Приобрести жилье поможет»¹, Фахриддин Ражабов «Аҳоли бандлиги»², «Ҳуқуқий ислоҳатнинг муҳим босқичи»³, «Жамият тараққиёти гарови»⁴, Абдуманноп Рахимов «Мукаммал қонунлар тараққиётга хизмат қилади»⁵ каби мақолаларини кўрсатиш мумкин.

¹ «Народное слово» газетаси. 2006 йил 18 январь.

² «Ўзбекистон овози» газетаси. 2006 йил 13 июнь.

³ «Ўзбекистон овози» газетаси. 2006 йил 4 июль.

⁴ «Ўзбекистон овози» газетаси. 2006 йил 12 декабрь.

⁵ «Ўзбекистон овози» газетаси. 2006 йил 4 июль.

Депутат Нурдинжон Исмоиловнинг «Приобрести жилье поможет» номли мақоласи уй-жой сотиб олишга ёрдамлашади. Ушбу мақолада янги қабул қилинган “Ипотека тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти, уни мамлакатимизда халқимизнинг ижтимоий ҳимоясига муносиб ҳисса қўшиши, аҳолининг турар-жой билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилилиши ҳақида чуқур таҳлиллар берилган.

“Амалдаги Фуқаролик кодекси, “Гаров тўғрисида”ги Қонун ипотека муносабатларини тўлиқ ва ҳар томонлама тартибга сола олмаганлиги учун ипотека тўғрисидаги махсус қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда қўчмас мулкларнинг гаровини қўллаш учун қўшимча имкониятлар яратди”¹, - дейилади унда.

Шунингдек, мақолада Қонунда ипотека қоидаларининг бошқа бир қатор ҳуқуқларга ҳам қўллаш имкониятлари яратилганлиги шарҳлаб берилган.

Абдуманноб Раҳимовнинг «Мукаммал қонунлар тараққиётга хизмат қилади» номли мақоласида «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳақида ҳикоя қилади. Дарҳақиқат, ушбу қонунни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг юрак урушини ифода этувчи қонун десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2006 йил 11 октябрь куни имзоланган ва матбуотда эълон қилинган ушбу Қонун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектларнинг қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ваколатлари ва улар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишнинг тартиб-тамойиллари, қонунлар лойиҳаларини тайёрлашга доир фаолиятнинг асосий принциплари, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш тартиби, қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини

¹ «Народное слово» газетаси. 2006 йил 18 январь.

режалаштириш ва бошқа қатор нормаларни ўз ичига олган. “Қонун қонунчилик жараёнини янада такомиллаштириш учун муҳим аҳамият касб этади”¹, - деган хулоса чиқаради муаллиф ўз мақоласида

“Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси”нинг жамоатчилик билан алоқаларини ўрганганда битта йўналишини кенгроқ шарҳлашни маъқул топдик. ЎзЛиДеП маҳаллий вакиллик органларидаги ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлаштириш ва фракция билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалаларига алоҳида эътибор берди. Зеро халқ ичига киришнинг энг маъбул йўлларида бири шудир. Қонунчилик палатаси халқ ичига пойтахтнинг руҳиятини олиб кирса, маҳаллий вакиллик органлари депутатлари маҳаллий шароитни яхши билади ва ташвиқот янада самарали бўлади.

Шунингдек, баъзи партияларда депутатлик гуруҳлари бўлмаган бир пайтда уларнинг ҳар бир туман, вилоятда депутатлик гуруҳлари мавжуд бўлиб, ушбу кучдан улар самарали фойдаланишади.

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонунига мувофиқ ва партиянинг дастурий кўрсатмаларини янада чуқурлаштириш, партия мафкурасини ривожлантириш ва ғояларини халқ орасида кенг тарғиб қилиш бўйича 2008-2009 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. Партия фракцияси томонидан бу борада тузилган ишчи гуруҳи маҳаллий депутатлик гуруҳларини маълумотлар ва тегишли материаллар билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатди. Ҳамкорликда туркум тадбирлар уюштирилди. Бундай тажриба нафақат жойлардаги депутатларнинг, балки партия қуйи ташкилотлари фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Шундай ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар-семинар, конференция, давра суҳбати ва сайловчилар билан учрашувлар бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, хусусан

¹ «Ўзбекистон овози» газетаси. 2006 йил 4 июль.

жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни партиявий воситалар ёрдамида ҳал этиш мақсадида давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш, партия электоратининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда партия фракцияси ролини оширишнинг йўллари ва имкониятларини ишга солиш, жойлардаги куч ва имкониятларини яна бир қарра баҳолаб, таҳлил этиш масалалари борасидан ҳам самарали бўлди. ЎзЛиДеПнинг маҳаллий депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлаштириш ва фракция билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш йўллари кучайганлиги пировард натижада жамоатчиликка бўлган таъсирини янада оширди. Шунингдек фракциядаги ишчи гуруҳи Президент Ислом Каримовнинг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тadbирлар тўғрисида” Фармониға мувофиқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тadbирлар режасини ишлаб чиқди. ЎзЛиДеПнинг маҳаллий депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда жойларда қатор тadbирлар ўтказилди. Масалан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия унверситетининг академик лицейи ўқувчилари ЎзЛиДеП фракцияси депутатлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлганлиги таъкидланди. Шу аснода мамлакатимиз инсонпарварлик ва эрксеварлик ғояларига содиқ эканлигини намоёниш этди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига декларациянинг етакчи нормалари сингдирилганлиги, бизнинг давлатимизда инсон, унинг шаъни ва кадр- қиммати, ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадриятлар сифатида эътироф этилганлиги лицей ўқувчиларига батафсил таништирилди. Учрашувда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган, шу жумладан ёш авлодга таълим бериш ва уни тарбиялаш масалалари устувор йўналишларидан бири бўлган кенг

миқёсдаги ишларнинг муҳимлиги таъкидлаб ўтилди. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабули қилиниши бунга ёрқин мисол бўлиб, унда фарзандларимизнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари, эркинликлари, уларнинг баркамол шахс бўлиб вояга етишлари учун қонунчилик базаси белгилаб берилганлиги, аҳолининг аксарият қисмини ёшлар ташкил этадиган мамлакатимизда ўсиб келаётган авлоднинг манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор берилаётганлиги, ёш авлодни интеллектуал, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, ёшларнинг энг яхши жаҳон стандартлари асосида таълим олиши, ўсмирлар ва қизларда энг юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, иқтидорли ёшларни аниқлаб, уларнинг қобилияти ва истеъдоди тўла намоён бўлиши учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида барча шарт-шароитлар яратилганлиги қайд этилди.

Фракция томонидан 2006 йилда ўтказилган 180 дан зиёд конференция, семинар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларда қонунлар лойиҳаларининг концепциялари муҳокама қилинди. Тадбирларда ишлаб чиқилган ва жойларга йўлланган тавсиялар фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти муайян даражада ўсишига кўмаклашди. Буларнинг бари фракциялар саъй ҳаракати туфайлидир. Буларнинг барчаси депутатларни жамоатчилик билан мунтазам алоқа қилишини, тегишли органлар вакиллари, мутахассислар билан доимий муносабатда бўлиб, улар билан тажриба алмашишини, фикр-мулоҳазасини ўрганишларини, шунингдек халқ ўртасида юриб, муаммоларини таҳлил этишини, фуқаролар орасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришларини ифодалаб турибди.

Партиянинг жамоатчилик билан алоқаларига сарфлаган маблағига қараб ҳам бу борадаги самарали ишларни англаш мумкин. Биргина 2008 йилда партия ўз фаолларини ўқитиш ва семинарлар ўтказишга 10,4; конференция ва қурултойлар ўтказишга 40,2; тарғибот ва ташвиқот харажатларига 15,3; матбуот органига ёрдам кўрсатишга 50,0 миллион

маблағ сарфлаган. Бу маблағларнинг бари жамоатчилик билан алоқаларга сарфлангандир. Бу маблағлар фақат давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобигадир. Бундан ташқари ҳомийлардан келиб тушган маблағлар ҳисобига ҳам ташвиқот ва тарғибот ишларини юритган. Сиёсий партиянинг молиявий харажатларига эътибор берилса ҳам, фаолияти жамоатчилик билан алоқалардан иборат эканлигини англаш мумкин.

Ушбу тарғибот ва ташвиқот ишларига депутатлар муносиб ҳисса қўшишган ва буни уларнинг ОАВларида чиқишларидан ҳам кузатсак бўлади.

Фахриддин Комиловнинг «Кичик бизнес ва тадбиркорлик: қонунчиликдаги ўзгаришлар»¹, С Жабборовнинг «Қонунчилик ташаббуси – юксак маъсулият»², «Қонун ижодкорлиги – муҳим жараён»³, Матлуба Махаметова «Оила - жамият пойдевори»⁴ каби мақолалар эълон қилишган.

Фахриддин Комиловнинг «Кичик бизнес ва тадбиркорлик: қонунчиликдаги ўзгаришлар» сарлавҳали мақоласида “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини шарҳлайди. Унда Ўзбекистон Республикасининг 36 та қонунига ва 2 та кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Қонун лойиҳасининг Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”га ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Божхона кодекси”га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қисми Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ишланиб маромига етказилди. Ундан ташқари мақолада қўмитанинг асосли ва қатъий ёндашуви туфайли 4 қонунга

¹«XXI аср» газетаси. 2006 йил 2 февраль.

² «Халқ сўзи» газетаси. 2006 йил 20 апрель.

³ «Ишонч» газетаси. 2006 йил 14 июль.

⁴ «Соғлом авлод» газетаси. 2007 йил 19 апрель.

киритилиши мўлжалланаётган асоссиз ўзгариш ва қўшимчалар қонун лойиҳасидан чиқариб ташланганлиги ҳикоя қилинади.

Матлуба Махаметованинг «Оила - жамият пойдевори» номли мақоласида “Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни шарҳланган.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши билан, никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки ОИТС билан касалланганлигини бошқасидан яширган тақдирда, инсофли тарафга никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиб судга мурожаат этишлик ҳуқуқи тикланади. Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилиши билан инсофли тараф барча мулкӣ масалаларини фуқаролик қонунчилиги ҳамда оила қонунчилиги билан ҳимоя қила олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қонунчилик палатаси депутатлари-фракция аъзоларининг қўйи палата фаолияти ҳақида ОАВда эълон қилган материалларини таҳлил этадиган бўлсак, шуни айтиш лозимки, депутатлар 2005 йил давомида ОАВда 1420 та, 2006 йилда 2100 та чиқишлар қилганлар.

Оммавий ахборот воситаларида суд-ҳуқуқ мавзуининг ёритилиши даражасини ўрганиб мониторинг натижаси ижобий эканлиги аниқланди. Улар мамлакатимиздаги юздан ортиқ ОАВлари билан ҳамкорлик қилишган.Энг асосийси депутатларнинг таҳлилий мақолалари салмоқли ўринни эгаллайди.. Лекин шуни айтиш лозимки, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ мавзуси республика газеталарига нисбатан вилоят ва туман газеталарида кам ёритилган.

Ҳукумат органлари фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилиши ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш сари қўйилган бир қадам десак муболаға бўлмайди. Зотан, ҳуқуқий демократик давлатнинг, фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидан бири ҳам – давлат идоралари фаолиятида ошкораликка эришишдир. Ошкораликни таъминлашда эса оммавий ахборот

воситалари беминнат хизмат қилади. Жамоатчилик билан алоқаларда ОАВнинг аҳамияти ҳақида тўхталмасликнинг умуман иложи йўқ. Зеро, оммавий ахборот воситаларини “тўртинчи ҳокимият” деб бежиз айтмайдилар. Оммавий ахборот воситаларининг ҳукумат билан халқ ўртасида кўприк вазифасини ўташи публик рилейшнзга жуда қўл келади. Чунки, ОАВ ва публик рилейшнзнинг мақсад-муддаолари, вазифалари ҳам бир-бирига ҳамоҳанг. Публик рилейшнз ҳамиша ОАВ билан ўзаро уйғунликда фаолият олиб боради.

Г) Ўзбекистон сиёсий партиялари сайтларининг жамоатчилик билан алоқалардаги роли.

Ўзбекистон сиёсий партиялари сайтларини кузатар эканмиз, уларни тўлиқ талабга жавоб беради, дея олмаймиз. ЎзХДП эса, умуман сайт яратган эмас. Фақатгина партия нашри бўлмиш “Ўзбекистон овози” газетаси сайтида “ЎзХДП ҳаёти” алоҳида рукни мавжуд бўлиб, унда фақат партия тадбирлари янгиликлари узатилиб борилади. Шу сабаб илмий ишимизнинг бу бўлимида уч партия – ЎзЛИДЕП, “Миллий Тикланиш”, “Адолат” партияси сайтлари ҳақида сўз юритамиз. Партия сайтларининг барчасида партиянинг бош ғояси, дастури, низоми тарихи ҳақида маълумотлар жойлаштирилган. Лекин партия сайтларини “умумий маълумотлар деворчаси” десак муболаға бўлмас. Чунки, уларда икки томонлама алоқа мавжуд эмас, фақат партия ҳақида умумий ахборотлар бериш функцияси билангина чекланиб қолганлар, жамоатчилик билан алоқа эса қўйилмаган. Ўзбекистон сиёсий партияларининг яна бир яққол кўзга ташландиган камчилиги шуки – “замон билан ҳамнафас эмас”, яъни янгиликлар ўз вақтида янгиланмайди. Барча партия сайтларида партия раҳбар органлари, партия фракцияси, партияга аъзо бўлиш қонун-қоидаларига доир рукнлар мавжудки, улар партия ҳақида умумий маълумотлар беради. Партияга аъзо бўлиш рукнида ҳам он-лайн тарзда аъзо бўлиш хизмати йўлга қўйилмаган. ЎзЛИДЕПнинг Олий Мажлисидаги фракцияси

электрон манзили берилган бўлиб, бу ҳам жамоатчилик билан алоқа қилиш сари бир қадам десак муболға бўлмайди. Чунки, жамиятдаги у ёки бу муаммо ёхуд бирор қонун ҳақида ўз фикр ва қарашларини билдирмоқчи бўлган оддий жамоатчилик тўғридан-тўғри қонун чиқарувчи орган – фракцияга электрон хат ёзиши мумкин. “Миллий тикланиш” да эса ҳудудий партия ташкилотлари раислари алоқа манзили мавжуд бўлиб, бирор масала бўйича мурожаат қилишни истаган киши ўз ҳудуди ташкилотлари билан боғланиши мумкин.

Барча партия сайтларида “Қонунлар” рукни ҳам мавжуд бўлиб, партиялар фаолиятига доир Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ўқувчилар эътиборига тақдим этилган. ЎзЛИДЕП сайтида эса тадбиркорлик фаолиятига тегишли барча қонунлар келтирилган. Партия сайтининг яна ўзига хос томони шундаки, унда “обуна бўлиш” хизмати йўлга қўйилганки, сайтга обуна бўлган киши, партия тадбирлари ҳақида янгиликлардан бохабар бўлиб туради. Партия сайтларининг барчасида “Хотин-қизлар қаноти”, “Ёшлар қаноти”, шунингдек сайловларга бағишланган рукнлар мавжуд бўлиб, улар ҳам қайта янгиланмаган. Ҳатто, “Адолат”СДПсининг “Сўз партия аъзосига” рукнида Олий Мажлис депутати сифатида аввалги муддат депутатлари чиқишлари узатилган, янги сайланган депутатлари нутқи эса ҳалигача жойлаштирилмаган. Ҳолбуки, сайловдан кейин деярли беш ой ўтди. Лекин руннинг ўзига хос томони шуки, унда фракция аъзолари, партия маъмурияти вакиллари чиқишларини мутолаа қилишингиз мумкин. “Адолат”СДПси сайтининг эътиборга молик хусусияти – сайтдан айнан ўша дақиқада неча киши фойдаланаётганидан бохабар бўлиб туриш мумкин. Яна “Партия кундалиги” ҳам мавжуд бўлиб, унда партия тадбирлари архивини ойма-ой, йилма-йил топса бўлади.

Партия сайтларининг ҳеч бирида мультимедиа хизматлари мавжуд эмас. Фақат “Фотогалерея” рукни билангина чегараланган, холос.

Д) Депутатларнинг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш фаолияти.

Фракция аъзолари фуқароларнинг хатлари, аризалари ва мурожаатлари билан ишлашга катта эътибор қаратиб, бу фаолият “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади. Депутатларнинг фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолияти ҳам уларнинг жамоатчилик билан алоқаларининг яна бир йўналишидир.

Масалан, 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига 3198 та ёзма мурожаат тушган.

Хатларда фуқаролар мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган воқеаларга ўз муносабатларини баён этганлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳалардаги ўзгаришлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирганлар.

Айни вақтда, кўпгина мактубларда фуқаролар турли даражадаги судларнинг қарорларидан норози эканликларини баён қилганлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг фуқаролар нуктаи назарига кўра қонунга хилоф ҳаракатлари, коммунал хизматлари, ижтимоий таъминот хизматлари фаолиятидаги камчиликлар, жойларда шикоятларга эътиборсизлик қилинаётгани устидан арз қилганлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ваколатига тааллуқли мурожаатлар палата раҳбарияти томонидан ва қўмиталарда кўриб борилди. Депутатлар фуқароларни Қонунчилик палатасида ҳам, сайлов округларида ҳам қабул қилдилар. Фуқаролардан тушган мурожаатларнинг аксарияти кўриб чиқиш учун тегишли ҳокимликлар, судлар, прокуратура органлари, вазирликлар, идоралар, бошқа ваколатли органларга юборилди. Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш Қонунчилик палатаси раҳбарияти, депутатлари ва Девонининг мунтазам назорати остида бўлди. Бу ишларнинг барини депутатлар яъни фракция аъзолари амалга оширдилар.

Депутатлар ўтган икки йиллик даврда мамлакатда ўтказилаётган ислохотларнинг моҳияти, мамлакатимиз раҳбариятининг бозор

иқтисодиёти ривожланган демократик фуқаролик жамияти қуришга қаратилган йўли тўғрисида сайлов округларида кенг тушунтириш ишларини олиб бордилар, жойларда долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатдилар.

2006 йилда эса Қонунчилик палатасига жами 3557 та ёзма мурожаат тушган. Бу ёзма мурожаатлар сони 2005 йилдагига нисбатан кўпайганлигини кўрсатади. Уларда фуқароларнинг ҳуқуқини муҳофаза қилувчи органлар, коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналари, хусусий уй-жой мулкдолари ширкатлари ходимларининг ҳатти-ҳаракатлари устидан (жорий ва капитал таъмирлаш ўтказилмаслиги, хонадонларда иссиқ ва совуқ сувнинг йўқлиги, газ ва электр энергиясини етказиб беришда узилишлар мавжудлиги ва бошқа шу кабилар ҳақидаги) норозилиги ифода этилган. Турли даражадаги судларнинг ҳукмлари ва ҳал қилув қарорларидан норозилик баён этилган хатлар тушиши ҳам кўп учрайди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзолари 2006 йилда Қонунчилик палатасининг Регламентига мувофиқ, ўз сайловчилари билан бўлиб ўтган 401 та учрашувларда иштирок этдилар ва улар томонидан фуқароларнинг 200 та ёзма мурожаатларига жавоб берилди ҳамда 518 таси шахсан қабул қилинди. Қўмитада барча сиёсий партияларнинг аъзолари фаолият олиб боради. Қўмита аъзоларининг тўрттаси ХДП фракцияси аъзоси, уч нафари ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси, уч нафари “Миллий тикланиш” фракцияси аъзоси, бир нафари “Адолат”СДП аъзосидир. Ушбу таҳлилнинг ўзи-ёқ фракция аъзолари ушбу йўналишда ҳам жамоатчилик билан алоқаларга муносиб ҳисса қўшаётгани кўрсатиб турибди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг жамоатчилик билан алоқалари доирасидаги фаолиятини кўриб чиқайлик. Ўз сайловчилари билан учрашувларда қўмитанинг 14 нафар аъзолари 25 та шаҳар ва туманларда бўлиб, 65 мингдан зиёд сайловчилар билан мулоқотда бўлдилар. Хусусан, фуқароларга давлат қурилиши ва бошқаруви

соҳасидаги ислохотлар, суд- ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, иқтисодиётда хусусий тармоқни жадал ривожлантириш, кичик бизнес ва фермерликни янги поғонага кўтариш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, инвестиция дастурларини бюджет ҳисобидан молиялаштириш, янги иш ўринларини яратиш, ишчи кучлари миграцияси тўғрисидаги масалалар бўйича тушунча берилди, саволларига атрофлича жавоб олдилар, йўл-йўриқлар кўрсатилиб, маслаҳат ва тавсиялар берилди. 2006 йилда қўмига 400 дан зиёд мурожаатлар, шикоятлар, фикр-мулоҳазалар, таклифлар келиб тушди. Бу эса жамоатчилик билан алоқалар фақат бир томонлама эмас, балки ҳар икки томонлама олиб борилаётганлигидан далолат беради. Қўмига депутатлари йил давомида ОАВда 300 дан ортиқ чиқишлар қилиб, қуйи палата фаолиятини ёритиб, қонунларга шарҳлар бериб бордилар.

Юқорида тилга олинган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сиёсий партиялари фракцияларининг жамоатчилик билан алоқалари ҳам мустақил республикамызда олиб борилаётган сиёсатнинг асосий мақсади – инсон қадр-қиммати, унинг манфаатлари эканлигини яна бир бор яққол ифодалаб турибди.

Хулоса

“Агар жамоатчилик фикри қарши бўлса, ҳеч бир ишда ютукка эришиб бўлмайди. Жамоатчилик қўллаб-қувватлаган ҳеч бир ҳаракат бесамар кетмайди”, - деган экан Авраам Линкольн. Бу аини ҳақиқатдир.

Юртимызда ҳам халқ фикрига азал-азалдан алоҳида эътибор бериб келинган. Ўзбек халқининг “Халқ сўзи – ҳақ сўзи” ибораси ҳам жамоатчилик фикрига кенг эътибор бериш кераклигини ифодалайди. Демак, халқ фикрига аجدодларимиз катта аҳамият беришган. Жумладан, Хайриддин Султоннинг “Бобурнома” асаридаги тафсилотга эътибор берайлик. Амир Темур ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонга юришдан олдин мамлакатнинг барча уломаю фузалоларини йиғиб, кенгашиб, фикрларини ўрганади. Сўнгра иш бошлайди. Бунда вазиятни

ўрганиб, таҳлил қилиб, кенгашиб, сўнг иш бошлаш – маълум маънода пиар хизматини эслатади. Қадим замонларда подшоларнинг жарчилари, девонхона мирзоси, сарой шоирлари, бозордаги даллоллар, оқсоқоллар кенгаши муайян маънода пиарменлар вазифасини бажарган десак бўлади.

Ҳозир Ўзбекистонда ҳам ПР хизматининг айрим кўринишлари пайдо бўлди. Масалан, уй олди-соттиси билан шуғулланаётган фирмалар ва алоҳида бозорлар мавжудлиги пиарменлар хизматига ўхшаб кетади. Шунингдек, бугун мамлакатимиздаги турли вазирликлар, ташкилотлар ҳузурида матбуот бўлимлари ишлаб турибди. Масалан, Халқ таълими, Олий таълим, Ички ишлар, Ташқи ишлар, Мудофаа Вазирликларида матбуот бўлими мавжуд. Олий Суд ҳамда “Экосан” ва “Форум” жамғармасида матбуот котиби фаолият олиб борапти. Жуда кўплаб нодавлат ва нотижорат уюшмалар, завод, фабрика ва компания, партия ва вазирликларнинг ўз газетаси, журнали, радиодастурлари ва теледастурлари мавжуд. Масалан, “Ўзбекистон ҳаво йўллари”, “Тўқимачи”, “Соғлом авлод”, “Ислом нури”, “Темирйўлчи” газета ва журналлари шулар жумласидандир.

“Халқ сўзи” газетаси халқни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан мунтазам таништириб боради. Газетани ҳукумат билан халқ ўртасидаги кўприк десак арзийди.

“Қишлоқ ҳаёти” газетаси қишлоқ меҳнаткашларини шу соҳага оид янгиликлардан воқиф қилади.

“Туркистон” эса ёшлар ҳаётига оид ҳукумат чиқарган қарорлар, қонунлар, дастурлар ва тадбирлар билан таништиради. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини мунтазам ёритиб боради.

“Соғлом авлод” газетаси ва “Соғлом авлод учун” журнали ўзининг муассиси бўлган “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси фаолиятини, хусусан, кам таъминланган оила фарзандлари, боқувчисини йўқотган кишилар, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига

кўрсатаётган мурувват кўмаги, хориждан келган инсонпарварлик ёрдамлари хусусида мунтазам маълумотлар бериб бориб, кенг ёритади.

“Сиҳат-саломатлик” журнали эса Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини акс эттиради.

“Маърифат” газетасини олсак, у Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига оид қарор, дастур ва янгиликлар билан муштариёларни мунтазам таништиради.

“Тошкент ҳафтаномаси” нашри турли рекламалар бериб, одамларнинг оғирини енгил қилади, газетхонларнинг ўзаро мулоқати-ю муносабатини таъминлайди.

Шунингдек, баъзи олийгоҳлар ҳам ўз студияларига, нашр ва нишриётларига эга. Масалан, Тошкент Давлат Ислом университети “Зиё” студиясига эга. Буларнинг барида ПРнинг кўринишлари мавжуд.

Шу билан бирга, ҳали бу соҳада Ўзбекистонда жуда кўп ишларни амалга ошириш зарур.

Юқорида сиёсий партияларнинг жамоатчилик билан алоқаларини кенгроқ шарҳлашга интилдик. Парламентдаги партиялар фракцияларининг фаолиятини чуқурроқ таҳлил қилдик. Чунки партиялар жамоатчилик билан алоқаларда фракцияга суянади. Депутатларнинг сайловчилар билан учрашиб ҳисоб бериб туриши қонунларда белгиланган. Ана шу имкониятдан партиялар самарали фойдаланади. Умуман, таъбир жоиз бўлса, сиёсий партияларнинг мақсад-муддаоси халқ ичига кириш, жамоатчиликнинг ҳурмат - эътиборини қозониб, ўз мақсад ва ғояларини сингдиришдир.

Партиялар қонун ижодкорлиги, сайловчилар билан учрашувлар, тадбирлар (конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари) ўтказиш орқали жамоатчилик билан муносабатларни мустаҳкамлайди. ОАВ да чиқишлари ҳам самарали амалга оширилаяпти. Партиялар фракциялари фаолиятини «Халқ сўзи» “Народное слово” газеталари, “Ахборот” ва

“Давр” инфор­ма­цион кўрсатувларининг деярли ҳар бир со­ни­да учратиш мумкин.

Замонавий технологияларни жорий этилиши билан партия ҳаётига интернет сайтлари кириб келди. Афсуски, ушбу йўналишда ҳали жуда кўп ишларни амалга ошириш лозим. Сайтлар орқали аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш, фаолият самарадорлигини янада ошириш давр талабидир.

Ўзбекистон сиёсий партиялари сайтлари бугунга замон талабига жавоб бермайди. ЎзХДП эса умуман сайт яратган эмас. Фақат партия нашри бўлмиш “Ўзбекистон овози” газетаси сайтида “ЎзХДП ҳаёти” алоҳида рукни мавжуд бўлиб, унда фақат партия тадбирлари ҳақида маълумот бериб борилади.

Партия сайтларининг барчасида партиянинг бош ғояси, дастури, низоми тарихи ҳақида маълумотлар жойлаштирилган. Лекин партия сайтларини “умумий маълумотлар деворчаси” десак муболага бўлмас. Чунки, уларда икки томонлама алоқа мавжуд эмас, фақат партия ҳақида умумий ахборотлар бериш билангина чекланилган, жамоатчилик билан алоқа йўлга қўйилмаган. Ўзбекистон сиёсий партияларининг яна бир яққол кўзга ташланадиган камчилиги шуки – “замон билан ҳамнафас эмас”, яъни янгиликлар ўз вақтида янгиланмайди. Барча партия сайтларида партия раҳбар органлари, партия фракцияси, партияга аъзо бўлиш қонун-қоидаларига доир рукнлар мавжудки, улар партия ҳақида умумий маълумотлар беради. Партияга аъзо бўлиш рукнида ҳам он-лайн тарзда аъзо бўлиш хизмати йўлга қўйилмаган. ЎзЛИДЕПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси электрон манзили берилган бўлиб, бу ҳам жамоатчилик билан алоқа қилиш сари бир қадам десак муболага бўлмайди. Чунки, жамиятдаги у ёки бу муаммо ёхуд бирор қонун ҳақида ўз фикр ва қарашларини билдирмоқчи бўлган оддий жамоатчилик тўғридан-тўғри қонун чиқарувчи орган – фракцияга электрон хат ёзиши мумкин. “Миллий тикланиш” ДПсида эса ҳудудий партия ташкилотлари раислари алоқа манзили мавжуд бўлиб, бирор

масала бўйича мурожаат қилишни истаган киши ўз ҳудуди ташкилотлари билан боғланиши мумкин.

Барча партия сайтларида “Қонунлар” рукни ҳам мавжуд бўлиб, партиялар фаолиятига доир Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ўқувчилар эътиборига тақдим этилган. ЎзЛИДЕП сайтида эса тадбиркорлик фаолиятига тегишли барча қонунлар келтирилган. Партия сайтининг яна ўзига хос томони шундаки, унда “обуна бўлиш” хизмати йўлга қўйилганки, сайтга обуна бўлган киши, партия тадбирлари ҳақида янгиликлардан бохабар бўлиб туради. Партиялар сайтларининг барчасида “Хотин-қизлар қаноти”, “Ёшлар қаноти”, шунингдек сайловларга бағишланган рукнлар мавжуд бўлиб, улар ҳам қайта янгиланмаган. Ҳатто “Адолат”СДПсининг “Сўз партия аъзосига” рукнида Олий Мажлис депутати сифатида аввалги муддат депутатлари чиқишлари узатилган, янги сайланган депутатлари нутқи эса ҳалигача жойлаштирилмаган. Ҳолбуки, сайловдан кейин деярли беш ой ўтди. Лекин руннинг ўзига хос томони шуки, унда фракция аъзолари, партия маъмурияти вакиллари чиқишларини мутолаа қилишингиз мумкин. “Адолат”СДПсининг сайтининг эътиборга молик хусусияти – сайтдан айнан ўша дақиқада неча киши фойдаланаётганидан бохабар бўлиб туришингиз мумкин. Яна “Партия кундалиги” ҳам мавжуд бўлиб, унда партия тадбирлари архивини ойма-ой, йилма-йил топишингиз мумкин.

Партия сайтларининг ҳеч бирида мультимедиа хизматлари мавжуд эмас. Фақат “Фотогалерея” рукни билангина чегараланган холос.

Келажакда сиёсий партиялар давр талаби бўлган сайтларни ундаги турли хил йўналишларни янада юксалтиришга эътибор беришлари лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: ”Ўзбекистон”, 2008 йил.

2. И. Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Т.: “Ўзбекистон”, 1998 йил.
3. И. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз, 7-жилд, Т.: “Ўзбекистон”, 1998 йил.
4. И.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2001 йил.
5. И. Каримов. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли, 11-жилд, Т.: “Ўзбекистон”, 2003 йил.
6. И. Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди, 13-жилд, Т.: ”Ўзбекистон”, 2005 йил.
7. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган Қўшма йиғилишидаги маърузаси.
8. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни.
9. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида”ги қонуни.
- 10.“Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни.
- 11.“Аҳоли ўртасида олиб борилаётган анъанавий - маърифий ва тарғибот ва ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора тадбирлари дастури тўғрисида”ги Президент Қарори, 2006 йил апрель.

12. “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Президент Қарори, 2006 йил август.
13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти.
14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг 2005-2009 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот, Тошкент-2009 йил.
15. Ўзбекистон Халқ демократик партияси (2005-2009 йиллар), Тошкент-2009.
16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг 2005-2009 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот, Тошкент-2009 йил.
17. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2005-2009 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, Тошкент-2009 йил.
18. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партияси фракциясининг 2005-2009 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, Тошкент-2009 йил.
19. Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партиясининг 2005-2009 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, Тошкент-2009 йил.
20. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Либерал- демократик партияси фракциясининг 2005-2009 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, Тошкент-2009 йил.
21. Ўзбекистон Либерал -демократик партияси 2005-2009 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, Тошкент-2009 йил.
22. “Паблик Рилейшнз. Связи с общественностью в сфере бизнеса”, Ассоциация авторов и издателей. Москва. «Тандем», 1999 йил.
23. В.А.Моисеев “Паблик Рилейшнз. Теория и практика» Киев. «Вира Р», 1999 йил.

- 24.Сэм Блек. Введение в публич рилейшнз. «Феникс» 1998 йил.
- 25.«Лугат. Журналистика. Реклама. Паблик Рилейшнз. Маълумотнома.1700 та атама» Тошкент. “Зар қалам” нашриёти 2003 йил.
- 26.В.А. Борисов, И.А. Быков, В.Э. Гончаров, К.А. Гусев, А.Б. Шуршиков. Связи с общественностью в политике. Учебное пособие. Санкт-Петербург. СПбГУТ. 2000.
- 27.Быков И.А. "Электронная демократия" vs "электронное правительство": концептуальное противостояние? // Политэкс: Политическая экспертиза: Альманах. Вып. 3. – СПб.: Изд-во С.-Петербур. ун-та, 2005. - С. 69-79.
- 28.Быков И.А. Интернет-сайт как инструмент политической коммуникации//Коммуникация и конструирование социальных реальностей. Сб. науч. Статей/Отв.ред.О.Г.Филатова. Ч.2 – СПб. Роза мира, 2006. – С.102-107
- 29.Ўзбекистон “Адолат” СДП нашри- “Адолат” газетаси.
- 30.Ўзбекистон “Миллий тикланиш” ДП нашри-“Миллий тикланиш” газетаси.
- 31.Ўзбекистон Халқ демократик партияси нашри-Ўзбекистон овози” газетаси.
- 32.Ўзбекистон Либерал -демократик партияси нашри- “XXI аср” газетаси.
- 33.<http://www.politico.com> “2008 campaign costliest in U.S. history” Jeanne Cummings. 11/05/08
- 34.<http://www.spinwatch.org> “The Deadly Embrace: Political Public Relations and Journalism in Election Campaigns”. Nicholas Jones. 29 March 2006.
- 35.<http://www.museum.tv> “Political processes and television”. Lynda Lee Kaid.
- 36.<http://www.global-politics.co.uk> “A View on the Economy of Power: PR politics and the people that use it”. Florent Tual.
- 37.[www.bivingsreport.com /campaign/2006_campaign_study.pdf](http://www.bivingsreport.com/campaign/2006_campaign_study.pdf) . The internet’s role in political campaigns: Utilization by 2006 Unites States Senatorial Candidates. May/23/2006.

38. <http://www.pewinternet.org/Reports/2009/6--The-Internets-Role-in-Campaign-2008> Aaron Smith. April/2009
39. www.blog.reuters.com “Will this be the internet election?” Mark Jones. March/10/2010
40. www.parliament.uk/post/pn155.pdf “Online voting”. Postpone. May 2001. Number 155¹
41. <http://www.conservatives.com/>
42. <http://www.conservativesabroad.org>
43. <http://www.lp.org/>
44. <http://www.gp.org>
45. <http://www.gop.com/>
46. <http://www democrats.org/>
47. <http://www2.labour.org.uk>
48. www.campaignmoney.com
49. www.MyBarakObama.com
50. www.supporttcc.org
51. www.openforum.com.au
52. www.dol2day.de
53. www.membernet
54. www.myconservatives.com
55. www.LibdemACT
56. www.adolat.uz

**Магистрлик диссертацияси муаллифи О.Саъдуллаеванинг
мақолалари рўйхати:**

57. “Паблик Рилейшнз” // “Ўзбекистон матбуоти” журнали, 2004 йил, №3.
58. “Паблик Рилейшнз” // “Соғлом авлод” газетаси, 2004 йил май, №18.
59. “Паблик Рилейшнз: тадқиқот ва санъат” // “Туркистон” газетаси, 2004 йил 12 май.
60. “Паблик Рилейшнз (PR)-жамоатчилик билан алоқалар ёхуд фан ва санъат”/ Тошкент, “Истиқлол” нашриёти, 2005 йил.

61. “Паблик Рилейшнз” // “Филология масалалари” илмий
- методик журнал, 2005/4, 2006/1(10).
62. “Германия матбуоти” // “Хуррият” газетаси, 2008 йил 23 январь.
63. “Хитой матбуоти” // “Ўзбекистон матбуоти” журнали, 2009 йил №3.
64. “Сиёсий партиялар сайтларда” // “Хуррият” газетаси, 2010 йил 12 май.
65. “АҚШ партиялари ва уларнинг жамоатчилик билан алоқалари” //
“Соғлом авлод” газетаси, 2010 йил 20 май.